


ОЗОДАХОН БОЛТАБОЕВА



**XX АСР БОШЛАРИ
НАМАНГАН
АДАБИЙ
ҲАРАКАТЧИЛИГИ**

МОНОГРАФИЯ



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

ОЗОДАХОН БОЛТАБОЕВА

**XX АСР БОШЛАРИ НАМАНГАН
АДАБИЙ ҲАРАКАТЧИЛИГИ**

МОНОГРАФИЯ

Наманган – 2022

УЎК: 821.512.133-9

КБК: 84 (Ўзб) 7

Б-15

Монографияда XX аср бошлари Наманган адабий ҳаракатчилиги намоёндалари Нодим, Ҳайрат, Хилватий, Ибрат, Суфизода, Доғий ва Сухайлий ижодий фаолияти, уларнинг ишқий-ирфоний, ахлоқий-маърифий, ижтимоий-сиёсий мавзудаги асарларида мавжуд мумтоз адабий анъаналар тадрижи, поэтик шакл ва поэтик мазмуннинг янгилиниш тамойиллари ёритилган.

Монография адабиётшунос олимлар, тадқиқотчилар, талабалар ва ўзбек шеърини ихлосмандларига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

Нурбой Жабборов

филология фанлари доктори, профессор

Тақризчилар:

Дилмурод Қуронов,

филология фанлари доктори, профессор

Абдулҳамид Қурбонов,

филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

84 (Ўзб) 7

Болтабоева, Озодахон

XX аср бошлари Наманган адабий ҳаракатчилиги / Озодахон Болтабоева; масъул муҳаррир: Н.Жабборов. – Тошкент, 2022. – 128 б.

Монография Наманган давлат университети илмий-техник Кенгашининг 2020 йил 10 декабрда бўлиб ўтган йиғилишида нашрга тавсия этилган (Баённома № 12)

ISBN: 978-9943-7936-0-6

© “ARJUMAND MEDIA”

Кириш

Жаҳон адабиётшунослигида ХХ аср бошларига доир адабий манбалар, адабиёт ва жамият ходисаларининг ўзаро таъсири, ижодий метод ва поэтика, образлар табиати ва бадий талқин уйғунлиги масалалари юзасидан илмий изланишлар олиб борилган. Бу борадаги илмий-назарий қарашларни умумлаштириш адабий ҳаракатчилик, унинг шаклланиши, намоён бўлиш усуллари, тадрижи сингари масалаларни махсус тадқиқ этиш имконини яратди.

Дунё адабиётшунослигида муайян ҳудудларда адабий ҳаракатчилик шаклланишининг ижтимоий-сиёсий ва адабий-эстетик омиллари, такомил босқичлари, етакчи намоёндалари биографияси ва ижодий фаолиятини ўрганиш, асарларининг мавзу камрови ва талқини, жанр хусусиятлари ва бадий масалаларидаги анъана ва янгиланиш тамойилларини тадқиқ этиш кун тартибда турган долзарб вазифалар сирасига киради. Туркистоннинг маълум ҳудудларида миллий уйғониш даврида адабиёт ва адабий ҳаракатчилик қай асосда шаклланиб, қандай тараққий этгани, ўзига хос хусусиятлари айнан нималарда акс этиши сингари масалалар хануз ўз ечимини кутаётган илмий муаммолардандир.

Бугунги кунда ХХ аср бошлари ўзбек адабиёти тарихини холис ва ҳаққоний ўрганиш имконияти ҳар қачонгидан ҳам кучайди. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти вакиллари асарларини тадқиқ этиш борасидаги ютуқлар ана шу имкониятлар самарасидир. Аммо бу давр ижодкорларининг ҳали ўрганилмаган, мутахассислар назаридан четда қолиб келаётган жиҳатлари кўп. “Наманган қадимдан кўп-кўп истеъдод эгалари парвозига қанот берган илоҳий бир макондир. Бу кўҳна юртда туғилиб ижод қилган Махдуми Аъзам Косоний, Бобораҳим Машраб, Фазлий, Нодим Намангоний, Исҳоқхон Ибрат, Муҳаммадшариф Сўфизода сингари шоир ва маърифатпарварлар номини халқимиз ҳурмат билан тилга олади”¹. Истиқлол даври адабиётшунослигида бу ижодкорлар адабий мероси юзасидан баъзи тадқиқотлар амалга оширилган. Аммо улар ижодидаги мумтоз адабий анъаналар тадрижи ва янгиланиши масаласини илмий ўрганиш ҳамда диний-маърифий, ахлоқий-таълимий асарлари киёсий тадқиқини амалга ошириш

¹ Mirziyoyev Sh.M. Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalqimiz bilan birga quramiz. – Toshkent: O‘zbekiston, 2017. – B. 73.

зарурати ўзбек адабиётшунослиги кун тартибида турган илмий муаммолардандир.

Мустақиллик даврида XX аср бошлари Наманган адабий ҳаракатчилиги намояндалари асарлари И.Абдуллаев, У.Долимов, Н.Жабборов, Ҳ.Бобобеков, Б.Бобожонов, А.Халилбеков, С.Рафиддинов ва А.Қурбонов томонидан қўлёзма манбалар асосида чоп этилди². Доғий, Сухайлий, Суфизода, Ибрат ҳамда Хилватийнинг қўлёзма ҳолидаги шеърий асарлари жорий имлода нашрга тайёрланди³. Вақтли матбуот саҳифалари ва рисолаларда ушбу шоирлар ҳақида маълумот берилди⁴. Ибратнинг тарихий-илмий мероси бўйича номзодлик диссертацияси ҳимоя қилинди ҳамда монография нашр этилди⁵. Шоир ҳаёти ва ижодига доир илмий-назарий анжуман материаллари⁶, ўзбек, рус, инглиз, немис ва араб тилларида ҳикматлари нашр этилди⁷. Ижодкорнинг диний-маърифий ва ахлоқий-таълимий қарашлари, лирик меросининг мавзу мундарижаси ва жанр хусусияти илмий ечимини кутаётган муаммолардандир. XX аср бошлари Наманган адабий ҳаракатчилиги намояндалари ижодини ўрганиш ишлари, асосан, уларни халққа таништириш ва ижодининг маълум бир қиррасини ёритишга қаратилган. Адабиётшуносликда Ҳайрат, Хилватий,

² Хилватий Девон / Нашрга тайёрловчилар: Абдуллаев И., Йўлдошев А. – Тошкент: Фан, 2001. – 524 б; Долимов У. Исҳоқон Ибрат. – Тошкент: Шарқ, 1994. – 144 б; Ибрат И. Ташланган асарлар / Нашрга тайёрловчилар: Долимов У., Жабборов Н. – Тошкент: Маънавият, 2005. – 200 б; Ибрат И. Фаргона тарихи / Нашрга тайёрловчилар: Бобобеков Ҳ., Ҳасаний М. – Тошкент: Камалак, 1991. – Б. 266-327; Қоматцу Ҳ., Бобожонов Б. Исҳоқон тура ибн Джунайдуллах Ходжа. Мезан аз-заман. – Ташкент-Токио, 2001. – 30 с; Халилбеков А. Нодим ҳаёти ва ижоди. – Наманган: Наманган, 1994. – 88 б; Шу муаллиф. Наманган адабий муҳити. – Тошкент: Рухлоф, 1998. – 176 б; Шу муаллиф. Наманган адабий гулшани. – Наманган: Наманган, 2007. – 467 б; Хилватий Мавлуди шариф / Нашрга тайёрловчи: Қурбонов А. – Наманган: Наманган, 2000. – 76 б; Хилватий. Сайрул жибол / Нашрга тайёрловчилар: Сайфуллоҳ С., Болтабаева О. – Тошкент: Фан, 2009. – 88 б.

³ Доғий Дилим ихор айлаини дерман / Нашрга тайёрловчилар: Ҳошимхўжа Йўлдошхўжа ўғли, Йўлдошхўжаев Ҳ., Қўломова И. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2006. – 214 б; Сухайлий. Ёдгорим / Нашрга тайёрловчилар: Йўлдошхўжаев Ҳ., Қўломова И., Йўлдошхўжаев К. – Тошкент: Fiki-Media, 2009. – 192 б; Орифий Ҳ. Муҳаммадшариф Суфизода. – Наманган: Наманган, 2007. – 112 б; Ибрат И. Фикси Кайдоний назми / Нашрга тайёрловчи: Насруллаев Н. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2012. – 96 б; Хилватий. Чароғи мактаб / Нашрга тайёрловчилар: Болтабаева О., Сайфуллоев М / Соғлом эътиқод – мўминга нажот. – Тошкент: Sbaq, 2014. – Б. 147-178.

⁴ Низомов Б. Наманганда Ибрат босмаҳонаси / Давр. – Наманган, 2017, 10 март. – № 11; Самадов Ю. Мавлоно Ибрат ворислари. – Наманган: Наманган, 1999. – 40 б; Қаримов Н. Муҳаммадшариф Суфизода. – Тошкент: Миллати, 2012. – 132 б; Йўлдошев И., Умματος Р. Ибрат изларидан. – Наманган: Наманган, 2014. – 40 б; Маъжид Л. Мулло Йўлдош Хилватий. – Наманган: Наманган, 2017. – 236 б; Шу муаллиф. Исҳоқон Ибрат яратган бог. – Наманган: Наманган, 2018. – 256 б; Абдуллаева М. Исҳоқон Ибрат – серкирра ижод соҳиб. – Тошкент: Наврўз, 2018. – 52 б.

⁵ Воқидова К. Исҳоқон Жунайдуллохўжа ўғли Ибрат ва унинг тарихий-илмий мероси: Тар. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2008. – 186 б; Шу муаллиф. Исҳоқон Жунайдуллохўжа ўғли Ибрат ва унинг тарихий-илмий мероси. – Тошкент: Фан, 2008. – 125 б.

⁶ Исҳоқон Ибратнинг ҳаёти ва илмий мероси. – Наманган, 2017. – 75 б; Жаҳон эътироф этган олим ва шоир. – Наманган, 2017. – 116 б; Наманганлик маърифатпарварлар. – Наманган, 2018. – 134 б.

⁷ Ибрат И. Ҳикматли сузлар / Нашрга тайёрловчи: Улуков Н. – Тошкент: Наврўз, 2019. – 28 б.

Доғий ҳамда Сухайлий асарлари монографик жиҳатдан тадқиқ этилмаган эди. Ушбу монография айна шу илмий муаммони адабий ҳаракатчилик доирасида яхлит ўрганишга бағишлангани билан аввалги илмий ишлардан фарқ қилади.

Монографияда мазкур адабий ҳаракатчиликка доир манбалар, архив ва эсдалик материаллари, даврий нашрлар таҳлили асосида ўрганилаётган шоирлар меросининг мавзу кўлами ва жанр хусусиятлари ёритилди. Адабий ҳаракатчилик намояндалари ижодида мумтоз шеърят анъаналари ва новаторликнинг намоён бўлишидаги адабий-эстетик тамойиллар аниқланди. Шунингдек, адабий ҳаракатчиликнинг бошқа адабий муҳитлардан фарқ қиладиган ўзига хос хусусиятлари ҳақида хулосалар чиқарилди. Нодим, Ҳайрат, Хилватий, Ибрат, Сўфизода, Доғий ва Сухайлийларнинг бадиий ижоди ва ахлоқий қарашларидаги уйғунлик фидойилик, миллатпарварлик, курашчанлик хусусиятларида намоён бўлгани; ишқий-ирфоний, ахлоқий-маърифий, ижтимоий-сиёсий мавзулардаги асарларида маърифий мазмун ва бадиий шакл уйғунлиги, аруз вазни, мумтоз қофия ҳамда бадиий санъатлар қўлланишида индивидуал услубнинг намоён бўлиш даражаси; мумтоз адабий анъаналар тадрижи, поэтик шакл ва поэтик мазмундаги янгиланиш тамойиллари аниқланди.

І БОБ. XX АСР БОШЛАРИ НАМАНГАН АДАБИЙ ҲАРАКАТЧИЛИГИ МАНБАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИ

1.1. Наманган адабий ҳаракатчилиги манбалари

Ўзбек адабиёти ва маданияти ривожига муносиб ҳисса қўшган Наманган адиблари ўзларининг бой адабий-тарихий меросига эга. Ҳозирги Наманган вилояти ҳудудининг Ахсикент, Косон, Поп, Чуст шаҳарларида қадимдан адабий-маданий ҳаёт ривожлангани маълум. А.Халилбеков “Наманган адабий муҳити” китобида илк уйғониш даври – IX-XII асрлар бадиий адабиётнинг юксалиш даври бўлгани, бу асрларда Ахсикент шаҳридан қатор йирик адабиёт ва санъат намояндлари етишиб чиққани ҳамда маркази Ахсикент бўлган ушбу ҳудудда адабий муҳит шаклланиб улгургани ҳақида маълумот беради⁸. Бу ҳол, ўз навбатида, кейинги даврларда ҳам адабиётнинг тараққий этишини таъминлаган.

Адабиётшунослиқда муайян ҳудудда адабий анъаналарнинг ўзига хос тарзда шаклланиши, маълум бир қонуниятлар асосида ривожланиши, одатда, адабий муҳит истилоҳи орқали ифодаланади. Бироқ бундай жараёнларнинг барчасини ҳам камровига кўра адабий муҳит деб бўлмайди. Шунга кўра, “Тор ҳудудларда кечган адабий жараёнларни қандай бўлса ўз ҳолича – адабий доира, адабий давра, адабий шажара, адабий силсила тарзида ўрганиш мақсадга мувофиқ”⁹.

XX аср бошларида Наманганда қайноқ адабий жараён кечгани маълум. Нодим, Ҳайрат, Хилватий, Ибрат, Сўфизода, Доғий, Суҳайлий каби шоирлар ижодини ўз ичига олган бу ҳодисани адабий ҳаракатчилик деб аташ мақсадга мувофиқ. Негаки, бу жараён наинки Наманган ҳудудида, бутун Туркистонда кечган ижтимоий-сиёсий уйғонишни бошлаб берган жадидчилик ҳаракати ва унинг бадиий-эстетик тафаккурга кўрсатган таъсири билан чамбарчас боғлиқдир.

Мазкур шоирлар асарларининг жорий имлодаги нашрлари, шунингдек, “Ойна” журнали, “Туркистон вилоятининг газети” (“ТВГ”), “Садои Туркистон”, “Садои Фарғона” каби вақтли матбуот саҳифаларида эълон қилинган мақолалари, ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар

⁸ Халилбеков А. Наманган адабий муҳити. – Тошкент: Руҳафзо, 1998. – Б. 16.

⁹ Нусратулло Атоулло ўгли Жумахўжа. Миллий мустақиллик мафқураси ва адабий мерос (XVII-XIX асрлар ўзбек шеърини асосида): Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 1999. – Б. 32.

фондида сақланаётган қўлёзма ва тошбосма асарлари ҳамда айрим тазкира ва баёзлардаги Наманган адабий ҳаракатчилиги манбалари алоҳида илмий тадқиқотларни тақозо этади. Ушбу ижодкорларнинг илмий биографиясини яратиш ва айрим маълумотларни ўзаро қиёсий ўрганиш мақсадида манбаларни дастлаб, икки гуруҳга ажратиб олиш зарурати туғилди:

1. Қўлёзма манбалар.
2. Нашрий манбалар.

Ушбу манбалар ўрганилаётган шоирларнинг таржимаи ҳоли, ижтимоий келиб чиқиши, дунёқараши, адабий мероси, умуман, Наманган адабий ҳаракатчилиги ҳақида маълумот олишда муҳим ўрин тутди.

XX аср бошлари Наманган адабий ҳаракатчилиги намояндаси Сулаймонхўжа Улуғхўжа ўғли Нодим Намангоний ижодига оид дастлабки манба – шоирнинг ўзи тартибга келтирган қўлёзма баёз “Баёзи Нодим” деб номланади ва унинг икки нусхаси мавжуд. Улардан бири – ЎзР ФА ШИ фондида сақланаётган 4179 ашё рақамли қўлёзма баёз. Иккинчиси – ЎзР ФА ШИ Ҳамид Сулаймонов фондида сақланаётган 314 ашё рақамли қўлёзма баёз. Нодим томонидан тузилган ушбу баёзнинг ҳар икки нусхасимуаллифнинг ўз дастхати билан ёзилган бўлиб, уларда шоирнинг ўзбек ва форс тилидаги ғазал ва мухаммаслари, мураббаъ, мусаддас, мусамман, тарих, соқийнома ҳамда саёҳатномалари жой олган. Қўлёзмалардаги шеърларнинг жойлашиши девон тузиш анъанасига мувофиқ келмайди. Улар бир хил жанрдаги асарлардан таркиб топган бўлса-да, аммо шеъринг жанрларнинг жойлашиш тартиби ўзгачалиги билан бир-биридан фарқ қилади. “Баёзи Нодим”нинг ЎзР ФА ШИ Ҳамид Сулаймонов номли қўлёзмалар фондида сақланадиган 314 ашё рақамли нусхаси 211-саҳифасигача ғазал ва тарихлар, 212-348-саҳифаларида эса мухаммаслар ва бир мусамман берилгани билан дастлабки нусхадан фарқ қилади. “Баёзи Нодим”нинг ЎзР ФА ШИ фондида сақланаётган 4179 ашё рақамли дастлабки нусхаси шоир насабига оид шажара берилгани жиҳатидан нодир манба саналади. Бундан ташқари, А.Халилбеков эътироф этганидек, шоир ижодидан намуналар XIX аср охири ва XX аср бошларида тузилган, яъни ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фондида сақланаётган 4178, 4182, 5754, 9072, 9366 ашё рақамли баёзларда ҳамда 1911 йилда нашр этилган

“Тухфат ул-обидин ва анис ул-ошиқин” баёзида ҳам учрайди¹⁰. Шоирнинг “Ҳажнома”, “Сафарнома” асарлари 4178 ашё рақамли қўлёзма баёзга киритилган”¹¹.

XX аср бошларидаги вақтли матбуот саҳифаларида Нодимнинг бир неча шеърлари чоп этилган. Масалан, шоирнинг 1899 йил “Бухоро – Самарқанд – Тошкент сафари”¹² ҳақида ёзган 166 мисрали манзумаси, 1902 йил муборак ҳаж сафари таассуротлари ҳақида ёзган 298 мисрали маснавийси ва “Ҳасби ҳолларига ва бул музофотлардаги ёр-биродарларига видоъ қилмоқ ва розилик тиламак муддаосида”¹³ номли 29 бандли мухаммаси, “Алвидо”¹⁴ радифли мухаммаси, Чодак қишлоғида қурилган бир мадраса ҳақидаги тарих шеъри¹⁵, Отоулла Охундга ёзган форсча шеърий мактуб¹⁶и чоп этилган. Шоирнинг ушбу шеърлари жамиятда юз бераётган ижтимоий-сиёсий янгиликлар ҳамда маърифатпарварлик ғояларини тарғиб этишга қаратилган. Нодим ҳаёти ва ижодига оид дастлабки маълумотлар А.Турсунов ҳамда А.Халилбековларнинг нашрий манбаларида учрайди¹⁷. А.Халилбековнинг “Нодим Намангонийнинг ҳаёти ва ижоди”¹⁸ мавзусидаги номзодлик диссертацияси муҳим аҳамият касб этади. Шоир ҳақидаги яна бир манба – Пўлатжон Қайюмовнинг “Тазкираи Қайюмий” асарида Нодим олиму фозил шоир сифатида Муқимийнинг дўсти бўлгани, унинг вафотига атаб марсия ёзгани ҳамда “Тухфат ул-обидин” номли баёзда кўплаб шеърлари учраши айтиб ўтилган¹⁹.

А.Турсунов, А.Халилбековлар томонидан нашрга тайёрланган шоирнинг “Танланган шеърлар” тўплами ҳамда А.Халилбеков мақолалари, “Нодим ҳаёти ва ижоди”, “Наманган адабий муҳити”, “Наманган адабий гулшани” китоблари, Б.Қосимов ва бошқалар томонидан тузилган “Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти”

¹⁰ Қараг: Халилбеков А. Нодим ҳаёти ва ижоди. – Наманган: Наманган, 1994. – Б.4.

¹¹ Қараг: Нодим. Ҳажнома, Сафарнома. ЎзР ФА ШИ, Қўлёзма. Инв. № 4178, 171-саҳифа.

¹² Туркистон вилоятининг газети, 1899, 8 май. – № 17.

¹³ Туркистон вилоятининг газети, 1902, 2-11 ноябрь. – № 43-44;

¹⁴ Туркистон вилоятининг газети, 1902, 2 декабрь. – № 47.

¹⁵ Туркистон вилоятининг газети, 1904, 10 апрель. – № 14.

¹⁶ Туркистон вилоятининг газети, 1906, 12 ноябрь. – № 61.

¹⁷ Нодим. Танланган шеърлар / Нашрга тайёрловчилар: Турсунов А., Халилбеков А. – Тошкент: Ўздавнашр, 1964. – 88 б.

¹⁸ Қараг: Халилбеков А. Нодим Намангонийнинг ҳаёти ва ижоди: Филол. фан. номз. ...дисс. – Тошкент, 1967. – 250 б.

¹⁹ Қараг: Қайюмий П. Тазкираи Қайюмий. Уч жиллик Жилд II. – Тошкент: ЎзР ФА ШИ Қўлёзмалар институти таҳририй нашриёт бўлими, 1998. – Б. 335-337.

дарслиги, Ҳ.Ҳомидий, М.Маъмуровларнинг “Наманган адиблари” номли китобидаги маълумотлар Нодим ижодини ўрганишда муҳим манбалар сифатида эътироф этилади²⁰. Чунки уларда Нодим адабий-эстетик тафаккурининг шаклланиш манбаи, асарларининг бадий қиммати ёритилган. Айниқса, А.Халилбековнинг “Наманган адабий мухити”, П.Қайюмийнинг “Тазкираи Қайюмий” асарлари нафақат Нодим, балки Ҳайрат, Хилватий, Ибрат ва Сўфизода ижодининг ўзига хос қирраларини адабиётшунослик нуқтаи назаридан ўрганишни бошлаб берган дастлабки манбалар сифатида эътиборга молик.

XX аср бошлари Наманган адабий ҳаракатчилиги намояндаси Умрзоқ Холбой ўғли Ҳайрат Тўрақўргоний шоир бўлиш баробарида хаттот ҳамдир. Шу боис шеърлар мажмуаси шоирнинг ўз хати билан китобат қилинган. Зуллisonайн шоир сифатида икки – туркий ва форс тилларида ижод этган. Лирик шеърлари асосан ғазал, мураббаъ, мухаммас, мусаддас, маснавий ва рубой жанрларида битилган. Бундан ташқари, “Саёҳатнома”, “Мактуб”, “Муборакбоднома” сингари маснавий асарлари шоир шеърлари билан бирга ўзи тузган қўлёзма мажмуа ва айрим баёзларда сақланади. Унинг Наманган шаҳар “Ҳақиқат” маҳалласида яшаган Ҳошимхон Асқаров (1888-1972) шахсий кутубхонасида сақланган қўлёзма мажмуаси (Бу қўлёзма ҳозирда у кишининг кенжа ўғли Зикриёда сақланмоқда) дастлабки манба сифатида эътироф этилади. Шеърлар Қўқон, рус қоғозига қора сиёҳ билан насх, баъзан настаълик хатида ёзилган. Қўлёзма 256 ыарақдан иборат. Тадқиқотлар натижасида шоирнинг яна биршеърлар мажмуаси борлиги аниқланди. Ҳозирда ушбу қўлёзма манба Наманган шаҳрида яшовчи матншунос Аҳмад Убайдуллоҳ шахсий кутубхонасида сақланади. Ундаги шеърлар Қўқон, рус қоғозига қора сиёҳ билан насх, баъзан настаълик хатида ёзилган. Қўлёзма 232 ыарақдан иборат.

Ҳайратнинг адабий мероси Тўрақўргон туман Сайрам қишлоғида яшовчи шоирнинг кенжа ўғли Алихон Умрзоқов, Наманган шаҳрида яшовчи матншунос Аҳмад Убайдуллоҳ,

²⁰ Қаранг: Нодим. Ташланган шеърлар. – Тошкент: Ўздавиашр, 1964. – 88 б; Халилбеков А. Мактуби муҳаббат услуб // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1987. – № 2. – Б. 71-73; Шу муаллиф. Нодим санъат ва санъаткорлар ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1990. – № 2. – Б. 18-22, Шу муаллиф. Нодим ҳаёти ва ижоди. – Наманган: Наманган, 1994. – 88 б; Шу муаллиф. Наманган адабий мухити. – Тошкент: Рухфазо, 1998. – Б. 104-120; Шу муаллиф. Наманган адабий гулшани. – Наманган: Наманган, 2007. – Б. 125-142; Қосимов Б ва бошқ. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. – Тошкент: Маънавият, 2004. – Б. 33-34; Ҳомидий Ҳ., Маъмуров М. Наманган адиблари. – Тошкент: Фан, 2007. – Б. 37-39.

Тўрақўрғон туман Сайрам қишлоғида яшаган Исҳоқ Пирмуҳаммад ўғли, Наманган вилояти Чуст туманида яшаган матншунос Даламирза Орифбоев шахсий кутубхоналарида сақланаётган қўлёзма баёзларда мавжуд. Шунингдек, шоир ижодидан намуналар фарғоналик Аҳмадjon Мадаминовнинг шахсий кутубхонасида сақланувчи шоир Зорий шеърлари билан бирга кўчирилган қўлёзма баёз, Алишер Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейи қўлёзмалар фондида 1924 ва 645 ашё рақами остида сақланувчи шоир Шавқий шеърлари билан бирга кўчирилган қўлёзма баёзларда ҳам учрайди. Ушбу баёзлар ҳамда шоирнинг қўлёзма ҳолидаги икки шеърлар мажмуасини эски ўзбек ёзувидан нашрга тайёрлаб, халқимизга тақдим этиш адабиётшунослигимиз олдидаги муҳим вазифалардандир. Чунки шоир ижодининг нашрий манбаси сифатида 1982 йилда чоп этилган “Асрлар нидоси” мажмуасини кўрсатиш мумкин, холос. Мажмуага шоирнинг адабиётшунос Д.Орифбоев томонидан нашрга тайёрланган шеърларидан намуналар киритилган²¹.

Мулла Йўлдош Тўрабой ўғли Хилватий шеърляти икки қўлёзма манбага жамланган. Улардан биринчиси – ЎзР ФА ШИ Ҳамид Сулаймонов фондидаги 1870 ашё рақамли қўлёзма. Ушбу манба автограф нусха экани жиҳатидан алоҳида қимматга эга. Шоир девонининг иккинчи қўлёзмаси – айни кезде набираси Акмалов Маъруфjon шахсий кутубхонасида сақланади. Ушбу қўлёзма ҳам шоирнинг ўз дастхати асосида 1878-1910 йилларда китобат қилинган.

XX аср бошлари Наманган адабий ҳаракатчилиги намояндalari ижодий меросига доир яна бир қанча манбалар бор. Хилватий шеърляти мухлисларидан бўлган дўсти қози Муҳаммад Орифxon Махдум тузган баёз шулар жумласидандир²². Баёзда қайд этилган саналар ушбу қўлёзманинг 1896 йилдан 1935 йилгача қози Муҳаммад Орифxon, Хилватийнинг ўғли Акмалxon тўра, Хилватий набиралари Фазлиддин ва Файзуллох Насриддин ўғиллари томонидан ёзилганини кўрсатади. Бу манбалар Хилватий таржимаи холи ва XX аср бошлари Наманган адабий ҳаракатчилигини ўрганиш ҳамда адабиётшунослик илмида номи биринчи бор тилга олинган шоирлар ижоди билан танишишда алоҳида аҳамиятга эга.

²¹ Қаранг: Асрлар нидоси. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1982. – Б. 408-432.

²² Ушбу қўлёзма манба Хилватийнинг набираси – онам Шахзода Болтабоевага мерос қолган. Ҳозирги пайтда бу қўлёзма бизнинг хонадонимизда сақланади – О.Б.

И.Абдуллаевнинг ёзишича: “Хилватий ижодининг нашрий манбалари ҳаётлик вақтида чоп этилган айрим тазкира ва баёзларда ҳам мавжуд. Масалан, ҳижрий 1328 (милодий 1910) йили Тошкентда Ғулом Ҳасан Орифхонов босмахонасида чоп этилган “Баёзи Ҳазиний”нинг 89-91 саҳифаларида Хилватийнинг “Хотун” номли ҳажвияси берилган. Ҳижрий 1329 (милодий 1911) йили Тошкентда Г.А.Якоблев босмахонасида босилган “Баёзи янги” тўпламининг 122-124-саҳифаларида Хилватийнинг икки мухаммаси чоп этилган. Ғулом Ҳасан Орифхонов босмахонасида чоп этилган (йили кўрсатилмаган – И.А) “Баёзи Муҳалло” тўпламининг 135-136-саҳифаларида “Қилдинг” радифли ғазали босилган. Ҳижрий 1329 (милодий 1911) йили чоп этилган “Баёзи Муртазо” тўпламида Хилватийнинг бир ғазал ва мухаммаси берилган”²³.

Хилватий ижодига оид нашрий манбалар, хусусан, шоирнинг “Қасидаи илм”, “Чароғи мактаб”, “Сайрул жибол” ва “Мавлуди шариф” асарлари XX аср бошларида Тошкентда чоп этилган²⁴. Унинг 1903 йилда ёзган форсча “Қасидаи илм” асари “Сайрул жибол”нинг тошбосма нусхаси билан бирга 1910 йил нашрдан чиққан. Илм ва олимлик фазилатига бағишланган 96 байтли бу касиданинг кириш қисмида шоир форс тилида: “Ин қасида дар баёни мадҳи илм ва дониш ва хасоил ва маноқибни уламо...”, яъни “Бу асар илму дониш мадҳида ва олимларнинг хислат ва маноқиблари ҳақида”, – дея таъкидлайди²⁵. “Қасидаи илм”нинг қўлёзма нусхаси Хилватий девонида ҳам мавжуд²⁶. Асарни форс тилидан ўзбек тилига Сайфиддин Сайфуллоҳ насрий усулда таржима қилган²⁷. Бу манба ўзбек ва форс тилида сермаҳсул ижод қилган шоир Хилватийнинг зуллисонанлик аъъанаси давомчиларидан бири бўлганини англатади.

Хилватийнинг “Мавлуди шариф” асари халқ орасида “Мавлуди шарифи туркий” номи билан машҳур бўлган ва кўпчиликнинг талабига кўра, 1899, 1908, 1911, 1913, 1916 йилларда қайта-қайта чоп этилган. Ушбу асарни нашр этишга талаб кўплигининг бир сабаби шуки, халқимиз мавлуд маросимида

²³Қаранг: Хилватий. Девон. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 21-22.

²⁴Қаранг: Мулло Йулдош Хилватий Кафавий ан-Намангоний. Чароғи мактаб. – Тошкент: О.А.Порцев, 1907. – 27 б; Хилватий. Сайрул жибол. – Тошкент: Ғулом Ҳасан Орифхонов, 1910. – 84 б; Хилватий. Мавлуди шариф. – Тошкент: Ғулом Ҳасан Орифхонов, 1913. – 73 б.

²⁵Қаранг: Кўрсатилган манба. – Б. 54.

²⁶Қаранг: Хилватий. Девон I, 167^a-168^b

²⁷Қаранг: Хилватий. Сайрул жибол. – Тошкент: Фан, 2009. – Б. 65-78.

Ўқиладиган арабча китоблар мазмун-моҳиятини тушунишга кийналган. Худди шу мазмундаги асарларни фақат араб тилини яхши билган олимлар, уламоларгина ўқиган. Хилватийнинг ушбу асари эса туркий тилда пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом мавлудлари ҳақида ёзилган биринчи шеърӣ асар ҳисобланади. Асарнинг ҳижрий 1331 (милодий 1913) йилда хаттот Абдуқодир Шоший томонидан кўчирилган тошбосма нусхаси шахсий кутубхонамизда сақланади. Мустақиллик шарофати билан диний асарларни нашр этиш имконияти туғилди. Масалан, Хилватийнинг “Мавлуди шариф” асари 1991 йил Хайрулла Қосим Элтурк, 2000 йилда эса Абдулҳамид Қурбонов томонидан нашр этилди²⁸. Халқимизнинг диний эътиқоди мустаҳкамлана бораётган бир шароитда асарни ўқишга бўлган талаб кундан кун ортиб борди. “Мавлуди шариф”нинг янги нашрлари Хилватийнинг XX аср бошларида чоп эттирган тошбосма асари нусхалари асосида нашр этилмоқда. Хусусан, ушбу асар 2003, 2004, 2013, 2015, 2017 йилларда ҳам кирилл ёзувида нашрдан чиқди²⁹.

Хилватийнинг “Чароғи мактаб” асари ҳижрий 1325 (милодий 1907) йилда Тошкентдаги О.А.Порцев босмахонасида чоп этилган. Китобнинг “Чароғи мактаб” деб ёзилган дастлабки саҳифасидаги халқа ичида: “Бу рисола ақоиди манзумадур. Муаллимларга лозимдурки, атфолларга ўкутуб ёд олдургайлар”³⁰ деган тавсия бор. Ушбу рисола хаттот Мулло Юсуфжон бинни Мулло Зокиржон томонидан кўчирилган тошбосма нусхаси шахсий кутубхонамизда сақланади. “Чароғи мактаб” эски ўзбек ёзувидан кирилл ёзувига ўтирилди ва 2014 йилда нашрдан чиқди³¹.

1910 йилнинг ёз мавсумида Нодим ва унинг ўғли Мусалламхон ҳамда Наманганнинг таниқли шоирлари Хилватий, Фузайлуддин, Абдулмусаввархон, тўрақўрғонлик Сайфуддин Маҳдум, Мирзо Олим корилар “Почча ота”, яъни кароматгўй Нуруллоҳ мазорини зиёрат қилиш мақсадида тоғ бағрига саёҳатга чиқишади. Хилватий ана шу саёҳат таассуротларини “Сайрул жибол” (Тоғ сайри) асарида баён

²⁸ Қарағ: Хилватий. Муҳаммад алайҳи с-салом тутилтишлари / Нашрга тайёрловчи: Элтурк Х.Қ / Эй, туркий эл. – Тошкент: Адбиёт ва санъат, 1991. – Б.155-215; Хилватий. Мавлуди шариф. – Наманган: Наманган, 2000. – 76 б.

²⁹ Қарағ: Хилватий. Мавлуди шариф. – Наманган: Наманган, 2003. – 79 б; Хилватий. Мавлуду-и-набийӣ Саппаллоҳу алайҳи васаллам. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2004. – 72 б. Хилватий. Мавлуди набийӣ. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2013. – 144 б; Хилватий. Мавлуди шариф. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2015. – 256 б; Хилватий. Мавлуди шариф. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2017. – 256 б.

³⁰ Қарағ: Мулло Юсуфжон Хилватий Кафавий ан-Намангоний. Чароғи мактаб. – Тошкент: О.А.Порцев, 1907. – Б. 1.

³¹ Қарағ: Хилватий. Чароғи мактаб / Соғлом эътиқод – мўминга наҳот – Тошкент: Sharq, 2014. – Б. 147-178.

этган. Ушбу саёхатнома хижрий 1328 (милодий 1910) йил Тошкентдаги Ғулом Ҳасан Орифхонов босмахонасида чоп этилган. Асарни эски ўзбек ёзувидан кирилл ёзувига ўгириб, қўлёзмаларга қиёслаб, чоп этиш ва таҳлил қилиш адабиётшунослигимиз олдида турган вазифалардан бири эди. Илмий изланишлар натижасида ушбу асар 2009 йил кирилл ёзувида, 2012 йилда эса лотин ёзувида нашр қилинди³².

Хилватийнинг икки қўлёзма шеърлар тўплами ҳамда бошқа баёзлардаги ўзбекча шеърларини эски ўзбек ёзувидан кирилл ёзувига ўгириб, нашрга тайёрлаш ишлари шоирнинг ўғли Акмалхон ва жияни А.Йўлдошевлар ташаббуси билан 1987 йилда бошланган. Ушбу хайрли иш Исматуллоҳ Абдуллоҳ ва Ҳошимхўжа Йўлдошхўжа ўғли ёрдами билан 2001 йилда ниҳоясига етказилди³³. Хилватийнинг ушбу нашрий девони тадқиқот манбаи сифатида ўзига хос қимматга эга. Ушбу девондаги маълумотлар ҳамда шоирнинг яқинлари билан ўтказилган суҳбатлар асосида Л.Махмуд томонидан “Мулла Йўлдош Хилватий” номли китоб нашр этилди³⁴. Унда муаллиф XX аср бошларидаги ижтимоий-сиёсий ҳолат ва Хилватийнинг ҳаёт йўли, ижодининг ўзига хос қирралари ҳақидаги қарашларини баён этган. Китобда шоирнинг 2001 йил нашр этилган девонидаги ғазал, мухаммас ва мувашшаҳларидан айрим намуналар келтирган.

Йўлдошхўжа Отахўжа ўғли Доғий томонидан тузилган қўлёзма баёзга шоирнинг ўз шеърларидан ташқари Нодим, Партав, Сухайлий, шунингдек, Хилватий ижодидан намуналар ҳам киритилган. Масалан, унда Хилватийнинг саккизта ғазали, икки мухаммаси ва битта фарди мавжуд³⁵. Доғийнинг чиройли хуснихат билан ёзган ушбу қўлёзмаси ўғли Ҳошимхўжа қўлида сақланади. Унда, асосан, Доғий ижоди ўрин олган. Ҳошимхўжа ушбу баёздаги шоир шеърларини 2006 йилда нашр эттирди³⁶. Доғий лирик мероси жамланган ушбу ягона манба шоир салоҳияти ва поэтик маҳоратини ёритишда муҳим аҳамиятга эга.

Наманган адабий ҳаракатчилиги намояндаси Дадахон қори Рустамхўжа ўғли Сухайлий ижодий мероси икки қўлёзма баёзда

³² Қаранг: Хилватий. Сайрул жибол. – Тошкент: Ған, 2009. – 88 б; Xilvatiiy. Sayru'l jibol. – Toshkent: Fan, 2012. – 84 б.

³³ Қаранг: Хилватий. Девон. – Тошкент: Ған, 2001. – 524 б.

³⁴ Қаранг: Махмуд Л. Мулло Йўлдош Хилватий. – Наманган: Наманган, 2017. – 236 б.

³⁵ Бу ҳақда қаранг: Хилватий. Девон. – Тошкент: Ған, 2001. – Б. 20.

³⁶ Қаранг: Доғий Диллим ихзор айлайин дерман. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2006. – 214 б.

жамланган. Дастлаб шоирнинг жияни Абдулхафизхон кўлида булган бу баёзлар 1963 йилда у Тошкентга кўчиб кетгач, Абдурахимхўжа Маматхонов шахсий кутубхонасидан жой олган. Мазкур манбалар ҳозирги пайтда шоир Доғийнинг ўгли Ҳошимхўжа кўлида сақланади. Ҳар икки баёзда, асосан, Сухайлий шеърлари, шу билан бирга Хилватий, Доғий, Унвон каби шоирлар ижодидан намуналар ҳам учрайди. Ҳошимхўжа ушбу баёздаги шеърларни 2009 йилда нашр эттирган³⁷. Ушбу манбалар нафақат Сухайлий ҳаёти ва ижодига оид, балки унга замондош Наманган адиблари меросига алоқадор маълумотларни жамлашда алоҳида аҳамият касб этади.

Исҳоқхон Жунайдуллахўжа ўгли Ибрат ижоди бир неча кўлэзма ва нашрий манбаларда сақланиб қолган. Шоирнинг ҳозирги кунда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида сақланаётган “Лугати ситтати алсина” (“Олти тилли лугат”) асари 1901 йили Тошкентда Ильин босмахонасида чоп этилган. “Санъати Ибрат, қалами Мирражаб Бандий” асари хат илмига бағишланган. Ҳуснихат намуналари берилган ушбу асар хаттотлик санъатини ўрганувчилар учун муҳим қўлланма вазифасини ўташи мумкин. Тошбосма манбанинг бир нусхаси А.Убайдуллаев шахсий кутубхонасида сақланади. Лутфуллох Насафийнинг “Фикҳи Кайдоний” асари Ибрат томонидан ўзбек тилига назмда таржима қилинган. Ушбу асар “Фикҳи Кайдоний назми” номи билан 1908 йили Оренбургда чоп этилган. ЎзР ФА ШИ кўлэзмалар фондида 20099, 12690, 16315 ашё рақамлари билан сақланаётган ушбу асарда шарият қоидалари оммага тушунарли тилда шеърий ифодаланган. Асарнинг умумий ҳажми 240 байт (480 мисра)ни ташкил этади. Асарнинг яна бир тошбосма нусхаси А.Убайдуллох шахсий кутубхонасида ҳам мавжуд. Ушбу асар 2012 йил Н.Насруллаев томонидан кирилл ёзувида нашр этилди³⁸.

Ибратнинг айрим шеърлари жамланган “Илми Ибрат” асарининг тошбосма нусхаси ЎзР ФА ШИ кўлэзмалар фондида 9987 ашё рақами остида сақланади. Тўпламдаги шеърлар ўша давр ижтимоий воқелигининг бадиий талқини экани жиҳатидан ҳам кимматлидир. Шоирнинг ЎзР ФА ШИ фондида сақланадиган 7652 ашё рақамли “Мажмуаи ашъор” асари ҳижрий 1327 йили котиб Охундзода Абдурауф томонидан тошбосма ҳолида чоп этилган.

³⁷ Қаранг: Сухайлий. Ёлгорим. – Тошкент: Fikr-Media, 2009. – 192 б.

³⁸ Қаранг: Ибрат И. Фикҳи Кайдоний назми. – Тошкент: Moarouplahg, 2012. – 96 б.

Ибрatнинг 1912 йили “Матбааи Исҳоқия”да нашр қилинган “Жомеъ ул-хутут” асари ЎЗР ФА ШИ қўлэзмалар фондида 621 ашё рақами билан сақланади. Ушбу асар 132 саҳифадан иборат бўлиб, унинг яна бошқа тошбосма нусхалари Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи архивида ҳамда А.Убайдуллоҳ шахсий кутубхонасида мавжуд.

Ибрatнинг “Тарихи Фарғона” асари ЎЗР ФА ШИ қўлэзмалар фондида 11080, 11616 ҳамда 10117 ашё рақамлари остида сақланади. Ҳ.Бобобеков асарни Иноятхон Тўрақўрғоний қалами билан кўчирилган 11616 ашё рақамли қўлэзма нусха асосида нашрга тайёрлаб, “Тарихимиздаги қонли излар” сарлавҳали сўзбоши билан чоп эттирган³⁹. “Исҳоқхон Ибрat”⁴⁰, “Ибрat. Ажзий. Сўфизода”⁴¹ тўпламларида ана шу манба асосидаги матндан парчалар берилган. Аммо “Тарихи Фарғона”нинг 2005 йили У.Долимов ва Н.Жабборовлар нашрга тайёрлаган матни шоирнинг дастхати билан кўчирилган манбага таянилгани жиҳатидан катта илмий қимматга эга.

Ижодкорнинг “Мезон уз-замон” асари ЎЗР ФА ШИ қўлэзмалар фондида 11618 ашё рақами остида сақланади. 1917-1925 йиллар орасида яратилган ушбу маърифий-публицистик асар 2001 йил япон ва ўзбек профессорлари Х.Коматцу ва Б.Бобожоновлар ҳамкорлигида нашр этилган⁴². Асар 2005 йилда ҳам Н.Жабборов томонидан нашрга тайёрланиб, Ибрatнинг “Танланган асарлар”ига киритилган⁴³.

Ибрatнинг “Тарихи маданият” асари ҳижрий 1339 (милодий 1921) йилда ёзилган бўлиб, ушбу қўлэзма ЎЗР ФА ШИ фондида 10117 ашё рақами билан сақланади. Қўлэзма Собитхон ибн Саид Наимхон томонидан ҳижрий 1374 (милодий 1955) йилда кўчирилган.

ЎЗР ФА ШИ қўлэзмалар фондида 11617 ашё рақами билан сақланувчи Ибрat ҳужжатлари папкасида шоир шеърларидан намуналар берилган. Ушбу ҳужжатлар 1963 йилда шоирнинг кенжа ўғли Ротибхон Исҳоқов томонидан ЎЗР ФА ШИ қўлэзмалар фондига топширилган. Ушбу манбада Муқимий, Фурқат шеърларидан ҳам намуналар учрайди.

³⁹ Қаранг: Ибрat И. Фарғона тарихи / Мерос. – Тошкент: Камалак, 1991. – Б. 266-326.

⁴⁰ Қаранг: Долимов У. Исҳоқхон Ибрat. – Тошкент: Шарқ, 1994. – Б. 110-118.

⁴¹ Қаранг: Ибрat. Ажзий. Сўфизода. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 1999. – Б. 69-94.

⁴² Исҳоқхон тура ибн Джувайдуллоҳ Ходжа. Мезон аз-замон. – Тошкент – Токио, 2001. – 30 с.

⁴³ Ибрat И. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 2005. – Б. 160-188.

Ўзбекистон Марказий Давлат архиви 1009-фонд, 115-йиғма жилд, 15-16-варақларда Ибратнинг XX аср бошларида миссионер Н.Остроумовга ёзган икки мактуби сақланади. Биринчи мактуб 1898 йилда ёзилган бўлиб, унда Н. Остроумовга “Луғати ситтати алсина” асарини босмадан чиқаришга ёрдам сўраб мурожаат қилинган. Шоир унинг таклифига мувофиқ китобнинг икки жузъини Тошкентга юборади. Лекин анча вақтгача асарни нашр қилиш ҳақида ҳеч қандай жавоб ололмади. У 1900 йилнинг 26 февralида иккинчи марта рус ва ўзбек тилларида хат билан мурожаат қилишга мажбур бўлади. Мазкур асарнинг нашр қилинишида катта аҳамиятга эга бўлган ушбу хатнинг тўла матни 1994 йилда У.Долимов томонидан нашрга тайёрланган “Исҳоқхон Ибрат” китобида қайд қилинган⁴⁴.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг нодир қўлёзмалар, нодир ва алоҳида қимматга эга нашрлар ўқув залида сақланаётган Ибратнинг XX аср бошлари вақтли матбуот саҳифаларида эълон қилган 30 дан ортиқ тарихий ва ижтимоий-сиёсий мазмундаги мақолалари шоир ҳаёти ва ижодини ўрганишда муҳим манба саналади. Ибратнинг ушбу публицистик мақолаларининг ҳар икки тури асосида жадиदчилик гоялари уфуриб турганини кузатиш мумкин. “Туркистон вилоятининг газети”да чоп этилган яна бир неча мақола ва шеърлари ҳали-ҳануз кенг жамоатчиликка эълон қилинмаган. Масалан, “Воқеан зилзилаи Андижон”⁴⁵ мусаддаси, “Тарихи ҳаммом”⁴⁶ газали, Амир Темур иморатларини таъмирлашга бағишланган “Редакцияга хат”⁴⁷, мадрасалар қурилишига оид фикр-мулоҳазаси акс этган Намангандаги “Мулла Қирғиз” мадрасаси қурилиши ҳақидаги “Наманганда янги мадраса”⁴⁸, 1913 йил Намангандан Тошкентга поездда боришида ҳамроҳ бўлган бир йўловчи билан турли бидъатлар ва рўзномалар ҳақидаги суҳбати акс этган “Намангандан”⁴⁹ деб номланган мақолалари ҳали жорий имлода чоп этилмаган. Ушбу манбалар Ибратнинг фаол шахс сифатида ижтимоий ҳаётдаги ҳар бир янгилик ҳақида ўз

⁴⁴ Долимов У. Исҳоқхон Ибрат. Тарихи Фарғона. – Тошкент: Шарқ, 1994. – Б. 21.

⁴⁵ Туркистон вилоятининг газети, 1903, 8 март. – № 9.

⁴⁶ Туркистон вилоятининг газети, 1905, 13 июнь. – № 23.

⁴⁷ Туркистон вилоятининг газети, 1908, 2 март. – № 4.

⁴⁸ Туркистон вилоятининг газети, 1913, 28 апрель. – № 32.

⁴⁹ Туркистон вилоятининг газети, 1913, 20 июнь. – № 47.

муносабатини очик айта олган истеъдодли шоир ва публицист эканини англатади.

Муҳаммадшариф Эгамберди ўгли Сўфизоданинг 1917 йилга қадар ёзган шеърларижуда кам сақланиб қолган бўлса-да, маърифатпарварлик руҳидаги дастлабки ижод намуналари “Туркистон вилоятининг газети”, “Садои Туркистон”, “Садои Фарғона” каби газеталар, Оренбург ва Бокуда чиқадиган газета ҳамда татарча “Шуро”, туркча “Сарвати фунун”, “Маълумот” каби журналларда, Афғонистоннинг “Сирож ул-ахбори афғония” газетасида чоп этилган. Ушбу ижод намуналари шоир дунёқараши ва маҳоратини ёритишда муҳим манба саналади. Шоир ижоди бўйича илмий изланиш олиб борган Миён Бузрук Солиҳов 1934 йилда “Сўфизода ва унинг ижоди” рисоласини чоп эттиради. Унда муаллиф Сўфизодани жадидчилик ҳаракатининг йирик вакилларида бири сифатида эътироф этади ва шеърларидан намуна беради⁵⁰. 1968 йилда адабиётшунос Тўлқин Расулов шоир шеърларини тўплаб, “Тароналар”⁵¹ номли китобида нашр эттиради.

Сўфизода ижоди мустақиллик йилларида нашр этилган қатор адабий манбаларда ҳам мавжуд. Жумладан, “Истиқлол қаҳрамонлари” рукни остида чоп этилган “Ибрат. Ажзий. Сўфизода” номли манбада “Ҳақиқатга хиёнат қилмаган шоир” сарлавҳали мақола ва шоирнинг ўн бешта шеъри берилган⁵². А.Халилбековнинг “Наманган адабий муҳити” китобида Сўфизода зиёли, оташнафас шоир, жонкуяр маърифатпарвар, ўткир ҳажвгўй, ўз овозига эга бўлган санъаткор сифатида баҳоланиб, ҳаёти ва ижодига оид ўн бир саҳифали мақола эълон қилинган⁵³. Ҳ.Орифий ўзининг “Муҳаммадшариф Сўфизода” номли рисоласини 2007 йилда чоп эттиради. Муаллиф ушбу рисолада Абдуллоҳхон тўра Маъруфхон ўғиллари тақдим этган бир қўлзмада Сўфизоданинг ҳали эълон қилинмаган форсча ва ўзбекча асарлари мавжуд эканини ҳам таъкидлаб ўтган⁵⁴. Ушбу манба Сўфизоданинг “Сирож ул-ахбори афғония” газетасида чоп этилган форсча икки ғазал ва бир мусаддасининг Р.Иномхўжаев томонидан ўзбек тилидаги насрий таржимаси берилгани билан ҳам аҳамиятлидир. Шоир ҳаёти ва ижодий меросини ўрганган Н.Каримов “Муҳаммадшариф

⁵⁰ Қаранг: Солиҳов М.Б. Сўфизода ва унинг ижоди. – Тошкент: Ўздавнашр, 1934. – 42 б.

⁵¹ Сўфизода. Тароналар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1968. – 68 б.

⁵² Қаранг: Ибрат. Ажзий. Сўфизода. Таълиқланган асарлар. – Тошкент: Маънавий. 1999. – Б. 210-228.

⁵³ Халилбеков А. Наманган адабий муҳити. – Тошкент: Руҳафзо, 1998. – Б. 161-171.

⁵⁴ Қаранг: Орифий Х. Муҳаммадшариф Сўфизода. – Наманган. Наманган, 2007. – Б. 4.

Сўфизода”⁵⁵ номли асарини 2012 йилда чоп эттирди. Китоб Сўфизода ҳақидаги хотиралар ҳамда шоирнинг 1937 йил қатағон қилинишига доир ҳужжатлар, архив материаллари асосида ёзилган.

Демак, Нодим, Хилватий, Ибрat, Сўфизода каби шоирларимиз адабий мероси ЎЗР ФА ШИ фондидаги қўлёзма ва тошбосма манбаларда ҳамда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг нодир қўлёзмалар, нодир ва алоҳида қимматга эга нашрлар ўқув залида сақланувчи ХХ аср бошларидаги вақтли матбуот материалларида мавжуд. Ҳайрат, Доғий, Сухайлий каби шоирларнинг қўлёзма ва тошбосма асарлари эса ўз авлодлари ҳамда ҳамқишлоқлари қўлида сақланади. ХХ асрнинг ўттизинчи ва олтмишинчи йилларида Нодим, Ибрat, Сўфизода каби шоирлар ижоди муайян даражада ўрганилган бўлса, Хилватий, Доғий ҳамда Сухайлий каби шоирлар ҳаёти ва ижоди, асосан, мустақиллик йилларида тадқиқ этила бошланди, лирик мерослари нашр этилди. Адабиётшуносликда Ҳайрат лирик мероси жамланган қўлёзма манбалар мутахассислар томонидан нашрга тайёрланса, Қўқон адабий муҳити таркибида ривож топган Наманган адабий ҳаракатчилиги намояндаларининг ранг-баранг жанрларга бой ижоди адабиётимиз тарихидаги мавжуд тасаввурларни яна ҳам бойитади.

1.2. Шоирлар адабий меросининг ўрганилиш тарихи

ХХ аср бошлари Наманган адабий ҳаракатчилиги намояндалари ижодига оид мавжуд манбалар, асосан, мустақиллик шарофати билан матншунослар томонидан ўрганила бошланди. А.Халилбековнинг “Наманган адабий муҳити” китобида Наманган ва унинг атрофида яшаб ижод этган шоирлар ҳаёти ва ижоди тўрт даврга бўлиб ўрганилган:

1. Қадим замонлардан XVII асргача бўлган давр (Умар Боб Фаргоний, Аҳмад бин Саъдиддин Ўзгандий ан-Намангоний, Асируддин Ахсикатий, Абу Бакр Косоний, Маҳдуми Аъзам – Сайид Аҳмади ибн Мавлоно Жалолиддин Хожагий Косоний, Мавлоно Лутфулло Чустий, Саид Муҳаммад Тохир ибн Абдул Қосим).

⁵⁵ Каранг: Каримов Н. Муҳаммадшариф Сўфизода. – Тошкент: Mubarrir, 2012. – 132 б.

2. XVII асрдан XIX асргача бўлган давр (Ғозий, Мунший, Мажзуб, Мухлис, Маҳзун, Маъдан, Бобораҳим Машраб, Фазлий Намангоний, Нодир).

3. XIX асрнинг иккинчи ярми (Мулла Муҳиддин, Иноятхон Лангарий, Шавқий).

4. XX аср бошлари (Нодим, Ҳайрат, Хилватий, Ибрат, Сўфизода)⁵⁶.

XX аср бошлари Наманган адабий ҳаракатчилиги намояндалари Нодим, Ҳайрат, Хилватий, Ибрат, Сўфизода, Доғий, Сухайлий каби шоирларнинг қўлёзма ва нашрий манбаларидаги мавжуд маълумотлар бир-бирини тўлдириши билан аҳамиятлидир. Улар шоирларнинг таржимаи ҳоли, дунёқараши, адабий мероси, умуман, Наманган адабий ҳаракатчилигини ўрганишда муҳим ўрин тутди. Ушбу қўлёзма ва нашрий манбалар мазмун-мундарижасига кўра қуйидагича тасниф қилинади:

1. Муаллиф дастхати билан ёзилган қўлёзма асарлар.
2. XX аср бошларида чоп этилган тошбосма манбалар.
3. Замондош шоирлар томонидан тузилган баёз ва тазкиралар.
4. XX аср бошларидаги вақтли матбуот материаллари.
5. Шоирлар ҳаёти ва ижоди ёритилган нашрий манбалар.

Наманган адабий ҳаракатчилиги намояндалари орасида Нодим, Ибрат ва Сўфизода ижоди бўйича мустақиллик даврига қадар ҳам айрим илмий изланишлар олиб борилган. Масалан, Нодим ҳаёти ва ижодини дастлаб кенг жамоатчиликка танитган олимлар О.Шарофиддинов, Т.Н.Қори-Ниёзий, Ғ.Каримовлар шоирни демократик адабиёт вакили сифатида Муқимий услубининг давомчиларидан бири сифатида эътироф этишгани ҳақида А.Халилбеков маълумот бериб ўтган⁵⁷. Шоир фаолиятининг дастлабки илмий тадқиқи А.Турсунов ва А.Халилбековлар томонидан давом эттирилди⁵⁸. 1964 йилда шоирнинг “Танланган шеърлар” китоби нашрдан чиқади. Китобнинг А.Турсунов ва А.Халилбековлар томонидан ёзилган “Шоир Нодим Намангоний” сарлавҳали кириш сўзида шоирнинг вафот йили 1909 йил деб хато кўрсатилган⁵⁹. Чунки Хилватийнинг қўлёзма девонида 1910 йилнинг ёз фаслида Нодим ҳаёт бўлгани, у билан бирга ўғли

⁵⁶ Халилбеков А. Наманган адабий муҳити. – Тошкент: Рухфазо, 1998. – Б. 6

⁵⁷ Халилбеков А. Нодим. – Наманган: Наманган, 1994. – Б. 5.

⁵⁸ Нодим. Танланган шеърлар. – Тошкент: Уздавнашр, 1964. – 88 б.

⁵⁹ Қарағч: Кўрсатилган манба. – Б. 4.

Мусалламхон ҳамда тўрақўрғонлик олиму фозиллар “Почча ота” зиёратига боришгани ҳақида маълумот бор⁶⁰.

Манбаларни қиёсий ўрганиш жараёнида Нодим 1910 йил 26 июль сешанба куни Наманган шаҳрида вафот этгани ҳақидаги қарашлар ўз тасдиғини топди, яъни А.Халилбеков 1967 йил “Нодим Намангонийнинг ҳаёти ва ижоди” мавзусидаги номзодлик диссертациясида шоир таваллуди ва вафоти билан боғлиқ саналарга унинг замондошлари Яхёхон тўра, Ибрат ва Хилватийлар томонидан ёзилган марсиялар асосида аниқлик киритади. Шоир лирикасининг мавзу доираси ва гоёвий йўналиши ёритилган айрим таҳлил жараёнларида ҳукмрон мафкура таъсири сезилиб турса-да, ушбу диссертация Нодим ижоди биографик аспектда тадқиқ этилган дастлабки илмий иш сифатида ўзига хос қимматга эга⁶¹. Шунингдек, Нодим ижодини ўрганган П.Қайюмий “Тазкираи Қайюмий”да шоирнинг етти бандли соқийномаси ва Амирийнинг “Қошинга текизмагил қалами” ғазалига боғлаган мухаммасини ҳавола этган. Аммо ушбу манбада П.Қайюмий унинг вафот йилини 1930 йил деб нотўғри кўрсатади⁶². А.Турсунов ва А.Халилбековлар томонидан нашрга тайёрланган “Танланган шеърлар” китобининг кириш сўзида шоир лирик меросининг мавзу ва жанр хусусиятлари ёритилган. Шоирнинг маърифатпарварлик руҳида ёзган шеърлари ҳамда ҳажвий, ижтимоий-сиёсий мазмунга эга ижоди таҳлил этилган. Унинг “Мақсуди аларни сийму зардур”, “Ғалати”, “Шикоятӣ пахта”, “Хит қилди”, “Дар мазаммати замона”, “Йигчи халифанинг ҳажви”, “Безгак” каби ҳажвий шеърлари мавжуд сиёсий тузум таъсири сабаб, ўша давр ҳукмрон мафкураси талаби билан таҳлил этилган. Масалан, “Шоир “Йигчи халифанинг ҳажви” шеърида Дукчи эшоннинг макри ва иғвогарлигини қаттиқ коралади”⁶³, – дея фикр билдирилган. Ушбу шеър мафкуравий тазйиқ туфайли буюртма асосида яратилгани учун А.Халилбековнинг 1994 йил нашрдан чиққан “Нодим ҳаёти ва ижоди” номи китобида учрамайди. Шоир ҳаёти ва ижодини мукамал ўрганишга қўл урган А.Халилбеков вақтли матбуот саҳифаларида ҳамўз қарашларини баён этган. Жумладан,

⁶⁰Қаранг: Хилватий Девон I, 39⁹.

⁶¹ Қаранг: Халилбеков А. Нодим Намангонийнинг ҳаёти ва ижоди: Филол. фан. номз. ...дисс. – Тошкент, 1967. – 250 б.

⁶² Қаранг: Қайюмий П. Тазкираи Қайюмий. Уч жилдлик. Жилд II. – Тошкент: ЎзР ФА ШИ, Қўлёмалар институти таҳририй нашриёт бўлими, 1998. – Б. 335-337.

⁶³Қаранг: Нодим. Танланган шеърлар. – Тошкент: Уздавнашр, 1964. – Б. 7.

“Муқимий ва Нодим” сарлавҳали мақоласида икки шоир ўртасидаги дўстлик ва адабий ҳамкорлик алоқалари ҳақида муҳим маълумотлар беради⁶⁴. Мустақиллик йилларида Нодим адабий мероси ҳолис ўрганила бошлади. Хусусан, А.Халилбеков томонидан 1994 йили нашр этилган “Нодим ҳаёти ва ижоди” номли рисолада шоирнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари ҳамда маърифатпарварлик руҳидаги шеърлари таҳлил қилинган. Китоб сўнгида шоирнинг айрим замондошлари ҳамда Ҳайрат, Хилватий, Сўфизода каби шоирлар ва Мулла Тўйчи Тошмуҳаммедов, Шожалил Шодумаровлар каби ҳофизлар ҳақида қисқа-қисқа маълумот берилган⁶⁵. Бу маълумотлар XX аср бошларида яратилган мувашшаҳлардаги шахслар ҳаётини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

А.Халилбеков Ҳайрат ҳаёти ва унинг лирик мероси ҳақидаги айрим қарашларини “Наманган адабий муҳити” китобида қайд қилган. Ушбу манбада шоирнинг “Сабо, етгур саломим”, “Афғор этдингу кетдинг”, “Ҳайрат” ҳамда “Ўлмасун” каби ғазаллари таҳлил этилган. Ушбу таҳлиллар натижасида муаллиф шоирнинг ижтимоий-сиёсий мазмундаги лирик мероси унга замондош Муқимий, Фурқат, Нодим, Завқийларнинг шу руждаги шеърлари билан ҳамоҳанг эканини таъкидлайди. Шоир асарлари ўша даврда тузилган айрим баёзларга ҳам киритилганини эътироф этади: “А.Убайдуллоҳ шахсий кутубхонасида сақланувчи Баёзнинг 1-282 varaқларида Ҳайрат шеърлари, 283-403 varaқларида эса Лутфий, Жомий, Навоий, Фузулий, Бедил, Машраб, Муқимий, Фурқат, Нодим, Хилватий каби шоирларнинг асарлари берилган. Баёзнинг тузилган йили ҳақида тарих битилган:

Аз хирад тарихи ин кардам савол,

Гуфт “ашгул” аз раҳи сидқу сафо.

Бундаги “ашгул” сўзи абжад ҳисобида хижрий 1337 йилни билдиради⁶⁶.

Демак, ушбу баёз хижрий 1337 (милодий 1920) йилда тузилган бўлиб, унда Ҳайрат ижодидан намуналар учрайди. Ҳайратнинг А.Убайдуллоҳ шахсий кутубхонасида сақланувчи 464 саҳифадан иборат яна бир қўлёзма асари хижрий 1320-1326 йилларда яратилган. Ушбу қўлёзмадаги шеърлар алифбо тартибида

⁶⁴ Қаранг: Халилбеков А. Муқимий ва Нодим // Ўзбек тили ва адабиёти, 1966. – № 1. – Б. 47-53.

⁶⁵ Бу ҳақда қаранг: Халилбеков А. Нодим ҳаёти ва ижоди. – Наманган: Наманган, 1994. – Б. 76-84.

⁶⁶ Бу ҳақда қаранг: Халилбеков А. Наманган адабий муҳити. – Тошкент: Рухафзо, 1998. – Б. 121.

жойлашмаган, лекин чиройли хуснихат билан ёзилган. Ундаги шеърлар газал, мухаммас, мураббаъ, маснавий, мусаддас, рубоий, фард жанрларига оид бўлиб, қўлёзма жуда яхши сақланган. Шоирнинг ушбу лирик мероси ҳали тўлиқ нашр этилмаган.

Хилватий меросининг тошбосма нусхалари XX аср бошларида кўп хонадонларда севиб мутолаа қилинган. Шоир вафотидан сўнг унинг шеърлари жамланган икки қўлёзма китоби XX асрнинг 30-йилларидаги катагон сиёсати туфайли ўгли Акмалхон томонидан яшириб келинади. 1967 йилда фольклоршунослар Малик Муродов, Музаёна Алавия ҳамда наманганлик олим Маҳмуджон Маъмуров Хилватий қабрини зиёрат қилиш учун Наманган вилояти Уйчи тумани Жийдакапа қишлоғига боришади. Улар Хилватий авлодлари билан танишиб, шоирнинг икки қўлёзмасини Тошкентга олиб келишади. Хилватий ижодида диний ғоялар устунлиги сабабли шўро даврида унинг шеърляти илмий тадқиқ этилмаган. Шундай бўлса-да, М.Муродов “Мулло Йўлдош Тўрабой ўгли Хилватий”, “Муқимий замондоши”, “Мавлоно Муқимий замондоши” каби мақолаларида шоир ҳаёти ва ижодини халқимизга биринчилардан бўлиб қисман таништиради⁶⁷.

Хилватий ижодини илк бор тадқиқ этган олим М.Муродов “Ижод дурдоналарини излаб” китобида шоирнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида қисқа маълумот беради ва унинг “Айлансун қулинг”, “Йиғладим, кулди”, “Неча кун бўлди”, “Қачон келур” ҳамда “Нўноқ шоир” каби ҳажвий ғазалларини эълон қилади⁶⁸. Аммо ушбу манбада М.Муродов Хилватий таваллуди 1838, вафоти 1916 йил деб, нотўғри маълумот беради⁶⁹.

“Тазкирани Қайюмий”да Хилватий Наманган шаҳридаги мадрасалардан бирида ўқиб, имом бўлгани, араб тилини яхши билиши ҳамда у мулла Обиднинг устози экани, шунингдек, Муҳаммад алайҳиссалом мавлудлари ҳақида асар ёзиб, шуҳрат топгани ҳақида айтиб ўтилган. Китобда шоирнинг “Бу барно нозанинни билмадим қайси ватандандур” деб бошланувчи газали матни берилган ва ушбу ғазалга қўқонлик Зорий ва наманганлик Зулулий мухаммас боғлашгани қайд этилган⁷⁰. Хилватий ҳаёти ва

⁶⁷ Қаранг: Муродов М. Мулло Йўлдош Тўрабой ўгли Хилватий / Меҳнат байроғи. – Наманган, 1967, 26 апрель; Шу муаллиф. Муқимий замондоши / Меҳнат байроғи. – Наманган, 1967, 12 сентябрь; Шу муаллиф. Мавлоно Муқимий замондоши / Тошкент оқшоми. – Тошкент, 1967, 7 октябрь.

⁶⁸ Қаранг: Муродов М. Ижод дурдоналарини излаб. – Тошкент, 1967. – Б. 48-55.

⁶⁹ Қурساتилган манба. – Б. 48.

⁷⁰ Қаранг: Қайюмий П. Тазкирани Қайюмий. Уч жыллик Жилд II. – Тошкент: ЎзР ФА ШИ, Қўлёзмалар

ижоди билан боғлиқ айрим чалкашликлар “Тазкираи Қайюмий”да ҳам учрайди. Унда П.Қайюмов Хилватийнинг вафоти санасини 1922 йил деб, хато кўрсатади⁷¹. П.Қайюмов ушбу манбада шоирнинг “Мавлуди шариф” асарини Барзанжийнинг худди шу мазмундаги асари таржимаси, деган маълумотни беради. Аммо у таржима асар эмас, чунки “Мавлуди шариф” Муҳаммад алайҳиссалом мавлудлари ҳақида туркий тилда битилган мустақил шеърӣ асар. Бундай агиографик мазмунга эга асарлар, яъни Муҳаммад (с.а.в) ва у кишининг асҳоблари ҳаёти, ҳарбий сафару зафарларини тасвирловчи асарлар дастлаб араб тилида яратилгани маълум. Араб шоири Саййид Жаъфар Барзанжий (1763-йилда вафот этган)нинг пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом таваллудлари ҳақидаги “Иқдул-жавҳар фи мавлид ан-набий ал-азҳар” (Набийнинг нурли таваллуди ҳақида гавҳар маржон)⁷² асарини фақат араб тилини яхши билган олимлар ўқишгани боис, китобхонлар орасида Хилватийнинг туркий тил назмида битган ушбу асарига эҳтиёж кўп бўлган. Хилватийнинг ушбу асари композицион қурилиш ва ривоятларни ҳикоя қилиш усули жиҳатидан ҳам Барзанжий асаридан фарқ қилади.

Хилватий ижоди 1987 йилга қадар маълум сабабларга кўра ўрганилмади. 1987 йил Тошкентда шоирнинг жияни А.Йўлдошев профессор И.Абдуллаев билан учрашиб, М.Муродовдан Хилватийнинг икки қўлёзмасини олиб беришини илтимос қилади. И.Абдуллаев М.Муродов билан учрашиб, ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фондида 1870 ашё рақами билан сақланаётган биринчи қўлёзманинг фотонусхаси ва иккинчи қўлёзманинг асл нусхасини олиб, Наманганга қайтади. Шоирнинг биринчи қўлёзмаси фотонусхаси ҳозир ҳам шоирнинг жияни А.Йўлдошев хонадонида сақланади. У шоирнинг Гулбу синглизининг ўғли бўлиб, тил ва адабиёт бўйича етук мутахассис эди. Араб, форс тилини мукамал билган И.Абдуллаев, А.Йўлдошев ва Хилватийнинг ўғли Акмалхон қўлёзмадаги ғазалларни ўқиб, уларни кирилл ёзувида нашрга тайёрлашади. Бу жараёнларда Хилватий ҳақидаги мақолалар матбуотда мунтазам чоп этиб борилган. Жумладан, “Қадри унинг юксакларга муносиб”⁷³, “Хилватий: ўлимдан илгари зикри худо

институту таҳририй наприет бўлими, 1998. – Б. 383-384.

⁷¹Қаранг: Кўрсатилган манба. – Б. 83.

⁷²Имом Барзанжий Мавлуди шариф. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2014. – Б. 11.

⁷³ Абдуллаев И., Йўлдошев А. Қадри унинг юксакларга муносиб / Октябрь байроғи. – Наманган, 1991, 13 июнь.

денглар”⁷⁴, “Мулла Йўлдош Хилватий”⁷⁵, “Ҳамиша мақсади хилват...”⁷⁶, “Хилватий ҳажвиёти ҳақида”⁷⁷ каби мақолалар шоир ҳаёти ва ижодини кенг жамоатчиликка танитган.

Хилватий адабий мероси жамланган манбаларни қиёсий тадқиқ этиш жараёнида шу нарса маълум бўлдики, шоирнинг “Девон I” деб номланган қўлёзмаси 1972 йилда ЎЗР ФА ШИ саҳҳофлари томонидан оддий картон қоғозга муковаланган. Қўлёзмада девон тузиш анъанасига риоя этилмаган, яъни шеърлар жанрлар бўйича, алифбо тартибида жойлаштирилмаган бўлса-да, Хилватий девонини нашрга тайёрлаган И.Абдуллаев ва А.Йўлдошевлар ушбу қўлёзмани “Девон I” деб номлашган. Уларнинг ҳисобига кўра, ушбу қўлёзмага 6886 байт (13772 мисра) ўзбекча ва 770 байт (1540 мисра) форсча шеърлар киритилган⁷⁸. Унда шоирнинг ғазал, мухаммас, қасида ва саёҳатнома жанридаги шеърлари билан бирга тарих ва мувашшаҳлари ҳам мавжуд. Унинг катта қисмини шоирнинг “Чиқиб”⁷⁹ радифли саргузашт шеъри ва “Сайрул жибол”⁸⁰ (Тоғ сайри) саёҳатномаси эгаллаган. Хилватийнинг форсча “Қасидаи илм” асари ҳам шу қўлёзмадан жой олган⁸¹. Қўлёзманинг айрим саҳифалари йўқолгани учун баъзи шеърларнинг бошланиши ва охири йўқ. Унда Хилватийдан аввал ўтган ва унга замондош бир неча шоирлар ижодидан намуналар ҳам берилган. Масалан, Нодим ғазали (122⁶), Нодим мухаммаси (180⁶), Абдужавод Жудий Кошоний ғазали (136⁶), Муҳйиннинг “Улсун” радифли ғазали (137⁶) ва Наманган аҳлига ёзган “экан” радифли қасидаси (122⁶) ҳамда Мирзо Раҳим кўрбошига ёзган иккита қасидаси (157⁶-158⁶), шунингдек, Муқимийнинг “эшитиб” радифли ғазали (154⁶) мавжуд. Қўлёзмада турли тарихий воқеалар, тарихий шахслар ҳақида ўзбек ва форс тилидаги маълумотлар учрайди. Ушбу қўлёзмани синчиклаб ўрганиш ва ундаги шеърларни тўла нашр этиш адабиётшуносликнинг муҳим вазифаларидан биридир. Чунки

⁷⁴ Абдуллаев И., Йўлдошев А. Хилватий: ўлимдан илгари зикри худо денглар / Ирфон. – Наманган, 1992. – җе 12.

⁷⁵ Абдуллаев И., Йўлдошев А. Мулла Йўлдош Хилватий / Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 1995. 3 ноябрь.

⁷⁶ Абдуллаев И. Ҳамиша мақсади хилват / Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 2000, 20 апрель.

⁷⁷ Абдуллаев И. Хилватий ҳажвиёти ҳақида / Наманган ҳақиқати. – Наманган, 2002, 30 январь.

⁷⁸ Қаранг: Хилватий Девон. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 9.

⁷⁹ Қаранг: Хилватий. Девон I, 74⁶-100⁶, 191⁶-199⁶.

⁸⁰ Қаранг: Кўрсатилган манба, 38⁶-58⁶.

⁸¹ Қаранг: Кўрсатилган манба, 167⁶-168⁶.

Хилватий таржимаи ҳолини, ўша давр адабий-тарихий муҳитини ўрганишда бу манбалар муҳим аҳамиятга эга. Масалан, Хилватийнинг туғилган санасини аниқлашда ушбу манбада ёзиб қолдирилган қуйидаги тарихий воқеа баёни асос бўлган: "... 1328 йил 12-муҳаррам ойи, якшанба (1910 йил 12 январь). Асрдан олдин қиш фасли чилласининг ўртасида йўқлик кўхсоридин шахристонда бир набира дунёга келди. Янги туғилган боланинг отаси Мулло Насриддин маҳдум Мулло Ўринбой Охунднинг ўғли. Онаси фарзандларининг биринчиси Сабихахон 17 ёшда. Бу художўй банданинг набираси унинг биринчи фарзанди эди. Бу воқеа ит йили содир бўлди. Бу қиш шундай яхшилик ва хушлик билан ўттиқи, унинг аввалидан охиригача кечаю кундуз муътадил ҳаво бўлди. Баҳор ҳавоси ва баҳор шамоли ҳам ундан намуна ва нишона бўлди. Бунинг сабабини ғолибан шундай гумон қилиш мумкинки, бундан аввал ер юзида бундай қиш келмаган бўлса керак ва бундан кейин ҳам келиш-келмаслиги гумондир. Ариқлар лабида худди ёш йигитларнинг янги чиққан мўйлаблари каби сабзалар гўзал, дилрабо ва жонга хузур берувчи эди. Тамом кўча ва йўллар лойу балчиқ ва хору губордан пок эдики, агар неча фарсах пиёда юрсанг, на кафшинг лой бўларди ва бирор жойингга губор тегарди. Ва шу йили бу нотавон Хилватийнинг ёши 52 ёшга қадам қўйган эди"⁸². Ушбу маълумот асосида 1910 йилда 52 ёшга қадам қўйган Хилватийнинг 1858 йилда туғилгани И.Абдуллаев томонидан аниқланди ва М.Муродовнинг оғзаки маълумотлар асосида "Хилватий 1838 йилда туғилиб, 1916 йилда вафот этган"⁸³, – деган қарашлари нотўғри экани исботланди⁸⁴.

Хилватийнинг М.Акмалов қўлида сақланган иккинчи қўлёзмадаги шеърлари ҳам девон тузиш анъанасига риоя этиб жойлаштирилмаган бўлса-да, И.Абдуллаев ва А.Йўлдошевлар уни "Девон II" деб номлашган. Унга Хилватийнинг 4540 байт (9080 мисра) ўзбек ва форс тилида ёзган шеърлари киритилган. Булар газал, мухаммас, мувашшах, марсия, саргузашт шеърлар, ҳажв ва китъалардан иборат. Қўлёзмада 32 та форс тилида ёзилган газал, мухаммас, мувашшахлар мавжуд. Ундаги шеърлар ҳар саҳифага 6, 8, 10, 20, 30 ва аҳён-аҳёнда 60 байтдан қилиб жойлаштирилган. Фақат уч жойда шеърлар рамкага олинган (39^а, 40^а, 102^б). Ушбу

⁸²Қаранг: Кўрсатилган манба, 112^б-113^а.

⁸³Қаранг: Муродов М. Ижод дурдоналарини излаб. – Тошкент, 1967. – Б. 48.

⁸⁴Қаранг: Хилватий. Девон. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 31.

шеърлар жанр бўйича берилмаган бўлса ҳам, биринчи қўлёзмага нисбатан анча яхши ёзилган. Қўлёзма варағи охирига баъзи ўринларда пойигир қўйилган. Ушбу манбада ўзбек ва форс шоирларининг шеърлари ҳам учрайди. Масалан, Ғозий ғазали (24^а), Дилреш ғазали (25^а), Машраб ғазали (26^а), Ҳофиз ғазали (32^б), Муъин ғазали (36^а-36^б, 37^а-37^б, учта), Мунший мухаммаси (38^б), Ломаъий ғазали (64^б), номаълум шоирнинг уч байти (243^б), Нодим (246^б-247^а), Мажзуб (253^а-254^а), Мутеъ (264^б), шунингдек, Навоийнинг икки ғазали (266^б-267^а) ҳам бор. Унда бошқа шоирларнинг шеъри жами 221 байтни ташкил этади. Агар буларни қўлёзмадаги 4540 байт шеърдан ажратиб олсак, Хилватий шеърларининг ўзи 4319 байт қолади. Ушбу манбада ўзбек ва форс тилида ёзилган насрий жумлалар, турли кишилар вафоти ёки бирор воқеага бағишланган тарихлар мавжуд. Қўлёзманинг 110^а-варағида Хилватий шоир Ҳувайдонинг ўғли Холмухаммад эшоннинг набираси экани ҳақида шундай ёзади:

“Мухри Холмухаммад эшон ибн Эшон Ҳувайдо бобом
*Ҳодийи дин Холмухаммад авраъи соҳиб адаб,
Волидаш Хожаназар буду Ҳувайдоаш лақаб.*”

Тарихи вафоти Ҳувайдо бобом:

Хирад муншийси тарихи вафоти

Битибдур: “Ғойиб ўлди қутби ёди” –1195 (1781)⁸⁵.

Хилватийнинг юқоридаги байтда келтирилган “авраъи соҳиб адаб”, яъни “одоб соҳибининг юзи” жумласи шоирнинг 2001 йилда нашр этилган китобида “аврои адаб”⁸⁶ деб хато ёзилган. Иккинчи мисра эса нашрий матннинг 3-саҳифасида “Волидим Хожа Назар, буду Ҳувайдоси лақаб” ёки кейинги байтдаги “тарихи вафоти” жумласи эса нашрий матннинг 3-саҳифасида “тарихи вафотин”, деб хато ёзилган. Ушбу байтнинг матний тадқиқидан англаш мумкинки, қўлёзмадаги айрим сўзлар чоп этиш жараёнида нотўғри ёзилган, натижада сўз маъносига путур етказилган ҳамда вазн сакталиги юзага келган. Адабиётшуносликда Ҳувайдонинг таваллуд йили маълум эмас эди. Лекин ушбу марсия-тарихдаги “Ғойиб ўлди қутби ёди”дан абжад ҳисобида 1195 ҳижрий, 1780-1781 милодий раками ҳосил бўлиб, Ҳувайдонинг вафот этган

⁸⁵ Девон II, 110^а-варақ.

⁸⁶ Қаранг: Кўрсатилган манба. – Б. 13.

санаси аниқланган⁸⁷. Демак, Хувайдо 1781 йилда вафот этган. Бу байтлар Хилватийнинг шоир Хувайдо авлодидан эканини тасдиқлайди. Ҳақиқатан, Хилватий она томонидан Хувайдога эвара бўлган. Мазкур кўлэзма ҳам Хилватий таржимаи холи, унинг лирик мероси ва баъзи тарихий шахслар ҳақидаги маълумотларга ойдинлик киритади.

Шахсий кутубхонамизда сақланувчи “Баёз-тўплам”да XIX аср охири XX аср бошларида яшаган Наманган ва Қўқон шоирларининг ғазал, мухаммас, мувашшаҳ, қасида ва рубойиларидан намуналар, жами 3145 байт шеър мавжуд. Баёзнинг 137^б-146^а, 149^а-150^б, 157^а, 159^а, 165^а-182^а саҳифаларида Нодимнинг 36 та ғазали берилган. Баёзда Тажаллийнинг ҳазрати Миён Фазл вафотига таърихи (2^б-3^а), Мажруҳ ва Салоҳ таҳаллусли шоирларнинг 10 байт шеърӣ айтишуви (17^б-18^а)⁸⁸, Фузулий (13^б-14^а), Залилий (15^а-16^а-16^б) шеърлари ҳам учрайди. Ушбу баёзда Партавнинг қози Муҳаммад Ориф ўғли Муҳаммад Абдулборӣй вафотига бағишлаб ўзбек тилида ёзган, аммо ҳозиргача ҳеч қайси манбада қайд қилинмаган 68 бандли мухаммас-марсияси (21^б-30^б) ва ҳар банди 9 мисрадан иборат бўлган 13 бандли форс тилида ёзилган марсияси (31^а-33^а) учрайди. Баёзга Абдулла Қодирийнинг “Меҳробдан чаён” романидан Мирзо Анвар ва Раъно айтишуви, яъни беш байтли шеър ҳам киритилган (35^б). Қорӣй ғазали (59^а), Фурқатнинг Аъзамхонга мувашшаҳи (84^б-85^а), Ҳазинийнинг олти ғазали (107^а -108^б), Жомӣй ғазали (114^а), Муқимӣй мувашшаҳи (136^а), Жудӣй Кошонӣйнинг форсча ғазали (157^б) ва икки рубойӣси (158^а), Равшаний ғазали (194^а) ва унинг икки рубойӣси (194^б-201^а), Жудойӣннинг икки ғазали (197^б-199^а) ва мухаммаси (199^б-201^а) жой олган ушбу баёзда Хилватий ва бошқа шоирларнинг форс тилида ёзилган 10 та ғазали, мухаммас, марсия ва рубойилари мавжуд. Хилватий шеърлари (80^б, 81^а, 131^б-132^б, 136^б, 151^а, 155^а, 184^а, 205^б) саҳифаларда берилган. У шеърлар сарлавҳасида “Ғазали Хилватий алайҳирраҳма”, “Эшон Хилватий домла”, “Жаноби мулло Хилватий домла” каби ҳаволалар бор. Баёз қуйидаги байт билан бошланади:

*Шуд ду сад ҳашри малолу дарду андуҳхо бало,
Аз вафоти солики қуддус гуҳарро дар замон*⁸⁹.

⁸⁷ Қаранг: Хилватий. Девон. — Тошкент: Фан, 2001. — Б 13; Orzibekov R. O'zbek adabiyoti tarixi. — Toshkent: O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamg'armasi nashriyoti, 2006. — B 115.

⁸⁸ Умарбек Мажруҳ XIX асрнинг охирида яшаган ушлук шоир, Салоҳий эса кўнлик шоир бўлиб, улар ҳақида “Тазкиран Қайомий”нинг 502-503-саҳифаларида қизқача маълумот берилган.

⁸⁹ “Баёз-тўплам, 2^б-варак.

Баёз Хилватийнинг куйидаги байти билан якунланган:
*Не ажаб шамъи жамоли ёр бирла Хилватий,
Равшан ўлса бир кеча бу хонаи торим мани*⁹⁰.

Шеърларида форс ва арабча иборалар, Куръон оятлари ва ҳадислардан иқтибослар қўллаган Хилватийнинг форс тилидаги мероси ҳали тўла нашр этилмаган. Илм ва олимлик фазилати баён қилинган 96 байтли форсча “Қасидаи илм”⁹¹ асари 2009 йилда шоирнинг “Сайрул жибол” асари билан бирга “Фан” нашриётида чоп этилган. Ушбу нашрда қасиданинг С.Сайфуллоҳ томонидан тайёрланган ўзбекча насрий баёни ҳам мавжуд. Ҳозирги вақтда эса Хилватийнинг ҳар икки қўлёзмасида мавжуд 3000 мисрага яқин форсча лирик мероси нашр этишга муштоқ. Шоирнинг 2001 йил нашр этилган девонида И.Абдуллаевнинг 37 саҳифали кириш сўзи мавжуд. Унда Хилватийнинг ҳаёт йўли шоирнинг ўғли Акмалхон тўра томонидан тақдим этилган хотиралар ҳамда “Девон I”, “Девон II” ҳамда “Баёз-тўплам”даги мавжуд тарихлар орқали ёритилган. Шоир ҳаёти ва адабий мероси ҳақида муҳим маълумотлар берилган. Жумладан, Хилватий шариат илмининг билимдони бўлгани учун уни Жийдакапа қишлоғида бир неча бор қозиликка тавсия қилишган. Аммо шоир бунга рози бўлмади. Шундай бўлсада, унга атаб давлат томонидан қозилик муҳри ясатиб берилган. Бу муҳр баъзи бир васиқа, фатво ҳужжатларига қозининг муҳри ўрнида ўтган. Хилватий номи ёзилган муҳрнинг ҳужжатларга, коғозларга босилган нусхаси сақланган. Хилватий қўлёзмасининг 205^а-саҳифасида шундай номдаги муҳр бор: “Мулла Йўлдош Охунд аълам Хилватий ибн Тўрабой”⁹².

Нашрий девоннинг 38-51-саҳифаларида Б.Абдуллаеванинг Хилватий шеърлятига доир мақоласи келтирилган. Мақолада шоирнинг “Хасис”, “Нўноқ шоир” ҳамда “Кафшим” радифли ҳажвий шеърлари таҳлили берилган. Шоир ҳажвиялари кишиларни ҳаётда тўғри ва ҳалол бўлиб яшашга, зийракликка чорлаши мисоллар асосида таҳлил этилган. Ушбу нашрий девоннинг 472-482-саҳифаларида И.Абдуллаев томонидан тузилган изоҳлар, 483-486-саҳифаларида эса Хилватий ҳақидаги ривоятлар ўрин олган. Унинг 487-522-саҳифалари шоир ижодида учрайдиган арабча, форсча сўзлар лугати берилган. Хилватий ҳаёти ва ижоди ҳамда

⁹⁰Баёз-тўплам, 228^б-варақ.

⁹¹Хилватий. Қасидаи илм / Сайрул жибол. – Тошкент: Фан, 2009. – Б. 65-78.

⁹²Қарағ: Хилватий. Девон I, 205^а.

шеърятининг жанр хусусиятларини ёритишда ушбу нашрий девон муҳим манбалардан бири саналади.

Хилватий ҳаётлик чоғида чоп этилган нашрий манбалардан бири, яъни пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) таваллудлари ҳақидаги “Мавлуди шариф” асарининг композицион тузилиши ҳали адабиётшунослик илмида махсус ўрганилмаган. Шўро даврида маънавиятимизни бойитувчи, диний эътиқодимизни мустаҳкамловчи бундай асарларни ўқиш тақиқланган эди. Шундай бўлса ҳам, Хилватийнинг “Мавлуди шариф” асари хонадонларда севиб ўқилди, ўрганилди. Шоир “Мавлуди шариф” асарини устози Иноятхон Махдум Лангарий (вафоти 1889 йил) илтимосига кўра яратган. Бу ҳақда Лутфулло Маҳмуднинг “Мулло Йўлдош Хилватий” рисоласида ҳам айтиб ўтилган. Унда “Мавлуди шариф”нинг яратилиш тарихи шоирнинг куйидаги байтлари орқали изоҳланган:

*Бир кун пири ҳидоят дастгоҳ,
Толиби дийдор, шайдои Илоҳ.
Шафқат айлаб дедиларким: “Эй фалон,
Сенга бергумдур саодаттин нишон.
Илгинга олгил давоту хомани,
Қил китобат бу саодатномани.
Яъни “Мавлуди набий”ни назм қил,
Кўйи умматликка эмди азм қил”⁹³.*

Л.Маҳмуд ушбу “Мавлуди шариф”нинг 1899 йил Петербургдаги цензура томонидан текширилиб, нашр этишга тавсия этилган дастлабки нусхаси жийдакапалик Р.Ҳожимирзаев хонадониде сақланиши ҳақида маълумот беради. Ушбу манба Хилватий адабий мероси ва ҳаётлик даврида чоп этилган асарларининг яратилиш тарихи ҳақидаги маълумотлари билан аҳамиятлидир.

Хилватийнинг “Чароғи мактаб” асари ҳам адабиётшунослар томонидан махсус тадқиқ этилмаган. Асар 210 байтдан бўлиб, у кириш, асосий қисм ва хотимадан иборат. Хилватий нашрий девониде ушбу асар 110 байт этиб, хато кўрсатилган⁹⁴. Мусулмончилик шартлари ва аконид қондаларини ўргатувчи ушбу асарнинг асосий қисми 54 бобдан ташкил топган ва ҳар бир бобга насрий усулда арабча сарлавҳа қўйилган. Асарда Аллоҳнинг

⁹³Маҳмуд Л. Мулло Йўлдош Хилватий. – Наманган: Наманган, 2017. – Б. 72.

⁹⁴Қараи: Хилватий Девон. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 25.

сифатлари, Куръони Каримда номи зикр этилган 25 пайғамбарнинг ўзига хос хислатлари, меърож воқеаси, ислом ва иймон масалалари, қиёмат аломатлари, рўза ва ҳаж арконлари ҳақида баён этилган. Асар мусулмончиликнинг қонун-қоидаларини ёш ўқувчилар онгига осон сингдириш мақсадида шеърӣй усулда ёзилган. Асар қуйидаги байт билан бошланади:

*Худо Раббим эрур ҳаққо, Муҳаммаддур расулуллоҳ,
Ҳам ислом динидур диним, китобимдур Каломуллоҳ*⁹⁵.

Асар қуйидаги байтлар билан якунланган:

*Ёрур бу нусха бирла аҳли мактаб базмининг шоми,
“Чароги мактаб” ўлди бу сабабдин ушбунинг номи.*

*Илоҳо, Хилватий бечорани тавфиқини том эт,
Салоҳин баркамол эт, икки оламда нақу ном эт*⁹⁶.

Хилватийнинг саёҳат таассуротлари акс этган “Сайрул жибол” асари адабиётшунослар томонидан ўрганилмаган. Шоирнинг ушбу асари XX аср бошларида яратилган Муқимий, Завқий ва бошқа шоирларнинг худди шу жанрдаги асарларидан ўзига хос композицион қурилиш ва поэтик жиҳати билан фарқ қилади. Асар сафар хотиралари аниқ воқеликка асослангани ва юксак бадий маҳорат билан яратилгани жиҳатидан аҳамиятлидир.

Доғий лирик мероси адабиётшунослар томонидан ҳали ўрганилмаган. 2006 йилда нашр этилган “Дилим изҳор айлайин дерман” шеърӣй китобида шоирнинг ҳамд, наът ҳамда муножотлари, шунингдек, ғазал, мустаҳзод, мураббаъ, мухаммас, маснавий, рубоий, туюқ, маснавий, мувашшаҳ, марсия, тарих шеърлари ва форс тилидаги ғазал, мухаммаслари ҳам жой олган. Шу билан бирга, китоб охирида Партавнинг шоирга атаб ёзган форсча қасида вағазали, Анвар кори Турсуновнинг шоир Доғий ҳақидаги мақоласи берилган⁹⁷. Отаси шеърларини эски ўзбек ёзувидан кирилл ёзувига ўтирган шоирнинг ўгли Ҳошимхўжа ушбу нашрга сўзбоши ва сўнгсўз ёзган. Сўзбошида шоир биографияси батафсил баён этилган. Ундаги маълумотларга кўра, шоир болаликдан ўткир қалам соҳиби Нодимнинг ўгли Мусалламхон тўра билан дўстлашади ва улар орасидаги дўстлик умрларининг охирига қадар давом этади. У Нодим хонадонида бўлиб ўтадиган

⁹⁵ Мулло Йўлдош Хилватий Кафавий ан-Намангоний. Чароги мактаб. – Тошкент: О.А.Порцев басмахонаси, 1325 (1907) йил, 2-бет.

⁹⁶ Кўрсатилган манба. – Б. 27.

⁹⁷ Карим. Доғий. Дилим изҳор айлайин дерман. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2006. – 214 б.

мушоараларни диққат билан кузатиб, ўзи ҳам шеър машқ қилиб турар эди. Мушоара кечаларида Муқимий, Завқий, Шавқий, Хилватий ҳамда Ибрат каби эл ардоғидаги шоирлар иштирокини ҳавас билан кузатган Йўлдошхўжа ўзи машқ қилиб юрган бир-икки шеърини уларга ҳам ўқиб беради. Шеърни тинглаб, унга ҳайрат билан боқишган шоирлар унинг ижоди барчани доғда қолдиришини таъкидлаб, тасаннолар айтишади. Бу ҳақда шоирнинг ўгли Ҳошимхўжа қуйидаги маълумотни келтиради: “Сухбат асносида Мулла Йўлдош Хилватий ўн беш ёшли отамизнинг шеърларига юксак баҳо бериб, истиқболларига яхши тилаклар билдиради ва у кишига “Доғий” деб тахаллус беришни тавсия қилади”⁹⁸. Доғий ижоди давомида Ҳофиз, Жомий, Навоий, Фузулий, Нодира, Муқимий, Убайдий, Гиёсий, Зебо, Рожий каби шоирлар ғазалига мухаммаслар боғлайди. Диний илмлардан хабардор бўлган шоир нақшбандия тарқатига амал қилган. Тасаввуф сирларини аввал Ғозихон тўрадан, сўнгра Яҳёхон тўра (XIX аср охири XX аср бошларида Наманган шаҳрида яшаб ўтган нақшбандия тариқатининг муршиди) ва Акбарали Охунд қоридан ўрганади. Доғий ижоддаги муваффақиятларини кўплаб устозлар тарбиясини олганидан деб билади. Бу ҳақда шоирнинг ўзи қуйидагича таъкидлайди: “Мен Нодим, Хилватий, Муқимий, Шавқий сингари устоз шоирлар билан танишганимдан бехад хурсандман. Уларнинг кўмаги бўлмаганида ёзган шеърларим мавқеи эътибори билан бу даражага етмаслиги эҳтимолдан узок эмас эди”⁹⁹.

Шоирнинг нашр этилган китобида Доғий хонадонига ўтказилган шеърини анжуманда иштирок этган шоирлар, жумладан, Мунис (Умархон), Унвон (Мусалламхон тўра), Суҳайлий (Дадахон қори), Шўхий (Абдувоҳид Аҳадов), Камолий (Жамол Ҳамроқулов), Партав (Неъмалбадал), Мулла Абдулкаюм қорилар номи тилга олинган. 1937 йилги машъум қатағонда шоир Партав ҳибсга олинади ва 1938 йилда отиб ўлдирилади. Партав билан ҳамсуҳбат бўлгани учун Доғий 39 кун ГПУ қамоқхонасида ушлаб турилади, турли сўров ва қийноқлардан сўнг айблов учун етарли далил топиша олмагач, уни озод қилишади. Доғий ўзининг йигирма бир бандли “Азоб” радиопли мухаммасида қамоқхонада ўтган азобли кунлари ҳақида баён этган:

⁹⁸ Кўрсатилган манба. – Б. 5.

⁹⁹ Кўрсатилган манба. – Б. 6.

*Эй ёронлар, айлайин мен шаммаи эълон азоб,
Турмада бўлмиш кишига лаҳзада алвон азоб,
Кўрмасин ҳеч кимса, дўстлар, бандилар кўрган азоб,
Сунмасин бу даҳр элига соқий даврон азоб,
Турма зулмин билмангизлар бандига осон азоб*¹⁰⁰.

Шоир ижоди билан танишган наманганлик мухбир А.Собиров 1967 йилнинг июнь ойида “Наманган ҳақиқати” газетасида бир мақола эълон қилади ва ўша даврда Наманганда чиқадиган “Октябрь байроғи” газетасидаунинг ўттиздан ортиқ газалларини чоп эттиради¹⁰¹. Шундан сўнг шоир ижоди яна ўрганилмай қолади.

Суҳайлий лирик мероси адабиётшунослик илмида махсус ўрганилмаган. Шоир ижодида диний-маърифий мазмундаги шеърлар салмоқли ўрин тутгани сабабли шўро даврида уларни нашр этиш имкони бўлмаган. Суҳайлий ижоди мустақиллик туфайли эришилган имкониятлар натижаси сифатида нашрга тайёрланди ва кенг жамоатчиликка тақдим этилди¹⁰². Унинг “Ёдгорим” шеърлар мажмуасидан жой олган ҳамд, наът ҳамда муножотлар, газал, мураббаъ, мухаммас, мусаддас, қитъа, туюқ, маснавий, мувашшаъ, марсия каби шеърларини шоир Доғийнинг ўгли Ҳошимхўжа эски ўзбек ёзувидан кирилл ёзувига ўгирган. Ҳошимхўжа ушбу нашрга “Дадахон қори Суҳайлий ҳақида” сарлавҳали сўзбоши ёзади. Сўзбошида шоир биографияси батафсил ёритилган. Ундаги маълумотларга кўра, Дадахон дастлаб, Авлиё домла диний мактабида саводини чиқаради ва Куръон кироати илмини ўрганиб, ўн уч ёшида қори бўлади. Куръонни хатм қилгач, 1911 йилда Баҳодирхон эшон мадрасасида, кейинчалик эса Азизхўжа эшон мадрасасида таҳсил олган. У ерда араб, форс, озарбайжон тилларини мукамал ўрганади. Араб ёзуви сирларини ўрганиб, мохир хаттот бўлади. Суҳайлий Доғийнинг шогирди бўлган. Ўша даврдаги адабий кечаларда мунтазам иштирок этган Суҳайлий ўзи ҳам тез орада шеър машқ қила бошлайди. Дастлабки шеърларини Қорий тахаллуси билан ёзган. Аммо Кўконда шундай тахаллус билан ижод қилган шоир борлигини эшитгач, Қосир тахаллусида ижод қилади. Ҳаётининг сўнгги давридаги шеърларига Суҳайлий (порлоқ юлдуз) деб имзо чеккан. Машъум қатагон Суҳайлийни ҳам четлаб ўтмади. Шоирни 1930 йилда Сўфизоданинг

¹⁰⁰ Кўрсатилган манба. – Б. 117.

¹⁰¹ Бу ҳақда қarang: Кўрсатилган манба. – Б. 6.

¹⁰² Қarang: Суҳайлий. Ёдгорим. – Тошкент: Fikr-Media, 2009. – 192 б.

маслакдоши сифатида ҳибсга оладилар. Сухайлийни бир неча ойлик тутқунликдан сўнг мажруҳ ва майиб ҳолда турмадан озод қилишади. Унинг соғлиги шунчалик аянчли эдики, сўзласа, нима деяётганини тушуниш қийин, қўллари ҳам қалам тутолмас эди. Тақдир тақозоси билан у оила қурмайди, лекин ўзидан бой адабий мерос қолдиради¹⁰³.

XX аср бошлари Наманган адабий ҳаракатчилиги намояндалари орасида Ибрат ижоди ва унинг асарлари нашри бир неча олимлар томонидан тадқиқ этиб келинмоқда. Аммо унинг “Луғати ситтати алсина” ҳамда “Жомеъ ул-хутут” асарларини нашрга тайёрлаб, китобхонларимизга тақдим этиш бугунги долзарб вазифалардан биридир.

Ибратнинг “Луғати ситтати алсина” (Олти тилли луғат) асарида мингдан ортиқ ўзбекча сўзларнинг арабча, форсча, туркча, ҳиндча ва русча таржималари берилган. Асар икки қисмдан иборат. Ушбу асар ҳақида 2005 йилда нашр қилинган Ибратнинг “Танланган асарлар” китобида маълумот берилган¹⁰⁴.

Ибратнинг “Тарихи Фарғона” асарида Қўқон хонлигида ҳукмронлик қилган хонлар фаолияти, айниқса, Қўқон хонлигининг сўнгги ҳукмдори Худоёрхон фаолияти, қипчоқ қирғини воқеалари, Ўрта Осиёнинг Россия томонидан босиб олиниши баён қилинган. Асарда Фарғона вилояти таркибига қирган шаҳар ва қишлоқларнинг келиб чиқиш тарихи, географик жойлашуви, табиати ҳақидаги муҳим маълумотлар ҳам келтирилган. Ушбу асарни ўрганиш жараёнида, унинг икки қўлёзма варианты борлиги аниқланган. У.Долимов ўзининг тадқиқот ишида асарнинг икки варианты, яъни дастлабки ва қайта ишланган варианты борлигини айтади. У.Долимов асар уч нусха экани, яъни икки нусхаси ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фондида сақланиши, бир нусхаси эса Ғ. Каримов шахсий кутубхонасида мавжудлиги ҳақида маълумот беради¹⁰⁵. Кейинги изланишлар натижасида тадқиқотчи К.Вохидова асарнинг иккинчи варианты бир нусха бўлиб, у ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фондида 11080 ашё рақами билан, дастлабки вариантнинг ўзи эса уч нусхада бўлиб, икки нусхаси ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фондининг 11616 ҳамда 10117 ашё рақами билан сақланиши, бир нусхаси эса Ғ. Каримов шахсий кутубхонасида экани ҳақида айтиб

¹⁰³ Бу ҳақда қarang: Қўрсатилган манба. – Б. 5.

¹⁰⁴ Қarang: Ибрат И. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 2005. – Б. 10-14.

¹⁰⁵ Қarang: Долимов У. Жизнь и творчество узбекского поэта просветителя Ибрата. Автореф. дисс. на соиск. уч. степ. канд. фил. наук. – Ташкент: 1971. – С.26.

ўтади¹⁰⁶. Демак, бу маълумотлар Ибрatнинг “Тарихи Фарғона” асари тўрт нусхада бўлиб, тўртинчи 10117 ашё рақамли нусха ҳам тадқиқотчиларимиз назаридан четда қолмаганидан далолат беради. Ибрat асарни 1916 йилда ёзиб тугатган ва унинг нусхасини кўпайтириш мақсадида 1921 йилда яна қайта ёзади. Асарнинг тўртинчи нусхаси шоирнинг 1921 йилда ёзган варианты асосида хижрий 1374 (милодий 1955) йили Собитхон ибн Саид Наимхон тўра томонидан кўчирилади. Ибрatнинг “Тарихи Фарғона” асари Ватанимиз тарихига доир ишончли манбалардан бири ҳисобланади.

Ибрat ҳаёти ва ижоди ҳақида “Тазкираи Қайюмий”да ҳам маълумот берилган. Муаллиф Ибрat Умархон давридаги машҳур шоирлардан бири Афсуснинг набираси экани, узоқ вақт Тўрақўрғон қозиси бўлиб ишлагани ҳамда у ерда бир ҳаммом, боғ, янги бинолар қурдиргани ҳақида айтиб ўтган. “Тазкираи Қайюмий”да шоирнинг таваллуд санаси 1876 йил деб, хато кўрсатилган¹⁰⁷. Шундай бўлса-да, шоир ҳақида П.Қайюмов томонидан берилган маълумотлар дастлабки нашрий манбалардан бири сифатида эътиборга моликдир.

Ибрatнинг 2005 йил чоп этилган “Танланган асарлар”¹⁰⁸ китобида У.Долимов ва Н.Жабборовлар томонидан “Асардурки, оламға ўлғай нишон...” сарлавҳали сўзбоши берилган. Унда олимларнинг Ибрat ҳаёти ва адабий меросига доир таҳлилий фикрлари акс этган. Мазкур манбада унинг тилшуносликка оид асарлари, яъни “Луғати ситтати алсина”, “Жомеъ ул-хутут” ҳақида, маърифатпарвар шоирнинг илмий-педагогик фаолияти, лирик меросининг ўзига хос мавзу ва гоъвий йўналиши, бадиияти ҳақидаги маълумотлар берилган. “Жомеъ ул-хутут”да келтирилган санскрит, қадимий финикий, юнон, қадимий куфий, қадимий яҳудий ва славян ёзувларининг фото намуналари ҳам илова этилган. Сўнгра Ибрatнинг 24 та ғазал, 1 та манзума, 1 та мураббаъ, 1 та мухаммас, 1 та мусаддас ва 2 та маснавийси берилган. Ибрatнинг XX аср бошларида “Туркистон вилоятининг газети”да чоп этилган асарлари нашр этилган шеърлари билан қиёсан ўрганилганда, 15 байтли “Газета хусусида” газали жорий нашрда 9 байт ҳолида нашр этилгани ҳамда шоирнинг 13 бандли “Воқеани

¹⁰⁶ Қаранг: Воҳидова К. Искоҳжон Жунайдуллоҳхўжа ўғли Ибрat ва унинг тарихий-илмий мероси: Тарих фан. ном. ... дисс. – Тошкент, 2002. – Б. 98.

¹⁰⁷ Қаранг: Қайюмий П. Тазкираи Қайюмий. Уч жилдлик. Жилд II. – Тошкент: ЎзР ФА Қўлзмаляр институти таҳририй нашриёт бўлими, 1998. – Б. 420.

¹⁰⁸ Ибрat И. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 2005. – 200 б.

зилзилаи Андижон”¹⁰⁹ мусаддаси, форс тилида ёзилган 16 байтли “Тарихи хаммом”¹¹⁰ ғазали ушбу нашрга киритилмай қолиб кетгани аниқланди.

Китобда Ибрatнинг “Тарихи Фарғона”, “Мезон уз-замон” асарлари ҳамда ХХ аср бошларидаги газеталарда чоп этилган 8 та илмий-маърифий мақоласи ва шоир, публицист, маърифатпарвар Мираъзам Иброҳим ўғли – Иброҳим Даврон (1874-1922) қаламига мансуб Ибрat фаолияти тўғрисидаги “Ҳақ сўз” мақоласи мавжуд. Ушбу китобда “Мезон уз-замон” асарининг кирилл ёзувидаги тўлиқ матни илк маротаба китобхонларга ҳавола қилинган. Асар ЎЗР ФА ШИ қўлёзмалар фондида 11618 рақами билан сақланаётган адибнинг фанга маълум бўлган ягона қўлёзмаси асосида нашрга тайёрланган.

Манбаларда Ибрatнинг қозилик фаолияти тўғрисида ҳам қимматли маълумотлар учрайди. Шоир ҳаж сафаридан қайтгач, Хонободда, сўнгра Тўрақўрғонда қозилик қилади. Унинг қозилик фаолияти ҳақида ЎЗР ФА ШИ қўлёзмалар фондида сақланаётган “Турли марсия, иборат ва фикриёт масалалари” жамланган папка ҳамда қозилик давридаги 12 саҳифадан иборат иш юритиш дафтари, 1910 йилда чоп этилган “Туркистон вилоятининг газети”даги “Наманганда қозилар сайлови” мақоласи, “Ўлурсан” радифли ҳамда “Қозийи қотил” ғазали, У.Долимов, А.Халилбеков ва К.Воҳидованинг илмий ишидан маълумот олиш мумкин”¹¹¹. Ибрat 1901-1916 йилларда узлуксиз Тўрақўрғон қозиси лавозимида фаолият кўрсатгани ҳақиқатга яқиндир. Бинобарин, унинг дастлаб қози деб эътироф этилиши 1901 йил “Туркистон вилоятининг газети”даги “Луғати ситтати алсина” асари ҳақидаги ахборотда учрайди. Унда “Наманган уездига тобеъ Тўрақўрғон қозиси Исҳоқхон тўра”, “ул жаноби қозининг ихтиро қилган китоблари”, “ул жаноби қозининг босма учун юборган ва тасниф айлагон луғат китоблари” каби жумлалар тилга олинган¹¹². Ундан олдин эса шоирнинг 1900 йил Н.П.Остроумовга ёзган мурожаат мактубида

¹⁰⁹ Туркистон вилоятининг газети, 1903, 8 март – № 9.

¹¹⁰ Туркистон вилоятининг газети, 1905, 13 июль. – № 23.

¹¹¹ Бу ҳақда қаранг: Турли марсия, иборат ва фикриёт масалалари. ЎЗР ФА ШИ. Қўлёзма. Инв. № 11620; Ибрat И. По поводу выборов должностных туземцев в Намангане / Туркистон вилоятининг газети, 1910, 21 март. – № 54; Долимов У. Исҳоқхон Ибрat. – Тошкент: Шарқ, 1994. – Б.69-70; Халилбеков А. Наманган адабий муҳити. – Тошкент: Рухнамо, 1998. – Б.149; Воҳидова К. Исҳоқхон Жунайдуллохўжа ўғли Ибрat ва улпг тарихий-илмий мероси: Тар. фан. номз. ... дисс. –Т., 2002. – Б.45-48.

¹¹² Қаранг: Тахрирчи. Ахборот / Туркистон вилоятининг газети, 1901. № 30, 4 август.

қози сузи ишлатилмаган. Мактубда ўзини “Исҳоқхон тўра”¹¹³ деб таништирган. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, у охириги маротаба қози сифатида 1916 йилда ёзилган “Тарихи Фарғона”¹¹⁴ асарида тилга олинган. Кейинги манбаларда эса шоир “Исҳоқхон тўра Тўрақўрғоний”¹¹⁵ тарзида берилган. Бу маълумотлар Ибрат 20 йилдан ортиқ вақт қозилик лавозимида ишлаган¹¹⁶, деган қарашлар нотўғри эканини англатади.

Ибратнинг маърифатпарварлик фаолияти У.Долимов томонидан тадқиқ этилган бўлса, “Луғати ситтати алсина”, “Жомеъ ул-хутут”, “Тарихи Фарғона”, “Мезон-уз замон” каби асарларининг матний тадқиқида Н.Жабборовнинг хизматлари алоҳида. К.Воҳидованинг тадқиқотлари эса XX аср бошларида маориф ва маданият ривожига муҳим ўрин тутган Ибратнинг тарихшунос, ҳуқуқшунос, жамиятшунос олим бўлганини англатади¹¹⁷. Шунингдек сўнги йилларда Ю.Самадов, И.Йўлдошев, Р.Умматов, Л.Маҳмуд ва М.Абдуллаевалар томонидан тайёрланган илмий-оммабоп рисоаларда У.Долимов томонидан аниқланган маълумотлар асосида шоир истеъдодининг турли қирралари ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилган¹¹⁸. Бугунги кунда Ибрат ижодига бўлган эътибор ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ эканини Тўрақўрғонда қурилган “Исҳоқхон Ибрат” мажмуаси ва у ердаги етти тилга ихтисослашган “Ибрат мактаби”нинг фаолияти орқали ҳам чуқур ҳис қилиш мумкин. Чунки Ўзбекистонда ягона бўлган ушбу мактаб келажакда яна минглаб ибратларни вояга етказиши аниқ. Шоир ижодий меросини оммалаштириш мақсадида ўтказилган анжуман материалларида унинг серкирра фаолияти ёритилган¹¹⁹. Ҳикматлари ўзбек, рус, инглиз, немис ва араб тилларида чоп

¹¹³ Қаранг: ЎЗРМДА. Ф – 1009 115 рўйхат. – Б.15-16.

¹¹⁴ Қаранг: Ибрат И. Тарихи Фарғона. – 1916 йил. ЎЗР ФА ШИ. Қўлёзма. Инв. № 11616. – Б.1.

¹¹⁵ Қаранг: Ибрат И. Тарихи маданият. – 1921 йил. ЎЗР ФА ШИ. Қўлёзма. Инв. № 10117. – Б.106.

¹¹⁶ Долимов У. Исҳоқхон Ибрат. – Тошкент: Шарқ, 1994. – Б.69.

¹¹⁷ Қаранг: Долимов У. Ўзбек маърифатпарвар шоири Ибратнинг ҳаёти ва ижоди: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1971. – 250 б; Шу муаллиф. Исҳоқхон Ибрат. – Тошкент: Шарқ, 1994. – 144 б; Ибрат Ажзий. Суфизода. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 1999. – 230 б; Ибрат И. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 2005. – 200 б; Воҳидова К. Исҳоқхон Жунайдуллоҳхўжа ўғли Ибрат ва унинг тарихий-илмий мероси. Тар. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2008. – 186 б; Шу муаллиф. Исҳоқхон Жунайдуллоҳхўжа ўғли Ибрат ва унинг тарихий-илмий мероси. – Тошкент: Фан, 2008. – 125 б.

¹¹⁸ Самадов Ю. Мавлоно Ибрат ворислари. – Наманган: Наманган, 1999. – 40 б; Йўлдошев И., Умматов Р. Ибрат ишларида. – Наманган: Наманган, 2014. – 40 б; Маҳмуд Л. Исҳоқхон Ибрат яратган бот. – Наманган: Наманган, 2018. – 256 б; Абдуллаева М. Исҳоқхон Ибрат – серкирра ижод соҳиб. – Тошкент: Наврўз, 2018. – 52 б.

¹¹⁹ Бу ҳақда қаранг: Исҳоқхон Ибратнинг ҳаёти ва илмий мероси. – Наманган, 2017. – 75 б; Жаҳон эътирофи этган олим ва шоир. – Наманган, 2017. – 116 б; Наманганлик маърифатпарварлар. – Наманган, 2018. – 134 б.

этилиши¹²⁰ шоир ижодини ўрганишга бўлган эътибор дунё микёси даражасига кутарилаётганини англатади. Наманган адабий ҳаракатчилиги намояндалари меросини ҳаққоний тадқиқ этиш борасида Ибрат ҳаёти ва ижоди ҳақидаги маълумотларни ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки шоирнинг ҳаёт йўли ва илмий фаолиятини ўрганиш орқали ёшларимиз қалбида Ватанга муҳаббат, илм-фан ва касб-ҳунар эгаллашга ғайрат, санъатга, адабиётга ошуфталик ҳисси камол топади.

Сўфизода ижодига оид манбаларни жамлашда Л.Олимий, Ш.Сулаймон, М.Солиҳов, Н.Сафаров, Т.Расулов, Р.Иномхўжаев, А.Халилбеков, Б.Қосимов, Н.Каримов ҳамда Ҳ.Орифийларнинг хизматлари беқиёс бўлди. Шоирнинг маърифатпарварлик ғоялари сингдирилган шеърлари XX аср бошларида матбуот юзини кўрди. Жумладан, 1911 йил Оренбургда нашр этилган “Шўро” журналида Сўфизоданинг “Ўзбек хонимиға”, “Асфандиёрхон”, “Хонимлар исминда” каби шеърлари чоп этилган¹²¹. 1914 йилнинг январь ойида “Туркистон вилоятининг газети”да “Чуст боёнларининг бир гапхонада бир-бирларига мақтанишлари”, “Қувди мени жоҳиллар”, “Чуст қозиси Аббосхон Ҳожимуҳаммад ўғлиға жавоб” каби шеърлари ҳамда шу йили “Садойи Туркистон” газетасида шоирнинг “Ўқинг, оналар”, “Хуржун”, “Жон бериб...”, “Ҳақиқатдан кўз юмганларға” каби шеърлари эълон қилинган¹²². Шоир ижодини ўрганиш, адабий меросини халққа тақдим этиш ишлари унинг ҳаётлик чоғида бошланган. Дастлаб, 1925 йил “Фарғона” газетасининг бош муҳаррири Л.Олимий “Унутилган шоир”¹²³ сарлавҳали мақоласида шоир ижодига оид айрим маълумотлар ва шеърларидан намуналар эълон қилади. Унда шоирнинг “Пайт пойлаб душманим қўйди йўлимга лойтузок” мисраси билан бошланадиган 7 бандли мусаддасини келтиради. А.Халилбеков “Наманган адабий муҳити” китобида Ҳамза Сўфизодани ўзига устоз деб билгани ва улар бир мақсад йўлида ижод қилиб, хотин-қизларни маърифатга чорлашда ҳаммаслак бўлишгани ҳақида баён этади. Муаллиф уларнинг ижодий ҳамкорлигини ёритиш мақсадида Сўфизоданинг “Ўқинг, оналар” шеърига ўхшатма тарзида Ҳамза “Муҳтарам оналарима хитоб” ва шоирга атаб “Сўфизодаға” номли

¹²⁰ Қаранг: Ибрат И. Ҳикматли сўзлар / Нашрга тайёрловчи: Улуков Н. – Тошкент: Наврӯз, 2019. – 28 б.

¹²¹ Бу ҳақда қаранг: Каримов Н. Мухаммадтариф Сўфизода. – Тошкент: Миллати, 2012. – Б. 32-34.

¹²² Бу ҳақда қаранг: Халилбеков А. Наманган адабий муҳити. – Тошкент: Рухнафо, 1998. – Б. 168-171.

¹²³ Олимий Л. Унутилган шоир / Фарғона. – Фарғона, 1925 йил. 30 март.

шеър ҳам битганини маълум қилади¹²⁴. Ўзбекистон Республикаси Марказий Ижроия Комитети ҳайъатининг 1926 йил 27 февралда бўлиб ўтган йиғилишида Ҳамзага “халқ ёзувчиси”, Сўфизодага эса “Халқ шоири” унвони берилиши бежиз эмаслигини Н.Каримов “Мухаммадшариф Сўфизода” китобида шундай изоҳлайди: “Ҳамза билан Сўфизодага бир вақтда ҳам юксак ҳукумат мукофотининг берилиши, ҳам “умрлик маош” тайинланиши тасодифий эмас. Улар ўша йилларда шўро давлатининг ер ислоҳоти, сайлов, мулкдорларга қарши кураш жараёнларида фаол иштирок этишган”¹²⁵. Сўфизода ўша даврларда кўп мутаассиб диндорлардан ноҳақ азият чекади ва уларга қарши ҳажвиялар, маърифатпарварлик руҳидаги шеърлар ёзиб, дин арбобларига қарши кураш бошлаган ҳукумат раҳбарлари назарига тушади. Ўзбек халқ шеърляти ривожига ҳисса қўшган Сўфизодани рағбатлантириш ва уни бошқа ижодкорларга намуна қилиб кўрсатиш мақсадида “халқ шоири” унвони таъсис этилган эди. XX асрнинг 30-йиллари нашр этилган мактаб дарсликларида ҳам шоир ижодига эътибор қаратилган. Масалан, ўрта мактабларнинг VII синфи учун “Адабиёт хрестоматияси” дарслигидаги “Пролетар диктатураси даври адабиёти” бобида Сўфизоданинг “Маданий макиёнлар туҳфамиз” шеъри Д.Бедний (“Катта кўча”), В.В.Маяковский (“Сўл марш”), Ғайратий (“Оқин ҳукми”) асарлари билан бирга ҳавола этилган¹²⁶. 1934 йил халқ шоири Сўфизода ижодини оммалаштириш мақсадида М.Солиҳов “Сўфизода ва унинг ижоди”¹²⁷ номли рисола чоп эттиради. Унда муаллиф шоирни жадидчилик ҳаракатининг намояндаларидан бири сифатида эътироф этади ва ижодининг мавзу-мундарижаси, гоъвий йўналишини таҳлил қилади. Ушбу рисоладаги фикрларга мулоҳаза билдириш ниятида М.Шайхзода 1935 йил “Машъала” журналида “Сўфизода ва унинг ижоди ҳақида” номли мақоласини чоп этади¹²⁸. Мақолада муаллиф шоирнинг ҳаёт йўли М.Солиҳов томонидан қисқа ёритилганини айтиб, Сўфизоданинг мураккаб ҳаёт ва ижод йўлини аниқлашда унинг муфассал таржимаи ҳолини ёзиш муҳимлигини таъкидлайди. М.Солиҳовнинг Сўфизодага бармоқ ёки эркин вазнда ҳам шеър битиш лозим экани ҳақида берган тавсиясини маъқул кўрмай,

¹²⁴ Бу ҳақда қаранг: Кўрсатилган манба. – Б. 144.

¹²⁵ Бу ҳақда қаранг: Кўрсатилган манба. – Б. 97.

¹²⁶ Қаранг: Адабиёт хрестоматияси. – Тошкент: Ўздавнашр, 1933. – Б. 179.

¹²⁷ Қаранг: Солиҳов М.Б. Сўфизода ва унинг ижоди. – Тошкент: Ўздавнашр, 1934. – 42 б.

¹²⁸ Шайхзода М. Сўфизода ва унинг ижоди ҳақида / Машъала. – Тошкент, 1935, январь. – Б. 29.

шоирни эски усулда, яъни арузда ижод қилишини ёқлаб шундай дейди: “Буюк ўзгаришлар даврида шоирда мазмунга кўра шаклнинг кетда қолиши табиий ва қонуний бир воқеадир. Зотан шу эски шакллар ҳам янги руҳни бериш учун мутараккий омил бўла олур”¹²⁹. Ҳақиқатан ҳам, шоир янги давр адабиётига хос хусусиятларни аруз вазнидаги шеърларига сингдира олди ва реал воқеликни ифодалашда мумтоз лирикадаги ғоявий-бадиий анъаналарни ўзига хос тарзда ривожлантирди. 1935 йилда Сўфизода таваллудининг 65 йиллиги муносабати билан юбилей ўтказилади. Шундан сўнг шоир ижодини ўрганиш ва асарларини нашр этиш ишига жиддий киришилади. Ёзувчи Н.Сафаров шоирнинг ўзи тўплаган 214 та шеърини таҳрирдан ўтказди, аммо 1937 йилдаги қатағон сиёсати туфайли уларни нашр эттира олмайди. Унинг ҳаёти ва ижоди яна йиллар давомида ўрганилмай қолади. Ниҳоят, қатағон қурбонлари ижодига бўлган муносабат ижобий томонга ўзгариб, улар оқлангач, 1968 йилда адабиётшунос Т.Расулов шоир шеърларини тўплаб, “Тароналар” номли китоб нашр эттиради. Тўпламга муаллиф “Шоир Сўфизода ҳақида” номли 23 саҳифали кириш сўз ёзади. Унда Сўфизода таваллуди ҳақидаги санани икки хил кўрсатади. Муаллиф Сўфизодани 1869 йил туғилганини айтади ва 1935 йил унинг 65 йиллик юбилейи ўтказилгани ҳақида маълумот беради¹³⁰. Бу юбилей сана ўз-ўзидан шоир 1870 йилда туғилганини англатади. Ушбу тўпламга шоирнинг 23 та шеъри ҳавола этилган. Унда Сўфизода ҳаёти ва ижодига оид бир қанча маълумот берилган бўлса ҳам, муаллиф уларга ўша давр ҳукмрон мафкураси талаби билан муносабат билдиргани англашилади. Шоир ҳаёти ва ижоди ҳақида “Тазкираи Қайюмий”да ҳам маълумот берилган. Унда шоир ҳаж сафарига бориб, у ердан Ҳиндистон, Арабистон, Миср ва Туркияга ўтгани, ўзига хос фасоҳат илми борлиги, доим йўқсил, авом халққа ёнбосиб шеър ёзиши ва ғаламис, бой кимсаларни ҳажв остига олиши баён этилган¹³¹. Йиллар давомида маълумот тўплаган Ҳ.Орифий “Муҳаммадшариф Сўфизода”¹³² рисоласида у ташкил этган янги усул мактабларида таҳсил олган муътабар отахонлардан, шоирни кўрган-билган қариялардан, жами 22 кишидан маълумот

¹²⁹ Кўрсатилган манба. – Б. 29.

¹³⁰ Қарапг: Кўрсатилган манба. – Б. 23.

¹³¹ Қарапг: Қайюмий П. Тазкираи Қайюмий. Уч жилдик. Жилд III. – Тошкент: ЎзР ФА Кўпёшмалар институти таҳририй нашрият бўлими, 1998. – Б. 483.

¹³² Орифий Х. Муҳаммадшариф Сўфизода. – Наманган, 2007. – 112 б.

олишга мушарраф бўлади. Н.Каримовнинг “Мухаммадшариф Сўфизода” номли китобида шоир ҳаёти ва фаолияти атрофлича ёритилган ҳамда ижодидан намуналар келтирилган. Шунингдек, Сўфизоданинг 1934 йил “Муштум” журналида “Ваҳший” тахаллуси билан босилган энг сўнгги ҳажвий шеъри ушбу манбада илк маротаба эълон қилингани эътиборга молик. Шоирнинг мураккаб ҳаёт йўли унинг яқин кишиларидан ёзиб олинган хотиралар билан бойитилган. Юқорида номи тилга олинган манбалар қиёсан ўрганилгач, Сўфизода ҳаёти ва ижодига оид баъзи чалқаш фикрларга ойдинлик киритилди. Масалан, шоирнинг таваллуд санаси Б.Қосимов, Ҳ.Ҳомидий, М.Маъмуров ва М.Тожибоева ёзганидек, 1880 йил¹³³ ёки Т.Расулов, А.Халилбеков, Ҳ.Орифий берган маълумотларда келтирилганидек, 1869 йил¹³⁴ ҳам эмас, балки 1926 йилда Ш.Сулаймон томонидан шоирнинг ўз дастхати асосида “Маориф ва ўқитувчи”¹³⁵ журналига тайёрланган мақолага асосланиб, Н.Каримов таъкидлаганидек¹³⁶, 1870 йил 29 январь экани илмий далилланган тўғри хулоса бўла олади. Наманганда 1989 йил Сўфизода таваллудининг 120 йиллигини нишонлаш эса Т.Расуловнинг шоир таваллудини 1869 йил деб кўрсатиши асосида бўлиб ўтган. Манбаларни қиёсий ўрганиш Сўфизода ижодига алоқадор тадқиқотлар қимматини белгилашда муҳим аҳамият касб этади. Шоир шеърлятига бўлган қизиқиш, яъни ижодий мероси ҳаётлик давридаёқ муносиб баҳоланиши унинг халқ кўнглидан жой олган истеъдодли ўзбек шоирларидан бири эканидан далолат беради.

XX аср бошлари Наманган адабий ҳаракатчилиги намояндалари Нодим, Ҳайрат, Хилватий, Ибрат, Сўфизода, Доғий, Сухайлий каби шоирларимиз фаолияти, адабий меросини яхлит ҳолатда тадқиқ этиш учун етарлича манбалар мавжуд. “Кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган аждодларимиз тафаккури ва даҳоси билан яратилган минг-минглаб кўлэзма ва тошбосма асарлар бизнинг буюк маънавий бойлигимиздир. Бунчалик катта меросга эга бўлган халқ дунёда камдан-кам

¹³³ Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. – Тошкент: Маънавият, 2002. – Б. 293; Ҳомидий Ҳ., Маъмуров М. Наманган адиблари. – Тошкент: Фан, 2007. – Б. 49; Тожибоева М. Milliy uygʻonish davri oʻzbek adabiyoti. 2-nashr. – Тошкент: Mumtoz soʻz, 2017. – Б. 170.

¹³⁴ Сўфизода Тароналар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1968. – Б. 3; Халилбеков А. Наманган адабий муҳити. – Тошкент: Руҳнафис, 1998. – Б. 162; Орифий Ҳ. Мухаммадшариф Сўфизода. – Наманган, 2007. – Б. 5.

¹³⁵ Сулаймон Ш. Шоир Тоҳир Сўфизоданинг қисқача таржimai ҳоли // Маориф ва ўқитувчи. – Тошкент, 1926. – № 10-11. – Б. 61-62.

¹³⁶ Бу ҳақда қаранг: Каримов Н. Мухаммадшариф Сўфизода. – Тошкент: Mihnati, 2012. – Б. 11.

топилади”¹³⁷. Наманган адабий ҳаракатчилиги намояндалари ижодига оид манбалар орасида эски ўзбек ёзувидан нашрга тайёрланиши лозим бўлган асарлар талайгина. Хусусан, Ҳайратнинг икки қўлёзма девони ҳамда Ибратнинг “Луғати ситтати алсина”, “Санъати Ибрат, қалами Мирражаб Бандий”, “Жомеъ ул-хутут”, “Тарихи маданият” каби асарлари ва Нодимнинг “Баёзи Нодим” шеърлар мажмуаси ва ўрганилаётган шоирлар ижодидаги форсча шеърлар жорий имлода нашр этишга мушток. Ушбу зулқиссонан шоирларнинг форс тилидаги асарлари ҳам нашрга тайёрланса, улар ижодининг мавзу қўлами ва жанр хусусияти кенг камровли экани яна бир бор ўз исботини топади.

Биринчи боб бўйича хулосалар:

XX аср бошлари Наманган адабий ҳаракатчилиги намояндалари адабий меросига доир манбаларни иккига бўлиб ўрганиш мумкин: 1) қўлёзма манбалар; 2) нашрий манбалар. Давлат фондлари ва шахсий кутубхоналарда сақланаётган бу манбаларни ўрганиш Наманган шоирлари биографияси, адабий меросининг қўлами ҳақида қимматли маълумотлар олиш мумкинлиги жиҳатидан аҳамиятлидир.

Наманган адиблари асарларининг қўлёзма манбалари девон, тазкира ва баёзлар, нашрий манбалар эса ўша давр матбуоти материаллари ва тошбосма китоблардан иборат бўлиб, уларда мазкур адабий ҳаракатчилик намояндаларининг ханузгача илм аҳлига маълум бўлмай келаётган турли жанрларга оид айрим асарлари мавжуд.

Нодим, Хилватий, Ибрат ва Суфизода таваллуд саналари турли манбаларда турфа хил берилган. Манбаларни қиёсий ўрганиш асосида мазкур ижодкорларнинг таваллуд саналари бўйича илмий асосли фикрларга муносабат билдирилди, уларга ойдинлик киритилди.

Адабиётшуносликда Ҳайрат Тўрақўргоний шеърларини жамлаган бир қўлёзма борлиги маълум эди. Шоир асарларининг Аҳмад Убайдулло шахсий кутубхонасида сақланаётган янги бир қўлёзмаси бўйича келтирилган таснифлар ижодкор адабий мероси ҳақидаги мавжуд маълумотларни тўлдириши жиҳатидан қимматлидир.

¹³⁷ Каримов И. А. Юксак маънавият – сиғилимас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 31.

Мустақилликкача Наманган адабий ҳаракатчилиги намояндалари ижодий мероси бўйича бир қанча тадқиқотлар яратилган бўлишига қарамай, уларнинг диний-маърифий мавзудаги асарлари деярли ўрганилган эмас. Ҳолбуки, Нодим, Ҳайрат, Ибрат сингари шоирларнинг диний мавзудаги ғазаллари, Хилватийнинг “Мавлуди шариф”, “Қасидаи илм”, “Сайрул жибол”, “Чароғи мактаб” каби асарлари теран моҳияти ва юксак бадиияти билан адабиётимиз тарихини бойитади.

II БОБ. XX АСР БОШЛАРИ НАМАНГАН АДАБИЙ ХАРАКАТЧИЛИГИ НАМОЯНДАЛАРИ МЕРОСИНИНГ МАВЗУ КЎЛАМИ ВА ЖАНР ХУСУСИЯТЛАРИ

2.1. Ижодкорлар асарларининг мавзуй таснифи

XX аср бошлари Наманган адабий ҳаракатчилиги намояндалари Нодим (1844-1910), Ҳайрат (1845-1915), Хилватий (1858-1921), Ибрат (1862-1937), Сўфизода (1869-1937), Доғий (1878-1966), Сухайлий (1898-1961) каби шоирлар мураккаб ва зиддиятли даврда яшаб ижод қилди. Туркистоннинг бу давр адабиёти ва ижтимоий-сиёсий ҳаёти бўйича яратилган тадқиқотлар ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди¹³⁸. Бу давр адабиётининг хос хусусиятларига академик Н.Каримов мана бундай баҳо беради: “XX аср – инсоният тарихидаги энг улуғ асрлардан бири. Бу асрда қанчалик кўп қон тўкилган, қанчалик ноҳақликлар ва адолатсизликлар рўй берган бўлмасин, инсоният худди шу асрда келажак сари қатта қадам ташлади. Бу асрда содир бўлган барча воқеалар инсоният тарихининг ажралмас таркиби. Уларнинг бизларга мақбул бўлмаган қисmlарини ёддан чиқаришга, тарихдан ўчиришга уриниш бемаъниликдир. XX аср ўзбек адабиёти халқ ва жамият ҳаёти билан мустаҳкам алоқа ўрнатди. Бундай алоқа адабиётимизнинг аввалги босқичларида бўлмаган”¹³⁹. Мустабид тузум шароитида ўқув тизимини ислоҳ этиш, янги усул мактабларини очиш, жаҳид матбуоти, янги давр адабиётини яратиш каби вазифаларга бел боғлаган Ибрат, Сўфизода каби маърифатпарвар шоирлар ижтимоий-сиёсий жараёнда содир бўлаётган ҳар бир янгиликни қаламга олди.

XX аср бошлари Наманган адабий ҳаракатчилиги намояндалари халқ онгини миллатпарварлик руҳида шаклланиши ва ривожланиши, маориф ва маданиятни юксалиши учун сермахсул

¹³⁸ Қаранг: Болтабоев Ҳ. XX аср бошлари ўзбек адабиётишунослиги ва Фитратнинг илмий мероси: Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 1996. – 344 б; Минаваров С. XIX аср охири XX аср бошларида ўзбек маърифатпарварларининг ижтимоий-фалсафий, сиёсий қарашларида ҳурфикрлик гуялари: Фалсафа фан. номз. ... дисс. Тошкент, 1997. – 152 б; Нурутатлло Атоулло ўғли Жумахужа. Миллий мустақиллик мафқураси ва адабий мерос (XVII-XIX асрлар ўзбек шеърини асосида): Фил. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 1999. – 300 б; Чориев З.У. XX аср бошида Туркистон ўлкасида мустамақкачилик сиёсати ва миллий зулмининг кучайиши ҳамда унинг оқибатлари (Мардикорликка сафарбарлик мисолида): Тарих фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 1999. – 274 б; Қозоқов Т.К. XX аср бошларида Фарғона vodiёсидаги ижтимоий-сиёсий аҳвол ва жаҳидчилик ҳаракати: Тарих фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2001. – 172 б; Ражабова Д.Н. Туркистон жаҳидларининг қарашларида ёшлар ва хотин-қизлар масалалари. Тарих. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2003. – 168 б.

¹³⁹ Каримов Н. XX аср менинг тақдиримда // Жаҳон адабиёти. – Тошкент, 2001, январь. – Б.24.

ижод қилишган. Илмий, бадий ва тарихий асарлари орқали ёшларимизни она-Ватанга садоқатли, илм-маърифатли ва ижтимоий ҳаётда фаол бўлишга чақиритган. Улар асарларини мавзу жиҳатдан қуйидаги тасниф асосида ўрганиш мумкин: 1) ишқий; 2) ахлоқий-таълимий; 3) ижтимоий-сиёсий; 4) ҳажвий.

Ўрганилаётган шоирлар ижодида ишқий мавзудаги шеърлар салмоғи кўплиги кузатилади. Ўз ижодини ишқий газал ёзишдан бошлаган Наманган адабий ҳаракатчилиги намояндалари мумтоз адабиёт вакиллари каби маъшуқа васлига эришмоқни ният қилишади. Аммо гўзалликда тенгсиз маъшуқанинг зулмкорлиги, бевафолиги, ҳижрон ва ишқ азоби уларга ҳам озор беради.

Нодимнинг ишқий мавзудаги шеърлари ижтимоий-сиёсий мавзуга оид ижод намуналаридан бадий жиҳати етуқлиги билан ажралиб туради. Унинг шеърларида маъшуқанинг *юзи, сочи, қадди ниҳоли, холи, қоши* таърифи қайта-қайта такрорланади. Аммо улардаги анъанавий ташбиҳ қутилмаган янги тасаввурлар билан бойиб боради. Масалан, “Устиндадур” радибли газалида ушбу гўзаллик тараннум этилган:

*Қошларинг рухсоринг узра, эй нигори нозанин,
Ул ҳилоли гўйиё меҳри жаҳон устиндадур?*¹⁴⁰

Шоир байтда маъшуқанинг *қошини ҳилолга, юзини қуёшга* менгзаб, *ташбиҳ* санъати воситасида фикрини гўзал бадий шаклда ифодалаган. Унинг санъаткорлик даражасини қуйидаги тасвирлар мисолида ҳам билиш мумкин:

*Ул шафақ эрмас, кўзум қон ёши шони фурқатинг,
Мавжлар айлаб етибдур чарх домонигача.*

*Анжум эрмасдур, бу оҳимни шарори бу кеча,
Равшан айлар олами то кўкни кайвонигача (41-бет).*

Шоир ошиқ аҳволи руҳиясини ифодалашда *ташбиҳ* (шафақ ошиқ кўзининг қон ёшига, юлдузларнинг ошиқ оҳидан чиққан учкунларга ўхшатилиши), *истиора* (шони фурқат, чарх домони), *муболага* (кўзнинг қонли ёши чарх этагига етиши) сингари бадий санъатлардан маҳорат билан фойдаланган.

Ҳайрат ўз лирик мероси ҳақидаги изҳорини қуйидагича ифодалайди:

Эшитган, ўқугонга Ҳайратийдин армуғондур бу,

¹⁴⁰ Нодим. Танланган шеърлар. – Тошкент: Ўзлабвийнашр, 1964. – Б. 51. Изох: Шоирнинг навбатдаги шеърларида ушбу манбанинг саҳифаси кўрсатилади.

Дилидин, рози ифшодин баён ҳам тарҷимондур бу.

*Ёзилган сафҳаи кўнглумга илҳоми илоҳийдин,
Ки бир нозик адо дилдор васфидин нишондур бу!¹⁴¹*

Шоирнинг ишқ мавзусидаги назмида мажозий ишқнинг ҳақиқий ишққа ўсиш тадрижи кузатилса, айрим ғазалларида эса маъшуқа васлига етган ошиқхолати ҳақида сўз боради:

*Шукрим, бўлди муяссар васли жонон бу кеча,
Ғунчаи матлаб очилмоқ бирла хандон бу кеча.*

*Шишаи дил санги кулфатдин эди доим шикаст,
Мумиёи марҳаматдин топди имкон бу кеча.*

*Дер эдим, бўлмас магар ул дилрабо васли насиб,
Лутфи Ҳақ ёри бўлиб бу мушкул осон бу кеча (409-бет).*

Хилватий шеърлятида мажозий ишқ, илоҳий ишқ, баъзан ҳар иккиси уйғун куйланган. Жумладан, “Беҳиштинг гулшанин сайрина бормасман бу гулшандин” мисраси билан бошланувчи ғазалида маъшуқа рухсорини кўриш орзусида жаннат гулшани сайридан ҳам воз кечишга тайёрлиги, ёр васлига эришмоқ учун ҳатто барча нарсадан юз ўтиргани талқини буни тасдиқлайди:

*Беҳиштинг гулшанин сайрина бормасман бу гулшандин,
Мақобил қилмағил жаннатни гулзорин бу гулзора.*

*Ўғурдум барчадин юзни сани деб, эй малаксиймо,
Талаттуф бирла сен ҳам солма кўзни суйи ағера!¹⁴²*

Шоирнинг ушбу фикрлари машҳур сўфий аёл Робиа Адавиянинг (714-801) куйидаги муножотини эслатади: “Эй Парвардигорим, эй Ёри азиз, агар жаннатинг тамаида тоат қиладиган бўлсам, жаннатингдан бенасиб эт, агар дўзахингдан кўриб ибодат қиладиган бўлсам, мени дўзах ўтида куйдир – минг-минг розиман! Аммо агар Сенинг жамолингни деб тунларни бедор ўтказар эканман, ёлвораман, мени жамолингдан маҳрум этма!¹⁴³ Хилватий талқинидаги *ошиқ* Аллоҳ жамолига эришиш учун барча нарсадан, яъни тоат ибодатлари учун ваъда қилинаётган жаннат

¹⁴¹ Асрлар индоси. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1982. – Б. 432. Изох: Шоирнинг навбатдаги шеърларида ушбу маъбанинг саҳифаси кўрсатилади.

¹⁴² Хилватий. Девон. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 54. Изох: Шоирнинг навбатдаги шеърларида ушбу маъбанинг саҳифаси кўрсатилади.

¹⁴³ Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Moʻtadoinnahr, 2009. – Б. 10.

гулшанидан воз кечади, шу ўринда у маъшуқадан агёр томон кўз солмасликни ҳам сўрайди. Кўнглидаги ишқ юқори даражада эканини изоҳлаган шоир бир байтнинг ўзида *таносуб* санъатидан ўринли фойдаланиб, ўзига хос тасвир яратади. Шоир мумтоз адабиёт анъаналарини давом эттириб, кўплаб ғазал ва мухаммасларини худди шу руҳда ёзган.

Ибрат айрим ғазалларида ҳаётий ишқ воситасида илоҳий гўзалликни ҳам тараннум этган. Куйидаги байтларда шоир маъшуқа гўзаллигини таърифлар экан, *истиора* санъати воситасида унинг *қомати*, *лаби*, *юзи* ва *кўзини* тасвирлаб, *кўзи ўз юзидан* таралган *нури* туфайли *мунаввар* эканини айтади:

*Эй нихоли қомати сарви санавбардин ўтар,
Лабларин қирмизлиги шаҳду шаккардин ўтар.*

*Юзлари кўз нурини айлар мунаввар ҳар замон,
Кўзлари шуъласи обдори гавҳардин ўтар*¹⁴⁴.

Маъшуқа жамолини байтларда изчил таърифлаган шоир анъанавий *ташбиҳлардан* фойдаланиб, поэтик мазмунга ўзгача руҳ бағишлайди:

*Эй бути пари талъат, чекти қаддинга охир,
Доми зулфи зуннорин мурғи жону иймонлар.*

*Очилимбу наргислар сабзалар оросида,
Икки даври мужгонинг ичра чашми фаттонлар*¹⁴⁵.

Шоир *нидо* (пари талъат), *ташбиҳ*, *лаф ва нашр* (наргис – чашми фаттон, сабзалар – мужгон), *таносуб* (бут, зулфи зуннор), *тажҳоули ориф* (очилимбу наргислар) каби санъатлар воситасида ўзига хос бадий тафаккурини намоён этади.

Ижоди давомида маърифатга ошно қалб изтиробини куйлаган Сўфизоданинг ишқий мазмундаги лирикаси, асосан, *ифода талқинининг реаллиги*, *миллий руҳдаги тасвир устунлиги* билан ажралиб туради. Шоир *самимий муҳаббат* изҳорини гўзал *ташбиҳларда* намоён этади. Масалан, “Ўпай” радифли ғазалида маъшуқа ҳусни жамолини куйидагича таърифлайди:

*Тишларинг дурдонаси янглиз такаллум чоғида,
Ҳар замон лаъли лабинг маржон мисолидан ўпай.*

¹⁴⁴ Ибрат Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 2005. – Б. 49. Изох: Шоирнинг навбатдаги шеърларида ушбу манбанинг саҳифаси кўрсатилади.

¹⁴⁵ Долямов У. Исҳоқхон Ибрат. – Тошкент: Шарқ, 1994. – Б. 121.

*Сурмасо гипноси кучлик кўзга ёндошмак маҳол,
Ўсма оғушида беркинган ҳилолингдин ўнай*¹⁴⁶.

Шоир *ташбиҳ* (лаб – лаъл, тиш – дуру маржон), *ташхис* (Ўсма оғушида беркинган), *истиора* (хилол) каби санъатлар воситаси билан маъшуканинг *лаъли лаби*, *дуру маржон тиши*, *Ўсмали қоши* ҳамда *Ўзига ром этувчи сурмали кўзини таърифлашда таносуб* санъатидан ўринли фойдаланган.

Догий ижодида анъанавий тимсоллар, яъни *гул – ёр*, *булбул – ошиқ*, *наргис – кўз*, *лаъл – лаб*, *хам – қомат* кабилар воситасида қалб кечинмаларини ифодалаш етакчилиқ қилади. Қуйидаги “Ичра” радифли ғазалида маъшуқа жамолини кўриш орзусидаги ошиқ ўзини гул ишқида нола чекаётган булбулга қиёслайди:

*Маҳвашо, қадам қўйгил кеча бу макон ичра,
Айлайин баён арзим, қолмасун даҳон ичра.*

*Гул юзинг кўруб мисли андалиб юрак қондур,
Нолау наво бирла масканим тикон ичра*¹⁴⁷.

Шоир ҳис-туйғуларини ифодалашда “гул”, “андалиб”, “нолау наво”, “тикон” каби бир-бирига мутаносиб сўзлар воситасида *таносуб* санъатидан унумли фойдаланган. Байтда гулга ошиқ булбулдек тиконлар ичра маъшуқа хаёли билан заҳмат чекаётган шоир ишқ ўтида *юрак-бағри қон* эканини *муболага* этади.

Суҳайлий ишқий шеърларида маъшуқа гўзаллигини тараннум этар экан, ҳайратини яшира олмай, *Ўзига хос бадий идрок* ва ифода усули билан унинг *жамоли*, *кўзи*, *узун сочини* қуйидагича тасвирлайди:

*Бир қаранг ойинага: дилдор ила ёр ўйнашур,
Йўққи, ёр ойина кўргач, акси дийдор ўйнашур.*

*Парда-парда савти жонбахшин навосоз айлагаҳ,
Танбури “Ушшоқ” ила, илги била тор ўйнашур.*

*Қон ичарга икки қотил кўзлари хуммору маст,
Ишқ элин май базмида маст ила хуммор ўйнашур.*

¹⁴⁶ Орифий Х. Муҳаммадшариф Суфизода. – Наманган: Наманган, 2007. – Б. 74.

¹⁴⁷ Догий Дилим изҳор айлайин дерман. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2006. – Б. 50. Илоҳ: Шоирнинг навбатдаги шеърларида ушбу манбанинг саҳифаси кўрсатилади.

*Гоҳи белга чирмашиб, гоҳи оёғини ўлиб,
Офтоби оразида яйрашиб мор ўйнашур¹⁴⁸.*

Байтда маъшуканинг *офтоб* янглиғ юзи, ошиқни ром этган жон олгувчи *икки қотил кўзи*, шон каби тўлганган *узун сочи* ишқ элини маст қилгани *ташбих* (ораз-офтоб), *сифатлаш* (икки қотил кўз), *истиора* (мор, яъни узун соч) каби бадий воситалар орқали ифодаланган.

Сухайлий ижодидаги ошиқ ҳуснда тенгсиз маъшуқа жамолига эришиш умиди билан яшайди ва бу йўлда ҳар қандай тўсиқни енгиб чиқишга ўзида куч топа олади:

*Ўлгунча, аё шўхи мастона сени дерман,
Ишқингда бўлиб элга афсона сени дерман.*

*Кўйингни манам масти майнўши хароботи,
Ҳар дамда узат, соқий, паймона, сени дерман (36).*

Ишқий мавзуда қалам тебратган Наманган адабий ҳаракатчилиги намояналари мумтоз шеърятдаги гоъвий-бадий анъаналарни давом эттириб, ўз ҳис-туйғуларини янгича тафаккур талқинида акс эттирдилар. Ошиқ, маъшуқа, ағёр каби анъанавий тимсоллар билан боглиқ кечинмалар ўзига хос бадий маҳорат билан қаламга олинди. Ишқий мавзудаги айрим ғазалларда висол лаҳзаларидан баҳраманд кўнгил кечинмасини тасвирлаш ижодларида романтик тасвир усулидан чекиниб, реал ҳаётга бир қадар яқинлашиш юз берганини англатади.

Ўрганилаётган шоирлар ижодидаги ахлоқий-таълимий шеърларда Ватан ишқи, миллат ишқи билан ўртанган ошиқ илм-маърифат, ҳақиқат, диёнат, саховат каби эзгу фазилатларни тараннум этади. Уларнинг қалбида ушбу туйғулар оиладаги тарбия, ҳаётий кўникма ва ижодий тажриба орқали ривож топган.

Халқ ҳаётини яқиндан ўрганишии орзу қилган Нодим Марказий Осиё шаҳарлари бўйлаб саёҳат қилади. Бир неча бор Тошкент, Кўкон шаҳарларида бўлади. Унинг ижодига назар ташласак, саёҳат таассуротлари акс этган лирик мероси шоирнинг зиёрат мақсадида кўп юрт кезганини англатади. Шоир саёҳат таассуротларини “Баёни саёҳати Нодим”, “Дар сафари ҳазрати Шохимардон Нодим гуфта”, “Баёни дар сафари Тошканд”, “Баёни воқеоти сафари Бухоро ва Самарқанд” каби асарларида баён этган.

¹⁴⁸ Сухайлий Ёдгорим. – Тошкент: Fikr-Media, 2009. – Б. 36. Изох: Шоирнинг навбатдаги шеърларида ушбу маъбанинг саҳифаси кўрсатилади.

Масалан, 1887-1888 йилларда Туркистоннинг маъмурий маркази Тошкентга боради. Шоирнинг 1889 йилги саёҳати Бухоро-Самарқанд-Тошкент йўналишида давом этган. Саёҳат давомида шоир Тошкентдаги гимназияга бориб, у ердаги таълим усулини ўрганади. Шоир “Саёҳат таассуротлари” шеърида ҳар бир киши хоҳ диний, хоҳ дунёвий билим эгаси бўлсин, у албатта, ўз орзусидаги ҳаётга эришишини таъкидлаб ўтади. Қўқон, Самарқанд, Тошкент шаҳарларига қилган саёҳат таассуротлари ҳақидаги ушбу шеърида гимназиядаги ўқитиш усулини ёқлаб шундай дейди:

*Неча юз стол қўйилган турфа ҳар бир қаср аро,
Ҳар бири нақшу нигори, чини зарринкордур.*

*Неча минг таълим аҳлидин кириб ҳар хонада,
Ишлари дарсу сабақ, илму адаб такрордур.*

Бўйла ҳикматхона гимназияни кўргач, дедим:

– Офарин, минг офарин, бу илм бир асрордур! (84-бет).

Ҳайратнинг ахлоқий-таълимий шеърларида инсон ва табиатга меҳр, вафо ва оқибат талқини етакчилик қилади. Жумладан, шоир мана бу газалида инсонларни ўзаро аҳил бўлишга чорлайди:

Бир-бирин деган киши пайванди жон бўлмоқ керак,

Талх сўзини қўйиб, ширинзабон бўлмоқ керак.

Дўсту душман ўртасида фарқи шулдур, эй кўнгул,

Лутфу шафқат бирла доим меҳрибон бўлмоқ керак (419-бет).

“Талх сўз” ва “ширинзабон” сўзлари ҳосил қилган тазод байт мазмунининг таъсир кучини ошириши баробарида “бўлмоқ керак” радифи ва “жон” – “ширинзабон” сўзлари ҳосил қилган қофия билан биргаликда байтдаги поэтик мукамалликни таъминлаган. Шоирнинг ушбу мавзудаги ижоди рубоийларида ҳам давом этади. Уларда шоир Яратгандан дард аҳлига ҳамроҳ ва ёмон кимсалардан йироқ бўлишни сўрайди:

Ёраб, аҳли дард ила ҳамроз қил,

Мунису ҳамсуҳбату дамсоз қил.

Қилма ҳар ножинс ила ҳамдам мани,

Улфати аҳли салоҳи соз қил (432-бет).

Хилватийнинг ахлоқий-таълимий характердаги шеърлари унга замондош шоирларнинг шу мазмундаги ижод намуналарига nisбатан салмоқли ўрин эгаллайди. Шоирнинг “Чиқиб” радифли саргузашт шеъри ахлоқий-таълимий мазмунда бўлиб, биографик

характерда экани билан алоҳида ажралиб туради. Дастлабки таълимни қишлоқдаги Мулла Азим қозидан олган шоир Намангандаги “Азизхўжа эшон” мадрасасида 15 йил Баҳодирхон эшон, Мулло Муҳаммад Зокир Махдуми Шоший, ҳазрати Иноятхон домла Лангарий, Мулла Охундшоҳ, Мулла Эшонжон домла, Абдуллоҳхон эшон каби мударрислар кўлида илм ўрганadi. Бу каби биографик маълумотлар шоир диний имларни қай даражада ўргана олгани ҳақидаги тасаввуримизни бойитади. Ушбу саргузашт шеър насрий усулдаги хотиралар ва 150 бандли мухаммаснинг аралаш ҳолда берилиши билан халқ дostonларига хос баён усулини эслатади. Хилватий таржимаи ҳолини ёритишда муҳим манба саналган бу асарда унинг устозлари, дўстлари ҳақидаги маълумотлар ҳам учрайди¹⁴⁹. Хилватий мадрасада дастлаб, Баҳодирхон эшондан, у вафот этгач, Мулло Муҳаммад Зокир Махдумдан илм ўрганadi. У Хилватийга ўзидаги бор илмни ўргатгач, ўқишни давом эттиришни маслаҳат беради ва уни ҳазрат Иноятхон Лангарий кўлига топширади. Шогирдликка қабул қилиш асносида бу улуг мударрис уни бир неча саволлар билан синаб кўради. Бу жараёни шоир шундай таърифлайди:

*Farq' ulub hijlat teriga qaddin oshdi hayratim,
Domi hayratga giriftor uldi murgi fikratim,
Jomiyga qilgan muhammas bor edi bir san'atim,
Matla'in qilдим qay birla nisori suxbatim,
Sharmdin andogki buldi ketgudek jonlar chiqib (389-бет).*

Бу байтлар мазмунидан билиш мумкинки, Хилватий мадрасада таҳсил олиб юрган чоғларида ўзбек ва форс-тожик мумтоз адабиёти намояндалари ижодидан баҳраманд бўлган ва уларга эргашиб назиралар, тахмислар ёзган. Хилватий Лангарий домла билан учрашувдаги суҳбатда Жомий газалига ёзган бир мухаммаси матлаъсини ўқиб бериб, ўз истеъдодини намойиш этади. Ўз навбатида, бу улуг мударрис мадрасада ўтказиладиган шеър баҳсларида Хилватийнинг санъаткорлик маҳоратига кўп бор мақтов айтган. Шоирнинг яширин истеъдоди намоен бўлгач, унга “Хилватий” тахаллусида ижод қилишни ҳам шу муҳтарам устоз тавсия қилган эди:

*Boshladim "Shamsiy" din darsu chiqib bulдим ravon,
Sungra izhor aylamiшlar hizmatiga hoziron:
"Хилватий" дерлар муни таъбидадур махзан ниҳон,*

¹⁴⁹ Хилватий. Девон. – Тошкент: Фаи, 2001. – Б. 384-410.

*Ошкор айлар дури пинҳонини баъзи замон,
Куринур гоҳи варақларда ёзилгонлар чиқиб (389-бет).*

Шоир бу воқеага қадар “Жийдакафагий”, “Намангоний” тахаллусларида ижод қилганини Тошкентдаги дўстларига ёзган форсча мактубидаги қайдлар ҳам тасдиқлайди¹⁵⁰. “Хилват” сўзининг маъносини яхши англаган шоирга бу таклиф маъқул келиб, шу тахаллусни қўллай бошлайди. Шоир узлатга чекиниб ижод қилмаган, фақат у камтарлиги сабаб истеъдодини, ўзидаги шоирлик маҳоратини кўз-кўз қилишдан сақланган.

“Хилват” сўзи “ёлғизлик”, “танҳо бўлмоқ”, “маълум фурсат одамлардан узоқлашиш” каби маъно англатади. Хилватга чекинган дарвеш (моддий борликдан, нафси шум орзуларидан қўл силтаб, дунё неъматларини тарк қилиб, Ҳақиқат йўлига кирган киши. Дарвеш – умрини ишқ ва риёзатга бағишлаган тариқат йўлчиси, чин ошиқ) қирқ кун мобайнида оз овқатланиб, оз ухлаб, давомли ибодат орқали чилла тутиши керак бўлган. Бу – нафсни енгиб, кўнгилни поклаш “тажриба”сидир¹⁵¹. Дарвеш атамасини изоҳлаган И.Ҳаққулов ўз тадқиқотида унга қуйидагича таъриф беради: “Дарвешлик – кўнгил йўлчилиги. Дарвешлар шу йўлдан оғишмай юрвчи Ҳақ элчилари. Ўтмиш учун “улиб”, келажак учун доимо қайта “туғилиш”га кодир кишилардир. Улар дунёнинг ботиний моҳиятини мукамал билиш, Ҳақ ва ҳақиқатни ички томондан теран идрок эта олишлари билан ибрат кўрсатганлар”¹⁵². Бу захмат тасаввуфнинг Хилватия тариқатига хос, аммо Хилватий Нақшбандиянинг “Хилват дар анжуман” тамойилига амал этган, яъни зоҳиран халқ билан, ботинан Ҳақ билан бирга бўлган:

*Агарчи бир-ики кун зоҳиран Сандин жудо бўлдим,
Ва лекин ботинан ҳаргиз дилим Сандин жудо бўлмас
(127-бет).*

Шоир ғазалларида табиатга, борликка ва жамиятга бўлган муносабатини акс эттириб, инсонларни ҳалол ва саховатли бўлишга ундайди. Жумладан, “Ҳаёт” радибли газалида умрнинг ганиматлиги ва ҳаётнинг гўзаллиги тараннум этилади. Шоир бу дунё кўз очиб юмгунча ўтиб кетиши, шу оз фурсат ичида қўл хайрли ишлар бажариш ва бугунги ишни эртага қўймаслик ҳақида уқтиради:

¹⁵⁰ Қаранг: Хилватий. Девон I, 209^б.

¹⁵¹ Қаранг: Аҳмад Ясавий ҳикматлари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991. – Б. 251.

¹⁵² Қаранг: Ҳаққулов И.Ч. Ўзбек тасаввуф шеърлигининг шаклланиши ва тараққиёти: Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 1995. – Б. 213.

Эй фано, сармоя роҳат қилгудек фурсат қани?

Кўз очиб юмгунча ҳам чун барқи барҳамдур ҳаёт (130-бет).

Теран фалсафий мазмунни гўзал бадий шаклда ифодалаш – шоир ижодининг хос хусусияти. Кейинги байтда инсон ҳаётининг моҳияти ҳақидаги фикрлар талмеҳ санъати воситасида таъсирчан ифодалангани бунинг исботидир:

Аҳли оламдин ниҳон сўрсанг тириклик даврини,

Хизр умридек муаббад бўлса ҳам камдур ҳаёт.

Сихҳати тан бўлмаса, мулки Сикандардин на суд,

Офиятманди гадога давлати Жамдур ҳаёт (131-бет).

Давлати Жамшид, Искандар мулки, Хизр умрига ишора этган шоир одамзод умри нечоғлик узун бўлса ҳам, хайрли ишлар бажариш учун фурсат етмаслиги; соғлиқни кадрлаш лозимлиги, агар тансиҳатлик бўлмаса, Искандар муллича бойлик ҳам фойдасиз экани ҳақидаги ҳаёт фалсафаси шеърнинг дидактик моҳиятини ташкил этади. Бироқ Хилватий шеърларидаги дидактика шунчаки таъсирсиз ўғит тарзида эмас, бадий санъатлар билан зийнатланган фалсафий фикрларнинг оҳорли талқини тарзида берилади. Офиятманд киши учун ҳаёт, гарчи у гадо бўлса ҳам, Жамшид бойлигидан афзал экани ҳақидаги образли тасвир ҳам бунинг исботидир.

Шоир теран мазмунни таъсирчан ва санъаткорона ифодалашда *ирсоли масал* санъатидан ҳам маҳорат билан фойдаланган. “Бугунги ишни эртага қўйма” мақолининг Хилватийга хос бадий талқини бу фикрни тасдиқлайди.

Тобакай таърифи кори хайр, эй гафлатсиришт,

Эртага қўйма бу кунни, эрта мубҳамдир ҳаёт.... (131-бет).

“Таърифи кори хайр”, яъни қилган арзимаган яхшиликлари билан мактаниб, бугунини бой бериш, шоир таърифича, инсоннинг гафлатда қолгани нишонасидир. Ижодкор талқинига кўра, *эрта* – *мубҳам*. Яъни эрта қандай бўлиши одамзодга боғлиқ эмас. Модомики шундай экан, бугунги ҳар лаҳзани ғанимат билиш, ўтаётган ҳар онни кадрлаш зарур.

Шоирнинг “*ҳаёт*”, “*илм учун*”, “*кўнгул*”, “*этиб кет*”, “*дилим*”, “*этмаган яхши*”, “*керак бўлса*” каби радифли газаллари ахлокий-таълимий мавзуда битилган бўлиб, санъаткорлик маҳоратини, илм-маърифатни улуғлаш ҳақидаги қарашларини акс эттиради:

*Ур ўзинг илм элига учраса мардона дилим,
Бу сифатким урадур шамъга парвона, дилим.*

*Жуҳалоларга яқин юрма-ю улфат бўлмагил,
Назаринг солма дари кулбаи нодона, дилим (97-бет).*

Илм элини шамга, толиби илмни эса парвонага ўхшатган шоир ўз дилига мурожаат этиб, ёшларни илм ўрганишга чақирмоқда. Парвона шамга ўзини уриши ҳақидаги манзарани мисол қилиб келтирган шоир фикрини *тамсил* санъати орқали зийнатлайди. Шоир яна бир ғазалида илм олиб, дунёда иззату икромга, охиратда шарофатга етишмоқ мумкинлиги, нодонлар билан эса кўнгил боғламаслик зарурлигини қуйидагича ифодалайди:

*Чумилгил баҳри илм ичра, губори жаҳлдин пок бўл,
Шарофат охиратда, дунёда иззат керак бўлса (56-бет).*

Нафсни жиловлаш ҳақидаги мана бу мисраларда қаноат риштасини белга маҳкам боғлаш лозимлиги таъкидланмоқда:

*Ҳамиша боғлагил санги қаноат риштасин белга,
Ва гарна қилгуси нафси эшикларда гадо кам-кам.*

*Фурури нафс ўлиб, нафсинг муродин истасанг доим,
Бўлур мунгуг бошинг узра ажойиб можаро кам-кам (91-бет).*

Ёки:

Ишонма давлату жоҳингга, кетгай оз фурсатда,

Ўтиб байрам туни, қўлдин кетар ранги хино кам-кам (92-бет).

Шоир бойликка ҳирс қўймаслик ҳақида сўзлаб, *ташбиҳ* санъати воситасида давлатни байрам куни қўлга қўйилган хинага ўхшатмоқда. Ўз фикрини аниқроқ исботлаш учун ҳаётий мисол келтирган шоир *тамсил* санъати орқали байрам куни қўлга қўйилган хина секин-аста қўлдан ўчиб борганидек, бойлик ҳам бора-бора камайиши ҳақида айтади.

Тавозе ҳақида фикр билдирган шоир инсонларни одоб билан иш юритишга ундайди:

Тавозепеша қилгил моҳи навдек э баланд ахтар,

Сипеҳри манзилатда моҳдек рафъат керак бўлса (56-бет).

“Энг ёруғ юлдуз бўлсанг ҳам, худди янги чиққан ой каби тавозе қил, чунки тавозепешалик туфайли ой осмону фалақдан жой олган. Сен ҳам ойдек ҳурматга, кўринишига эга бўлай десанг,

камтар ва тавозепеша бўлгин”, – дея уқтираётган шоир назарида янги чиққан ой-тавозепешалик рамзи. Байтда шоир ҳаётий мисоллар воситасида *ҳусни таълил*, *тамсил* санъатларидан моҳирона фойдаланиб, инсонларни камтар бўлишга ундамоқда. Зеро, Аҳмад Югнакий ҳам “Ҳибат ул-ҳақойиқ” асарида: “тавозе-мўминликнинг нишони”, – дея таъкидлаб ўтади¹⁵³. Инсонлар орасидаги ўзаро келишмовчиликлар, асосан, ваъдага вафо қилмаслик оқибатида юзага келишини англаган Хилватий одамларни бир сўзли бўлишга чақиради:

*На сўз ким, чиқди оғзингдин ани ижодига саъй эт,
Агар келмас қўлингдин, аввал изҳор этмаган яхши (82-бет).*

Ҳимматли инсон гарчи камбағал бўлса ҳам, энг бой инсон хисобланиши; ҳимматсиз кимсалар эса баланд дарвоза, айвон қурса ҳам, халқ назарида энг қашшоқ инсон бўлиб кўриниши ҳақида Хилватий шундай дейди:

*Чу қасри ҳимматинг настдур дару девору айвони,
Баланд дарвозаю, айвону девор этмаган яхши.*

*На ким қисматда бўлди, Хилватий, бўлмас зиёду кам,
Кили рузи талаб айлаб, ўзини хор этмаган яхши (83-бет).*

Шоир аждодлар руҳини шод айлаш лозимлиги, азизу авлиёлар руҳи бизни қўллаши, ёшларни устозлар хизматига доимо тайёр туриши зарурлигини уқтиради :

*Сабоҳу шом ўтган яхшилар руҳини шод айла,
Мадад қилгай санга ўтган азизу авлиё кам-кам (91-бет).*

Умуман, шоир шеърятини ёшларни илм-маърифатли бўлишга, ҳаётни, Ватанни севишга чорлайди. Хилватий ижодида сабр-қаноат ва одоб инсон зийнати экани алоҳида таъкидланган. Унинг шеърятини инсонларни сабр-қаноатли, меҳр-муҳаббатли, имон-этикодли бўлишга ундайди.

Ибратнинг бой адабий мероси унга замондош шоир ва адибларга нисбатан мавзу кўлами кенглиги ва сермаҳсуллиги билан ажралиб туради. Шунингдек, Ибрат “Тарихи маданият” асарида кейинги 20 йил ичида 14 та адабий, илмий, тарихий, лингвистик асарлар ва 30 йиллик назмий ижодининг мажмуи бўлмиш “Девони Ибрат” шеърлар тўплами, жами ўн бешта асар яратгани ҳақида маълумот ёзиб қолдирган¹⁵⁴. Унинг “Тарихи хуррият”,

¹⁵³ Бу ҳақда қarang: Раҳмонов Н. Ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: Sano-standart, 2017. – Б. 207.

¹⁵⁴ Ибрат И. Тарихи маданият. УзР ФА ШИ. Қўлёзма. Инв. № 10117. – Б. 139.

“Қурбошилар замони”, “Девони Ибрат”, “Тазкираи сувайдо”, “Таржимаи ҳолим” ва “Сайрул жибол” каби асарлари 1937 йил қатағонида НКВД ходимлари томонидан олиб кетилган. Бу китобларнинг тақдири ҳалигача номаълум. Ибрат ижодий меросини мавзу жиҳатидан қуйидаги туркумларга ажратиш мумкин:

1. Адабий-маърифий асарлар: “Илми Ибрат”, “Девони Ибрат”, “Тазкираи Сувайдо”, “Сайрул жибол”, “Манзумаи Ибрат”, “Мухрадот”, “Мажмуаи ашъор”, “Гулшани роз”, “Мушкулот ул-фаройиб”, “Музабзаб”, “Барзаҳ”.

2. Илмий асарлар: “Луғати ситтати алсина”, “Санъати Ибрат, қалами Мирражаб Бандий”, “Жомеъ ул-хутут”.

3. Диний-маърифий асар: “Фикҳи Кайдоний назми”.

4. Тарихий асарлар: “Тарихи Фарғона”, “Туркистонда турли машаққатлар”, “Тарихи хуррият”, “Қурбошилар замони”.

5. Ижтимоий-маърифий асарлар: “Мезон уз-замон”, “Тарихи маданият” ҳамда Ибратнинг XX аср бошларида жади́дчилик ғояларини акс эттирувчи матбуотда эълон қилган ижтимоий-сиёсий мазмундаги мақолалари.

Шоир умри давомида қишлоқларда ҳам илм-маърифат ўчоқларини бунёд қилиш ва кўпроқ китоб нашр этиб, ёшларимизнинг ақл-заковатини юксалтириш ҳақида қайғурди. У ўзининг “Тарихи маданият” асарида фанга оид китоблар камлиги, барча хурофотлар илмсизлик оқибатида пайдо бўлаётгани ҳақида куюниб, шундай дейди: “Бизни Фарғонадаги хурофотларни кўблигига қараганда, ҳар йили уч-тўрт адад фанга оид китоб бостириб тарқатиш лозим. Ваҳолангки, бир дона ҳам йўқ. Лоақал, бирор дона журнал, рисолача, газет ҳафталик мактаб учун даркор эди”¹⁵⁵.

Ибрат ижодида ахлоқий фазилатлар қаламга олинган байтлар кўплаб учрайди. Унинг “Эй кўнгил...” деб бошланувчи тўққиз байтли газалининг ҳар бир байтидаҳикматомуз насихатлар келтирилган. Масалан, қуйидаги байтда маломатга қолишдан, қилган жиноятдан уялишдан аввал кўзни очиб, тўғри йўлни кўриш лозимлиги таъкидланган:

Эй кўнгил, маломатдин оч кўзинг ҳилол ичра,

Жон лабимга еткурмуш журми инфиол ичра (47-бет).

Шоир ушбу байтда Машрабнинг “бир кўнгилни вайрон қилиш юзлаб каъбани бузиш билан баробар” каби фикрига ҳамоҳанг

¹⁵⁵ Қеранг: Ибрат И. Тарихи маданият. 1926. – Б. 188. ЎзР ФА ШИ. Иш. № 11616.

тарзда умри заволига етмай туриб, инсонларнинг калбидан жой олиш, уларнинг кўнгил каъбасини тавоф этишга улгуриш кераклигини уктирали:

*Эй чироги див, тавфиқ каъбасина азм этгил,
Умри маҳди юз қўймил парқли заволи ичра (47-бет).*

Асарларида илм-маърифатни улуглаган Суфизода миллатнинг маърифий даражаси юксалиши тарафдори эди. Шоир ижодида маърифатпарварлик устувор аҳамиятга эга. Жадид адабиёти таълимига бағишланган илмий тадқиқотларда ҳам шоирнинг бу йўналишдаги хизмати эътироф этилган¹⁵⁶. Суфизода бировчи кўлда оналар илмли бўлиши зарурлиги масаласига алоҳида диққат қаратади. Шоир талқинича, ерда кўкарган гиёҳ ҳам бағишнинг миллат оналарига қаратган, заминда лола, кўкда ой ҳам ушарга таъбусум улашади, кўмри, булбул ва бедана уларнинг маърифатсизлигидан оҳ тортади. Шу боис оналар ўқиши ҳар вазодан зарур:

*Бир қарансиз ерда кўкарган гиёҳ,
Сизга қилур ҳар бири этиб нигоҳ.
Лола қулиб, тагин қулар ойу моҳ,
Умр азиз, жаро туриб этди, оҳ.
Кўмри билан булбули бедоналар,
Яхши ўқур, сиз ҳам ўқинг, оналар (62-бет).*

Доғийнинг ахлоқий – таълимий қарашлари акс этган “*На ишким келса*” деб бошланувчи қуйидаги газалида сабр-қаноат, хокисорлик, илм-маърифатли бўлиш одамийлик белгиси экани таъкидланади. Ҳаёт тажрибасига эга шоир ўзгаларга яхшилик тилаб яшаш лозимлиги, аксинча, инсон бошига тушган ҳар бир мушкул иш учун ўзи сабабчи бўлиши мумкинлигини айтади:

*На ишким келса, эй тан, бошингга бешак Худодандир,
Дема сен анга: «Бу ишлар менга чуну чародандур».*

*Дема нуқсу камолу хайру шар, суду зиёнингни,
Гумони тўхмат айлаб, илтизоми мосуводандур (26-бет).*

Шоир такаббурлик яхши оқибатларга олиб келмаслиги, хоксор инсон эса азизу мукаррам бўлиши ҳақида шундай дейди:

*Такаббурпеша бўлма, хоксор ўл, хоксор ўлгун,
Азизлик хорликдан, хорлик ужбу ҳаводандур.*

¹⁵⁶ Мирзаева З. XX аср ўзбек адабиётининг Америкада ўрганилиши. Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 2017. – Б. 222.

*Етурма ҳеч кўнгишнинг доманига гарди озоринг,
Мукофотики сенга оқибат жавру жафодандур(26-бет).*

Доғий адабий мероси бугунги миллий мафкурани яратиш, уни халқимиз онгига сингдириш ва шу асосда ўсиб келаётган ёш авлодни комил инсон қилиб тарбиялашда катта илмий-амалий аҳамият касб этади.

Шеърят осмонида порлоқ юлдуз бўлиб, инсоният қалбига ёруглик, гўзаллик олиб кириш ниятида бўлган Суҳайлий оиланинг, туғилиб ўсган Ватаннинг, ёшликнинг қадрига етиш, умрни бефойда ишларга сарф қилмаслик ҳақида сўз юритади:

*Бу гулшан ичра, кўнгиш, зулфи райҳонингдин айрилма,
Ёрутган шоми ҳажринг моҳи тобонингдин айрилма.*

*Баҳор ўлди, табиат боғи гул-гул яшнади, қулди,
Кел, эй булбул, тараннум қил, гулистонингдин айрилма (80-бет).*

Шоир инсонларни оқибатли, ваъдасига вафодор, хайр-эҳсонли бўлиш ва кибр-ҳаво, бахиллик, манманлик каби иллатлардан юз ўгиришга чақиради:

*Бировга, эй биродар, оқибатлиг ошно бўлдинг,
Кечур саҳвини гоҳо аҳду паймонингдин айрилма.*

*Худовандим бу янглиг давлати сенга ато этмиш,
Бахил ўлма, карам қил, хайру эҳсонингдин айрилма (80-бет).*
Инсон ўзлигидан мосуво бўлмаслик учун яқин қадрдонларини доимо қадрлаши лозимлиги, мансаб учун ҳаволаниш эса ёмон оқибатга олиб келишини уқтиради:

*Ҳаво қилма бу жоҳу мансабингга бир кун олғайлар,
Ким эрдинг аввало, ўз қадри инсонингдин айрилма.*

*Ётар бир манфаат сендан, вафосиз ошно кўндур,
Бурунги улфату ёри қадрдонингдан айрилма.*

*Суҳайлий, ҳўб тамошо айладинг зебо шаҳарларни,
Униб-ўсган диёрингдур Намангонингдин айрилма (81-бет).*
Суҳайлий ижодида яхши хулқ ва ширинсуханлик билан кўнгиш олиш, кўнгиш мулкини обод қилиш лозимлиги каби эзгу фазилатлар, чин инсоний туйғулар тараннум этилган:

*Ҳар дили озурда хотир мулкани обод қил,
Айлабон хуш хулқу хуш кирдору хуш гуфторлиғ (29-бет).*

Яратганнинг марҳамати билан инсонлар феъл-атвори ҳамда табиатдаги ҳар бир нарса бир-бирини такрорламаслиги, ўзгачалиги шоирни ҳайратга солади:

*Ҳар бани одамда хулқу феълу атвор ўзгача,
Ақлу идроку тамизу савту гуфтор ўзгача.
Ҳилқату суратда инсон бир-бира монанд эмас,
Қомату шаклу шамойил, рангу рухсор ўзгача (45-бет).*

Шоир табиат ҳақидаги қарашларини давом эттириб, ҳатто ҳар фаслнинг ўз хислати борлиги, наботот оламининг сеҳри, дарахтдаги япроғу мевалар таъми турлича эканидан таъсирланади:

*Ёзу қиш обу ҳавоси бир-бирига ўхшамас,
Мавсуму ҳар фаслда сунъи намудор ўзгача.*

*Ҳар чаманда ҳар қаю гул рангу бўйи ўзгадир,
Ҳар шажар япроғи узра таъми асмор ўзгача (45-бет).*

Сухайлий тарихни ҳам жиддий ўрганган, шу боис унинг кизиқишлари самараси ўлароқ “Бўстон ал-орифийн” асари юзага келган. Бу асарда Бухоро тарихи, Қўқон хонлигининг ташкил топиши, Туркистоннинг Россия томонидан босиб олиниши ҳақидаги қимматли маълумотлар мавжуд¹⁵⁷.

Йигитлик чоғида Қуръон ҳофизи, зўр хаттот, истеъдодли шоир сифатида танилган Сухайлийнинг авлодлар учун қолдирган адабий мероси ёшларни маърифатга, фидойиликка чорлайди, ҳаёт синовларини енга олиш учун сабрли бўлишга ундайди.

XX аср бошлари Наманган адабий ҳаракатчилиги намояндалари ўзларининг ижтимоий-сиёсий мазмунга эга ижод намуналари билан ўзбек миллий уйғониш адабиёти ривожига муносиб ҳисса қўшдилар. Ижтимоий ҳаёт воқелигини қаламга олиш, ҳар бир янгиликка муносабат билдириш Нодим, Ибрат, Сўфизода ижодининг етакчи хусусиятларидан бири бўлган.

Нодимнинг ижтимоий-сиёсий мавзудаги ижод намунасида мустамлакачилар зулмидан изтироб чеккан паришон кўнгул ноласининг дил изҳори қуйидагича баён этилган:

*Фигонким чарх бедоди била кўнглим паришондур,
Балоу дарду гам қасдида зору дийда гирёндур (52-бет).*

¹⁵⁷ Бу ҳақда қarang. Сухайлий. Ёлгория. – Тошкент: Fikr-Media, 2009. – Б. 8.

Шоир таносуб санъатидан ўринли фойдаланиб, “*фигон*”, “*чархи бедод*”, “*паришон кўнгул*”, “*дарду бало*”, “*гам қайди*”, “*зори дийда*” ва “*гирён*” каби бир-бирига мутаносиб тушунча англатадиган сўзлар орқали ўз ҳис-туйғусини ёрита олган.

Ибратнинг “Қалайсизлар?”, “Бўлубтур”, “Ўлурсан”, “Шикояти замона”, “Сийму зардур” каби шеърларида ижтимоий-сиёсий тузум издан чиққани, турли-туман солиқлардан халқнинг норозилиги, нарх-наво ҳаддан зиёд ошиб, қимматчилик туфайли меҳр-оқибат йўқолиб бораётгани қаламга олинади. Шоирнинг лирик мероси жамиятда ҳукм сурган ижтимоий колоқлик ва чиркин вазиятдан кутулиш йўлларини ўргатиши ҳақида қатор тадқиқотларда ҳам айтиб ўтилган¹⁵⁸. Шоир “Бўлубтур” радибли шеърда амри-маъруфга тоқат қилмайдиган, беандиша халойиқ яшаётган замонни ҳаққоний тасвирлайди:

*Эй даҳр эли, билинлар, турфа замон бўлубтур,
Беандиша халойиқ феъли ямон бўлубтур.*

*Олим била фақирда зуҳду амал бўлунмай,
Ёинки амри маъруф гўё нихон бўлубтур¹⁵⁹.*

Сўфизода ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда халқни янгиликдан хабардор этувчи, маданий ҳаёт ривожига муҳим ўрин тутган газетага қуйидагича таъриф беради:

*Яшнатиб дил гунчасин, фасли баҳор айлар газет,
Сув бериб кўнгул богини сабззор айлар газет.*

*Шарқдан Мағрибгача бўлгон ҳаводисни ёзиб,
Не гўзал марғуб хабарлар ошкор айлар газет (74-бет).*

XX аср бошларидаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт ўрганилаётган шоирлар ижодидаги ҳажвий шеърларда ҳам ёритиб берилган. Нодим “Мақсуди аларни сийму зардур”, “Ғалати”, “Шикояти пахта”, “Хит қилди”, “Дар мазаммати замона” каби сатирик ҳамда “Безгак” каби юмористик шеърларида мавжуд ижтимоий тузум иллатларини кескин фош этади. Мунофиқ, риёкор, мутаассиб руҳонийларни ҳажв қилиш билан бирга том маънодаги исломий маърифатни тарғиб этади. Унинг ҳажвий асарлари ўша даврдаги ижтимоий-сиёсий ҳаётни аниқ тасаввур этишда ёрдам беради.

¹⁵⁸ Бу ҳақда қаранг: Тожибосва М. Жадид адиблари ижодида мумтоз адабиёт аъёнлари: Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 2018. – Б. 39.

¹⁵⁹ Ибрат И. Илми Ибрат. – Турақўрғон: Матбааи Исҳоқия. ЎзР ФА ШИ. Изв. № 9987.1909. – Б.11.

Масалан, “Ғалати” радифли йигирма тўққиз бандли ҳажвий мухаммасида Наманган ва унинг атрофидаги қишлоқлар манзараси, айрим табақа вакилларининг табиати, ҳаётий воқеалар қаламга олинган. Бой адабий тажрибага эгашоир Турақўрғон қишлоғини шундай таърифлайди:

*Турақўрғон ери хушнашъа эрур пасту баланд,
Аксари халқи закитаъб, муҳаббат пайванд,
Сой ила мадраси қози халойиққа писанд,
Чарх бўйнига шипи арки солур эрди каманд,
Чугз вайронаси, энди ҳама вайрон галати (17-бет).*

Шоирнинг ҳажвий мавзудаги шеърлари унинг қишлоқ ҳамда шаҳар аҳолисининг яшаш тарзидан тўла хабардор экани, мавжуд ижтимоий ҳаётда юз бераётган воқеаларга лоқайд эмаслигини англатади.

Хилватий лирикасида жамиятдаги салбий ҳолатлар, айрим кишилар хатти-ҳаракати ҳам ҳажв остига олинган. Масалан, шоирнинг “Бу кеча”, “Кенгошамиз”, “Нўноқ шоир ҳақида”, “Дар сифати кафшим”, “Хотун”, “Қозилар”, “Ҳасис”, “Қашшоқ”, “Такаббурлар ҳақида” каби ҳажвий шеърлари инсонларни сергакликка чорлайди, ҳаётда худди шундай кулгили вазиятга тушиб қолмасликка чақиради. Хилватий “Нўноқ шоир ҳақида” ҳажвий шеърида шеър ёзишни билмаган шоирни танқид қилади. Шеърда маъно ва шакл мутаносиб бўлиши, унинг бузилиши шеърни қар ва соқов этиб, ҳиссиз ва таъсирсиз этиши мумкинлигини айтади:

*Айлади изҳори жаҳлу нуқсу хумқу аблаҳи,
Бемаза абёти бирла бир неча дуну дагал.
Шеър бир озода дилбар эди қўп, аблаҳ ани,
Айлади қўзу қулогин қўру қар, бошини кал (457-бет).*

Хилватий ўн етти байтли “Қозилар” ҳажвий ғазалида қозилик сайловида бор ҳунарини ишга солаётган, нафс йўлида ҳаётини издан чиқариб бораётган қозиларни танқид қилади:

*Келди сайлов, бўлдилар зору паришон қозилар,
Ушбу гамдин чок қилдилар гирибон қозилар.*

*Қолдилар бечоралар равнақларидин айрилиб,
Эрдилар соҳиб тароват чун гулистон қозилар (461 бет).*

Марказий Осиё Россия томонидан босиб олингандан кейин ҳам қозилик суди сақланиб қолди. Ушбу жараёнга адабиётларда: “Бу билан мустамлакачилар ўзларини ерли халққа нисбатан одил, уларнинг “пушти паноҳи” қилиб кўрсатмоқчи бўлдилар¹⁶⁰”, – дея муносабат билдирилган. Суд ишлари шариат қондалари асосида олиб борилса-да, аммо давлат аҳамиятига молик ишларни қозилик судида кўриш ман этилган эди. Ибрат 20 йилга яқин қозилик лавозимида ишлаган бўлса-да, халқ манфаатини кўзлаб иш олиб борди. Бошқа қозилардан фарқли ўлароқ халқни талаш, порахўрлик ва ўз мансабини суиистеъмол қилиш йўлидан бормади.

XX аср бошларида Ибрат каби адолатли, халқ учун меҳнат қиладиган қозилар жуда кам эди. Шунинг учун ҳам ўзбек маърифатпарвар шоирлари Муқимий “Додхоҳим”, Завқий “Воқеаи қози сайлов”, Шавқий “Аҳли риё”, Очилди Мурод Мирий “Ғазали дар эътироз” ғазалларида бадхулқ қозиларнинг асл манзарасини тасвирлаб, халқни ҳушёрликка чақиришган. Ибрат ҳам “Қозийи қотил” ҳажвий ғазалида кўриншидан ҳақиқатгўй, шариатпеша мусулмон, ҳаётда эса қабих, мунофиқ бўлган қозини қуйидагича тасвирлайди:

*Ани бир муфсид қози қилибдур,
Эмиш ўз наздида ҳўб мард одил.*

*Этиб кўб халқни мажруҳу маъдум,
Қўлида тасбеҳу ўқи ҳамойил.*

*Эди овқоти мардумларни қони,
Этарди доимо жонларни зойил¹⁶¹.*

Сўфизода шеърлятида кескин ҳажвий руҳ устунлиги кузатилади. Бунини, биринчи навбатда, ёшлигидан илм-фанга қизиқиб, Тошкент, Қозон, Боку, Тифлисида чиқадиган газеталарни ўқиб, дунёқарашини ўстирган шоирнинг ўзи мансуб жамият ҳаётидаги қоқоқлик ва норасоликлар билан келиша олмагани билан изоҳлаш мумкин. Шеърлярида “Ваҳший” тахаллусини қўллаши замирида ҳам ана шу хусусият тажассум топгани ҳақиқатга яқин. Бу даврда Сўфизода ўз шеърлярини миллий туйгулар билан бойитиб боради. Ижоди давомида ишқий, маърифий, ижтимоий-

¹⁶⁰ Қаранг: Қосинов Б., Юсупов Ш., Долимов У., Риззев Ш., Аҳмедов С. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. – Тошкент: Маънавият, 2004. – Б. 171.

¹⁶¹ Ибрат И. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 2005. – Б.52. Изох: Кейинги байтларда шу мавзунинг саҳифаси кўрсатилади.

сийсий, ҳажвий мавзуларда қалам тебратган шоир, асосан, жамиятдаги адолатсизликни танқид этиб, халқ кўнглидаги дардни куйлайди. Унинг “Ҳақиқатдан кўз юмганлар”, “Қалайсизлар”, “Беш ёрлар тилидан”, “Байрам нашидалари” сингари шеърлари шулар жумласидандир. Қаламини ҳақиқат йўлида амалдорлар, маҳаллий ҳукумат вакилларининг кирдикорларини очишга қаратади:

Эй Чуст, на ажаб носкашу носларинг бор,

Лекин на ямон фитнаю ханносларинг бор.

Ўз фойдасига, бошқани доим зарарига,

*Савачўтли қалам, арзачи восвосларинг бор*¹⁶².

Гарчи эркисизлик, мустамлака шароитида яшаб ижод этган бўлса ҳам, Суфизода Ватан ва миллат истиқболи билан боғлиқ қарашларини шеърларида жасорат билан тасвирлай олди. Бу давр ижодкорлари ҳақда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг: “Мустабид тузум даврида виждон азобини ким кўпроқ тортган, деса, мен, доимо бу ҳаётнинг маъно-мазмуни, инсоннинг кадр-қиммати, эл-юрт тақдири ҳақида қайғуриб яшайдиган одамлар ва уларнинг олдинги қаторида бўлган ижод ахли, деб айтган бўлардим”¹⁶³, – дея таъкидлагани бежиз эмас. Миллий уйғониш ва миллатнинг ўзлигини англашга чорлаш шоир ижодининг руҳи ва мазмунига айланди. Асарларида икки тиллилик (зуллисонайн) анъанасини давом эттирган Суфизода мумтоз адабиёт вакиллари Ҳофиз, Бедил, Навоий ижодини мутолаа қилади. А.Халилбеков маълумотига кўра, Абдулла Қодирий адибнинг истеъдодини ғоят юқори баҳолайди. Мақсуд Шайхзода Суфизоданинг “шеърлари....адабиётга тоза унсурлар киргизган”лигини таъкидлайди. Абдулла Қаҳҳор уни “Сатира ва юморда тенги тимсоли йўқ ва ўзигагина хос шоир”, деб атайди¹⁶⁴.

Догийнинг ҳажвий йўналишда ёзилган “Ифлос”, “Бекорчи”, “Чилим”, “Фолбин”, “Насихат”, “Раис” номли шеърлари ҳам эл орасида машҳурдир. Масалан, “Бекорчи” радифли ҳажвиясида дангаса инсонлар танқид қилинган. Шеърдаги тасвир ёрдамида бекорчи кишининг бошқалар ёрдамига мухтож бўлиб кун кўриши ёмон хислат эканини ҳис қилган китобхон унга ўхшаб қолмасликка ҳаракат қилади:

¹⁶² Орифий Х. Муҳаммадшариф Суфизода. – Наманган, 2007. – Б. 80. Изох: Кейинги байтларда шу маъбанинг саҳифаси кўрсатилади.

¹⁶³ Каримов И.А. Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – Б.11.

¹⁶⁴ Халилбеков А. Наманган адабий муҳити. – Тошкент: Рухфазо, 1998. – Б. 161.

*Оламда энг кўринган кўзга ёмон бекорчи,
 Ҳайкал қави, сиҳат тан, нозик миён бекорчи,
 Ҳар фирқага хунукдир бўйни йўгон бекорчи,
 Сарф этгали пули йўқ, ашқи равон бекорчи,
 Иш келмайин қўлидин элга товон бекорчи (81-бет).*

XX аср бошларида ижод қилган Наманган адабий ҳаракатчилиги намояндалари ўзларининг ишқий, ахлоқий-таълимий, ижтимоий-сиёсий ва ҳажвий йўналишдаги шеърларида инсоний муносабатларни улуглашди. Илм-маърифат ҳар бир инсон ҳаётида муҳим ўрин тутуши, жаҳолатни енгиш учун энг муносиб йўл – маърифат йўли эканини тарғиб этишди.

2.2. Шоирлар адабий меросининг жанр хусусиятлари

XX аср бошлари Наманган адабий ҳаракатчилиги намояндалари ижодида маснавий, газал, мустаҳзод, қасида, мураббаъ, мухаммас, мусаддас, мусамман, мувашшаҳ, марсия, рубоий, туюк ва фард каби ўндан ортиқ мумтоз адабиёт жанрлари учрайди. Наманган шоирлари ижодида газал жанри етакчи ўрин тутуди. Жумладан, газалнинг ошиқона, орифона, риндона, ҳажвий, ахлоқий-таълимий, ижтимоий-маърифий каби турлари кўпроқ учрайди.

№		Ға за	Мустақ зол	Мурабб аб	Муҳам мас	Мусадд ас.	Мусамм ан	Маснав ди	Мирс ла ли	Касн аз	Соқийн она	Мува шла	Ҳажв ия	Тарн	Тилиб Сағр ёвр улаш	Китъ	Рубо ий	Туюк	Фард
1.	Нодим	12			14	1		2			1		10		2				
2.	Ҳайрат	16			3												5		
3.	Хилватий	142			27	1	1	4	18	7		105	12	2	10		2		3
4.	Иброт	24		1	1	2		2					4	6					
5.	Суфизода	10			1	4							7						
6.	Доғий	90	1	4	20				4			31	7	7			4	10	2
7.	Сухайлий	58		1	34				3			20	5			1	1	9	

Нодим ижоди давр ижтимоий қарама-қаршиликларини тўғри акс эттира олиши, халқчиллиги, бадийяти жиҳатидан ҳам ўзига хос қимматга эга. Унинг газаллари, асосан, етти, саккиз, ўн бир байтли бўлиб, ижодида ўн уч, ўн тўрт, ўн беш ва ҳатто йигирма байтдан иборат газаллар ҳам учрайди. Мумтоз адабиёт анъаналарига мувофиқ, уларга сарлавҳа қўйилмаган. Баъзи шеърларида эса радиф

ишлатилмаган. Масалан, “Ҳарфи ишқингни”, “Эрур кўнглим”, “Фигонким”, “Ҳар қачонким” каби ғазалларида қофиядан сўнг радиф ишлатилмаган:

*Ҳар қачонким қилса ул шўҳи ситамгар дилхирош,
Сув бўлур таъсиридин суҳбат аро ҳар бағритош.*

*Назма соз ўлгач олиб илқиға танбуру дутор,
Нохид ўлгай музмахил хижлатдин ой бирла қуёш¹⁶⁵.*

Шоирнинг ушбу етти байтли ғазалида “дилхирош”, “бағритош”, “қуёш”, “бош”, “ёш”, “таллош”, “маош” ҳамда “қош” каби оҳангдош сўзлар қофия бўлиб келган. Ушбу якпора ғазалда шоир маъшуқа гўзаллигини муболага, ташбеҳ ва ҳусни таълил санъати орқали таърифлайди. Нодим мусаммат турлари орасида мухаммас жанрида баракали ижод қилган. Унинг ижодида мухаммаснинг ҳар икки тури учрайди. Масалан, Навоий, Нодира, Муқимий, Фурқат ҳамда Завқий ғазалларидан илҳомланган шоир уларга ҳамоҳанг руҳда тахмислар яратади. Шоирнинг Завқий ғазалига боғлаган тахмиси саккиз бандли бўлиб, унда шоир ғазалининг вазни, қофияси ва радифи сақланган ҳолда янгича мазмун, ўзига хос талқин мавжуд:

*Ошиқларинг, эй нозанин, ҳар дам санга қурбон бўлур,
Бир дам сани гар кўрмаса, жону дили сўзон бўлур,
Гуфтора келсанг ногаҳон дурри гуҳар галтон бўлур,
Булбул кўруб нолон бўлур, қумри кўруб ҳайрон бўлур,
Тўти кўруб гирён бўлур, хушхонлар айтур офарин (76-бет).*

Завқийнинг “Офарин” радифли ғазали арузнинг ражази мусаммани солим вазнида ёзилган. Нодим ҳам ушбу ғазалга боғлаган тахмисини худди шу вазнда, яъни мустафъилун, мустафъилун, мустафъилун(— V — // — — V — // — — V — // — — V —) тақтеъсида яратган.

Нодим лирик меросида “Соқийнома” мавжудлиги унинг риндона мазмундаги газал жанрида ҳам замондош шоирларга нисбатан самарали ижод этганини анлатади. “Соқийнома”да шоир маърифатга, ҳақиқатга талпинган, дунёдан узилиб, кўнгилик поклигига, комилликка қадам қўйган ошиқ тимсолини гавдалантирган:

*Кетур, соқийё, бодаи лолагун,
Нашоти тараб сори бўл раҳнамун.*

¹⁶⁵ Нодим. Таълиқланган шеърлар. — Тошкент: Ўзбекистондашр, 1964. — Б. 57.

*Йиқитти мени дарду андуҳи гам,
Бўлиб бахту даврон манго вожсун*¹⁶⁶.

Илоҳий файздан баҳра олишни истаган ошиқ соқийга мурожаат қилади. Байтда *сифатлаш* (*бодаи лолагун*), *таносуб* санъатидан ўринли фойдаланган шоир соқий, *бодаи лолагун*, *раҳнамун* каби бир-бирига алоқадор тимсоллар орқали ошиқнинг қалб кечинмасини теранроқ ифодалай олган. Илмий тадқиқотларда ушбу тушунчалар қуйидагича изоҳланган: “Соқий деганда, орифлар тариқат йўлига кирган солиқни камолотга бошловчи Пири муршид, шайх, комил инсон, шунингдек, Муҳаммад алайҳиссалом ва Оллоҳни ҳам назарда тутганлар. Соқий даврага май улашгани каби улар ҳам одамлар қалбига илоҳий файз бағишлайдилар, ҳақиқий ишқ ўтини соладилар”¹⁶⁷. Тасаввуфда бода ишқ ва ирфон рамзи. Агар шароб “ишқнинг ғалаботи, завқу шавқнинг қайноғи, масту мустағрак бўлмоқ ва сулукнинг сўнгидаги комиллик”¹⁶⁸ни, май эса “ишқнинг энг юксак босқичини, Ҳақнинг тажаллийси”¹⁶⁹ни англатса, “бода сулукнинг ибтидосидаги бошланғич ишқни, илоҳий иноят”¹⁷⁰ни билдиради¹⁷¹. Байтда бодани қизил рангда (*бодаи лолагун*) тасвирлаш луғавий ва поэтик маънолар орасида ўзаро уйғунлик касб этган, чунки қизил ранг жўшқинлик, тириклик мазмунини англатади. Адабиётда қизил ранг “ҳаёт, тириклик, мавжудлик билан алоқадорлик”¹⁷² ҳамда “ишқ-муҳаббат, висол ва садоқат мазмуни”¹⁷³ни билдирган. Байтда раҳнамун сўзи бежиз қўлланмаган, зеро шодлик ва қувонч тимсоли бодадан ошиқни баҳраманд қилиш қалбдаги дарду ғамларни фориг этади. Риндона ғазалларда тақдирдан норози ошиқ замондан шикоят қилади ва ғам-андуҳини унутиш учун паноҳ истаб майхона томон йўл олади. Нодимнинг “Соқийнома”сида ҳам ошиқнинг замон ва ижтимоий ҳаётга муносабати акс этган:

Бу айём жабру жафоси била,

¹⁶⁶ Баёзи Нодим. ЎзР ФА ШИ Қўлёзмалар фонди. Инв. № 4179. – Б. 379.

¹⁶⁷ Бу ҳақда қаранг: Очилов Э. Навоий ғазалларида комил инсон тимсоллари // *Ўзбек тили ва адабиёти*. – Тошкент, 2001. – № 1. – Б. 7-14.

¹⁶⁸ Саъжодий Ж.С. Фарҳанги мусталҳоти урафон мутасаввиға ва шуаро. – Техрон, 1332 х. – С. 498.

¹⁶⁹ Қўрсатилган манба. – Б. 754.

¹⁷⁰ Қўрсатилган манба. – Б. 177.

¹⁷¹ Бу ҳақда қаранг: Асадов М.Х. Ўзбек мумтоз шеърлигида риндона маъно ва лирик қаҳрамон характери: Филол. фан. номз. ... (PhD) дисс. – Тошкент, 2017. – Б. 76.

¹⁷² Бу ҳақда қаранг: Тўхлиса Б. “Қутадғу билги”да ранг рамзига доир // *Ўзбек тили ва адабиёти*. – Тошкент, 2001. – № 3. – Б. 34-38.

¹⁷³ Асадов М.Х. Ўзбек мумтоз шеърлигида риндона маъно ва лирик қаҳрамон характери: Филол. фан. номз. ... (PhD) дисс. – Тошкент, 2017. – Б. 93.

*Эрурман ҳамиша юрак-бағри хун.
Замон жабридин тоқатим тоқ ўлуб,
Паноҳ истабон санга келдим бу кун.
Тараҳҳум қил, эй дайр пири, манго,
Бериб журъаи бодаи гамзудо¹⁷⁴.*

Шоирнинг ушбу “Сокийнома”си “Баёзи Нодим”да мавжуд. Уни эски ўзбек ёзувидан нашрга тайёрлаш бугунги адабиётшунослар олдидаги муҳим вазифалардан биридир.

Ҳайрат маърифатпарвар шоир сифатида мумтоз шеърятимизнинг барча жанрларида ижод қилган. Навоий, Фузулий, Нодим ғазалларига мухаммас боғлаган. А.Убайдуллоҳ шахсий кутубхонасида сақланувчи Ҳайрат шеърлари жамланган қўлёзма алифбо тартибида, девон тузиш анъанасига риоя қилиб тузилмаган бўлса-да, чиройли ҳуснихат билан ёзилган. Ундаги шеърларнинг жанр хусусияти ўрганилгач, қўлёзмада ҳамд ва учта наът (жами 84 мисра), 7 та муножот (жами 192 мисра), 154 та ғазал (жами 2712 мисра), 15 та мухаммас (жами 551 мисра), ўн битта мураббаъ (жами 64 мисра), ўн битта маснавий (жами 368 мисра), иккита мусаддас (жами 60 мисра), 6 та рубой (жами 24 мисра), 29 та фард (жами 58 мисра) мавжудлиги аниқланди.

Ҳайратнинг татаббуъ ва тахмислари, шунингдек, Ҳазинийнинг “Тонг отгунча” ғазалига боғлаган назираси эл орасида машҳур. Саккиз байтдан иборат ушбу ғазал қофиясидаги “сўзона”, “бирёна”, “парвона”, “пинҳона”, “ҳижрона”, “шоҳона”, “ҳамхона”, “поёна” ва “девона” каби сўзлардан шоир ўз ҳис-туйғуларини ифодалашда ўринли фойдаланган:

*Фурқатда куйиб бўлдим сўзона тонг отқунча,
Жисм ичра бўлиб жоним бирёна тонг отқунча.*

*Васлинг ила шод эрди маҳзун дилим, эй маҳваши,
Ҳуснингни чароғига парвона тонг отқунча¹⁷⁵.*

Шоир ғазаллари, асосан, етти, саккиз, тўккиз байтли бўлиб, унинг ижодида ўн бир, йигирма бир байтли ғазаллар ҳам учрайди. Унинг “Шукрим, бўлди муяссар васли жонон бу кеча” деб бошланувчи якпора ғазали йигирма бир байт ҳисобланади. Адабиётшуносликда ғазал жанри уч байтдан йигирма уч байтгача

¹⁷⁴ Баёзи Нодим. ЎзР ФА ШИ Қўлёзмалар фонди. Инв. № 4179. – Б. 379.

¹⁷⁵ Асрлар индоси. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1982. – Б. 412. Изоҳ: навбатдаги байтларда ушбу маълумнинг саҳифаси келтирилмади.

учраши эътироф этилган¹⁷⁶. Бу жанрнинг ўзига хос хусусиятлари, муайян ижодкорлар адабий меросида тутган ўрни ҳақида бир неча тадқиқотлар амалга оширилган¹⁷⁷. Ушбу ғазалкўпбайтли ғазалларга хос хусусиятларни ўзида мужассам этган. Жадид шеъриятида бундай кўпбайтли ғазаллар, асосан, маърифий ва ижтимоий-сиёсий мавзудаги ғазаллар доирасида учрайди. Аммо Ҳайратнинг ушбу ғазали ишқий мавзуда ёзилган:

*Ул жафоларким фироқи ёрдин чекмиш эдим,
Ғам ҳужумин боди васл этди паришон бу кеча (409).*

Унинг нашр этилган рубоий жанридаги шеърларининг барчаси ааба тарзида қофияланиб, уларда шоир комиллик ҳақида фалсафий мушоҳада юритади ва риндона мазмунга эга сатрлар битади:

*Соқийё, навбат ила жом кетур,
Нӯш этай дам тутиб тамом, кетур.
Ғам била хотирим мушаввашдур,
Тарк қилмай ани давом кетур (432-бет).*

Ушбу тўртлик қўлёзмада “рубоий” сарлавҳасида берилган. Мумтоз шеършуносликда рубоий арузнинг ҳазаж баҳрида ёзилиши асосий шартлардан бири бўлгани маълум. XX аср бошларида бу анъанадан чекиниб, рубоий бошқа баҳрларда ҳам ижод этилиш ҳоллари учрайди. Ҳайрат ҳам юқоридаги шеърни арузнинг ҳафиф баҳрида, яъни – V – – / V – V – / V – парадигма асосида ёзган. Бу ҳолат шоирнинг рубоий ёзишдаги ўзига хос новаторлигини англатади.

Хилватий ўзига замондош бошқа шоирларга нисбатан ғазал жанрига кўпроқ мурожаат қилган. Қуйидаги ғазалда умр бўйи маъшуқа ишқида ўртанган ошиқ охир-оқибатэл ичида машҳур бўлгани таърифланган:

*Ўтти умрим, эй пари, инсоф қилким, бўлмади,
Ҳосил ишқингда юруб бир заррача комим манинг.
Нозаниним номини такрорида, эй Хилватий,
Оқибат машҳур бўлди даҳр аро номим манинг (188).*

Юқоридаги байтда “Нозаниним номини такрорида” жумласи орқали зоҳирий маънода ошиқнинг маъшуқа номини такрорлаши

¹⁷⁶ Куронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик лугати. – Тошкент: Akademnashr, 2010. – Б. 385.

¹⁷⁷ Носиров О. Ўзбек адабиётида ғазал. – Тошкент: Адабиёт ва санъат. 1972. – 194 б; Исхоков Ё. Навоий поэтикаси. – Тошкент: Фаи, 1983. – 250 б; Рустамов Э. Узбекская поэзия в первой половине XV в. – Москва: восточной литературы, 1963. – 378 с.

окибатида ишқ элида машхур бўлганлиги англашилса, бу жумланинг ботиний бир маъносидан Аллоҳ номини зикр қилиш туфайли Яратганнинг марҳаматига эришган шоир қувончи акс этганини ҳис қилиш мумкин.

Хилватий ғазалларига назар ташласак, шеърий санъатлар лирик тимсолни, олам ва одам муносабатини ҳаётий, таъсирчан акс эттиришга хизмат қилганининг гувоҳи бўламиз. Шоир ғазалларининг бадий қимматини қуйидаги байтлар таҳлили орқали ҳис этиш мумкин:

*Эй қаро кўзи, жаҳоннинг фитнаси жон офати,
Неъматни жаннатда ҳам йўқдур жамолинг лаззати.*

*Лаззати ҳуснунгни топган ошиқи шўридага,
Бир қошиқ сувча кўринмас бу жаҳоннинг неъматини... (78-бет)*

Шу тариқа давом этаётган ғазал байтларининг сўнгги сўзи навбатдаги байтнинг илк сўзи ўрнида айнан такрорланади. Хилватий ғазалнинг барча байтларини бир-бирига занжирсимон қилиб пайвандлайди ва изчил мусалсал кўриниши ҳосил бўлади. *Мусалсал санъати ташобеҳул-атроф, тасбеъ* деб ҳам номланади¹⁷⁸.

Маъшуқа ишқида ўртанган ошиқ ҳолати кейинги байтларда қуйидагича ифодаланган:

*Неъматни дунёни манзур айламас уқбони ҳам,
Тушса ҳар дилхастага ишқингни дарду меҳнати.*

*Меҳнати ишқингдин асло бўлмасун кўнглум жудо,
Ким, бу меҳнат бирладур гамлик дилимнинг роҳати... (78-бет)*

Ишқ оташида *ағёр* жафосини кўрган *ошиқ* учун тортган азоблари ҳеч ким кўрмаган роҳатни бахш этмоқда. Байтдаги “*меҳнат*”, “*роҳат*” сўзлари орқали *тозод* санъати воситасида шоир ошиқ ҳолатини таъсирли акс эттиради. *Ташобеҳул-атроф* (тарафлар ўхшашлиги) ғазалнинг гоявий мундарижаси билан узвий алоқада бўлади. Бу ҳолат ғазалнинг сўнгги байтигача давом этади. Шоир ўз фикрини алоҳида таъкидлаш мақсадида байтлар охиридаги сўзнинг кейинги байт бошида такрорламоқда:

*Зулмати оламни зоил айламас бу офтоб,
То намоён бўлмаса, эй маҳ, жамолинг талъати.*

¹⁷⁸ Бу ҳақда қараг: Ҳожнаҳмедов А. Мумтоз бадийат малохати. – Тошкент: Шарқ, 2006. – Б. 62; Asallayev A., Rahmonov V., Musurmonqulov F. She'r san'atlan. – Andijon nashriyot-ma'baa, 2009. – B. 18.

*Талъати хуршиди рухсорингни кўргач, кўкда меҳр,
Пардаи мағрибга рў қилгай қилолмай тоқати. ... (79-бет)*

Биринчи байтда маъшуқани ой деб, истиора санъатининг гўзал намунаси яратилган. Шоирнинг фикрича, куёш ой юзли, ўзидан-да гўзал маъшуқани кўргач, бу гўзалликка тоқат қила олмай пардаи мағрибга бош кўяди. Байтлар мазмунидан кўринадики, шоир маъшуқанинг ҳуснда тенгсиз эканини ҳусни таълил санъати воситасида чиройли далиллаган. Байтларда шоир *истиора, сифатлаш, мусалсал, ҳусни таълил* санъатлари орқали маъшуқа гўзаллигини таърифлашга эришган. Мусалсалдек камёб санъат тури Хилватий ижодида учраши шоирнинг юксак салоҳият эгаси эканини кўрсатади. Ҳазажи мусаммани маҳзуф вазнида ёзилган ушбу ғазал қофияси васлли мутлақ қофия асосига қурилган. Ғазалда *“талъати, тоқати, неъмاتي, меҳнати, роҳати, кулфати, нисбати, ... хизмати, Хилватий”* сўзлари қофия бўлиб келган ва ўзак охиридаги “т” равий, ундан олдинги “а” тавжих, равийдан кейинги “и” чўзиқ унлиси эса (у эски ўзбек ёзувида ҳам ёзилади) васл дейилади. Бу хил қофия *васлли мутлақ қофия* ҳисобланади. Ғазалдаги *мусалсал* санъати сўз, маъно, қофия ҳамда вазни тўғри танлашни талаб этади. Бу уйғунлик Хилватийнинг юқоридаги ғазалида ўз аксини топган. Хилватийнинг риндона ғазаллари ҳам ўзига хос тасвир услубида яратилган:

*Ҳақиқат бодасидин масти саршор ўлдум, эй соқий,
Мажози шарбатин жомини тутгил ўзга хуммора.*

*Мани сармаст этибдур кайфи гулқанди жунуни ишқ,
Бу гулшан ичра боқмам нашшау тарёку кўкнора (54-бет).*

Шоир байтларда *“бода”, “соқий”, “шарбат”, “жом”, “хумор”, “сармаст”, “кайф”, “жунун”, “ишқ”, “наша”, “тарёк”* ҳамда *“кўкнор”* каби бир-бирига мутаносиб тушунчалар орқали *таносуб* санъатидан ўринли фойдаланган. Натижада, ўз фикр-туйғусини гўзал жумлалар билан ифодалашга эришган. Шоир шеърларида гоҳ комил инсонни мадҳ этади, гоҳ Аллоҳга бўлган муҳаббатини изҳор этади. Ошиқона мазмунга эга ғазалларида шоир маъшуқа ҳажрида азобланаётгани, аммо бу ҳижрон азоби унга роҳат бахш этишини куйидагича таърифлайди:

*Ўлса ишқинг дарди афзун, роҳатим бўлгай фузун,
Мушқули ишқингни ҳаргиз осон этмагил (209-бет).*

Маъшуқа ишқида неча ошиқлар бир-бирига азоб беради, дўстлар душманга айланади, лекин Хилватий яратган ошиқ тимсоли барча қийинчиликларни енгиб, маъшуқа сари интилади:

Кулфати азёр кўргач, дема ишқим тарк этар,

Ким бу кулфатлар этар маҳкам муҳаббат нисбати (78-бет).

Ишқ йўлида азоб чекаётган ошиқ маъшуқасидан умидини узмайди, унинг муҳаббатига эришмоқ учун яшайди:

Ҳамиша жустужў қилмоқ шиоримдур висолингни,

Ки то маҳфуз эрур жоним бу жисми нотавон ичра (56-бет).

У нафақат ғазалларида, балки мусаддас жанрида ёзган куйидаги шеърида ҳам ўз дардини гўзал тасвирларда баён эта олган. Унда гўзалликка ошуфта кўнгил гоҳ фалак, гоҳ хижрон, гоҳ азёр жафосидан фарёд чекади, гоҳ маъшуқаси васлига етмоқ учун талпинади:

Ҳақ билурки, ман санга муштоқман,

Санга жуфту ўзгаларга тоқман,

Ҳасратингда шуҳрати офоқман,

Ошиқу сардафтари ушшоқман,

Ман сани дерман, дегил сан ҳам мани,

То қиёмат, эй латофат хирмани (170-бет).

Хилватий маснавийда баракали ижод қилган. Ушбу жанрдаги “Чароги мактаб”, “Мавлуди шариф”, “Сайрул жибол” (Тоғ сайри) каби шеърий асарлари халқ орасида маълум ва машҳур бўлган. Унинг ахлоқий-таълимий мавзудаги 96 байтдан иборат форсча “Қасидаи илм” асарида, асосан, илм ва олимлик фазилати улуғланган:

Зиҳи, шамсуз-зуҳо, бадруд-дужо илм,

Чароги базмгоҳи ду саро илм.

(Қандай яхши! Илм – чоштвоҳ куёши ва тўлин ойдир, икки олам базмгоҳининг чирогидир)¹⁷⁹.

Ёки:

Ба иззи олимон шоҳид ҳамин баст,

Ки мондаст аз Муҳаммад Мустафо илм.

(Олимларнинг азизлигига шу далил етарлики, илм Муҳаммад Мустафо (с.а.в)дан мерос қолгандир)¹⁸⁰.

¹⁷⁹ Хилватий. Сайрул жибол. – Тошкент: Фан. – Б. 65.

¹⁸⁰ Кўрсатишган манба. – Б. 74.

Ушбу қасида ғазал каби а-а, б-а, в-а тарзида қофияланган. Қасида жанри ҳажман катталиги билан ғазалдан фарқ қилади. Бундай жанрдаги асарларда бирор тарихий шахс мадҳи ёки ижтимоий мавзулар қаламга олинади. Хилватийнинг илм-маърифатни улуғловчи ушбу қасидасига ўхшаш асар адабиётшуносликда учрамайди. Асар аруз вазнининг ҳазажи мусаддаси максур кўринишида, яъни мафойилун, мафойилун, мафойил (V---//V---//V---) шаклида ёзилган.

Шоир Аллоҳга ва пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в)га бўлган муҳаббатини “Мавлуди шариф”¹⁸¹ асарида изҳор этади. Асар 10 байт ҳамд ва 14 байт наът, 33 байт “Мавлуди шариф” ўқишнинг хосияти ва уч мисра салавот, 69 байтли ҳикоят, яна бир 62 байтли ҳикоят ва уч мисра салавот, 11-бобдан сўнг Муҳаммад алайҳиссалом дунёга келишлари шарафига ёзилган иккита ғазал, 14-бобдан сўнг яна бир 28 байтли ҳикоят, сўнгра яна 6 боб ва Меърожнома ҳамда хотимадан иборат. Асарнинг биринчи, тўртинчи, олтинчи, тўққизинчи бобларида икки мисрадан, иккинчи ва ўн тўртинчи бобларида эса қуйидагича уч мисрадан салавот ҳам берилган:

Ассалоту вассалом алайка, ё Расулаллоҳ!

Ассалоту вассалом алайка, ё Ҳабибаллоҳ!

Ассалоту вассалом алайка, ё хайру халқаллоҳ!

Маснавий усулида ёзилган ушбу асар қуйидаги байтлар билан бошланади:

Ҳамд ул зотизаким, Рабби жаҳон,

Холиқи арзу самоу инсу жон.

Подшоҳи бесипоҳу бевазир,

*Тождори бекулоҳу бесарир*¹⁸².

Асарнинг 11-бобидан сўнг икки наът-ғазал берилган. Уларда икки олам сарварининг сифатлари ва дунёга келиши васф этилади:

Бу фано дайр ичра, эй нури Худо, хуш келдингиз,

Мабдаи нури зиёд, кони сафо, хуш келдингиз.

Шуълаи шамъи рисолат, партави хуршиди қурб,

*Ахтари буржи нубувват, Аҳмадо, хуш келдингиз*¹⁸³.

¹⁸¹ Мулло Йўлдош Хилватий. Мавлуди шариф / Хаттот: Абдулқодир Шоший. – Тошкент. Гулом Ҳасан Орифханов босмаҳонаси, 1913. – 73 б.

¹⁸² Кўрсатилган манба. – Б. 2.

¹⁸³ Хилватий. Мавлуди шариф. – Наманган: Наманган, 2000. – Б. 38.

Асарнинг 14-бобидан сўнг пайғамбаримиз туғилганларида боболари Абдулмутталибнинг қандай хурсанд бўлгани ҳақида 28 байтли ҳикоят, сўнгра яна олти бобда пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) туғилишлари билан оламда юз берган кўп хайрли ишлар тасвирланган. Асар 29 байтли хотима билан якунланади. Демак, асар кириш, 20 бобли асосий қисм ва хотимадан таркиб топган. “Мавлуди шариф” маснавийда, рамали мусаддаси мақсур (фоилотун, фоилотун, фоилон, айрим байтлари эса фоилотун, фоилотун, фоилун, яъни рамали мусаддаси маҳзуф—V— — // — V — — // —V—) вазнида ёзилган:

*Ул Муҳаммадким, расулуллоҳдур,
Сарвари жумла гадоу шоҳдур.*

*Андалиби гулшани ловлок ул,
Қурб дарёсида дурри пок ул.*

*Мазҳари барча халойиқ нуридур,
Мабдаи жумла халойиқ нуридур¹⁸⁴.*

Асар қуйидаги байт билан якунланган:

*Афв этиб журму хатосини тамом,
Неъматидийдор бергил, вассалом¹⁸⁵.*

Хилватийнинг “Мавлуди шариф” асари инсон камолотини шакллантириш ва пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в)нинг гўзал табиатлари, ҳаётлари тарихини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Хилватий саёхатнома жанри такомилга ўз ҳиссасини қўшган шоир ҳисобланади. Саёхатнома жанрига оид асарларнинг икки тури мавжуд. “Уларнинг биринчиси реал географик маршрут ва саёхат асосида яратилган, иккинчиси эса бадиий тўқима асосида роман, қисса, ҳикоя каби шаклларда ёзиладиган саёхатномадир”¹⁸⁶. Аниқ саёхат хотираларини ифодаловчи асарларнинг дунёга келиши миллий уйғониш даври адабиётининг ўзига хос хусусиятларидан биридир. Нодим таклифига кўра қисқа муддат ичида ёзиб тугалланган ушбу асар икки қисмдан иборат. Биринчи қисм насрий усулдаги кириш, сўнгра 12 байтли ҳамд ва наът, 18 байтли муқаддима

¹⁸⁴ Курсатилган манба. – Б. 7.

¹⁸⁵ Курсатилган манба. – Б. 73.

¹⁸⁶ Джалилова Х. Саёхатнома жанрининг маънавий-маърифий хусусиятлари (XVIII аср Ғарбий Европа маърифатчилик адабиёти ва миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти мисолида): Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2008. – Б. 22.

ва саёҳат таассуротлари ифодаланган 16 та бобни ўз ичига олган. Ҳар бир бобга форсча сарлавҳалар қўйилган. Иккинчи қисмда Хилватий саёҳатдан сунг Наманган аҳли илмларидан бўлмиш Саййид Бурхонхўжа эшон ибн Аминхонхўжа эшон ва Мавлавийхонни зиёрат қилгани ҳамда уларга саёҳатноманинг ҳали тугалланмаган кораламасини ўқиб бергани ҳақидаги 77 байтли манзума мавжуд. Асар 557 байт (1114 мисра)дан иборат бўлиб, Хилватий қўлёзмаси тўпламидан жой олган¹⁸⁷. “Сайрул жибол” куйидаги байт билан бошланади:

*Ҳамд ангаким боғу роғу кўҳсор,
Қудрати волосидин айлар ошкор.
Тоглар узра набототу гиёҳ,
Зоти беҳамтосигадурлар гувоҳ¹⁸⁸.*

Асар куйидаги байт билан якунланади:

*Хилватий ҳам ҳужрага азм айлади,
Хилват айлаб ҳужрада базм айлади¹⁸⁹.*

Шоир “Сайрул жибол” асарида “Почча ота”, яъни кароматгўй Нуруллоҳ зиёратгоҳининг табиат манзаралари ва сайрда ҳамроҳ бўлган дўсту биродарларининг ўзига хос шаклу шамойиллари ҳақида маълумот беради. Асар 1910 йилда маснавий усули билан арузнинг рамали мусаддаси максур (фоилотун, фоилотун, фоилон, айрим байтлари эса фоилотун, фоилотун, фоилун, яъни рамали мусаддаси махзуф –V– – // – V – – // –V –) вазнида ёзилган. Шоирнинг мақсади саёҳат таассуротларини ўзидан кейинги авлодга етказиш ва ҳамсафарлар номини тарихга муҳрлаш эди:

*Ибтидо то интиқо ушбу сафар,
Пардаи назм ичра бўлса жилвагар.*

*Шаҳр элига армуғон бўлғой эди,
Барг сабзи жовидон бўлғой эди.*

*Сиз била биздин бўлурди ёдгор,
Қолғай эрди бу жаҳонда пойдор (43-бет).*

¹⁸⁷ Қаранг: Хилватий. Девон I, 38^а-58^б.

¹⁸⁸ Хилватий. Курсатилган манба. – Б. 4.

¹⁸⁹ Хилватий. Курсатилган манба. – Б. 53.

Асарда шоир сафарга чиққан ёру дўстларнинг табиати бир-бирига муносиб бўлса, саёҳат давомида қийинчилик бўлмаслигини таъкидлайди:

*Кимгаким бўлса тавозу ёри гор,
Ҳамчу ёри гор тобгай эътибор.*

*Барча ому хосга манзур ўла,
Яхшиликда халқ аро машхур ўла (16 -бет).*

Байтдаги “ёри гор” жумласи орқали ғордаги икки бир-бирига яқин киши, яъни пайғамбаримиз Муҳаммад(с.а.в) ҳамда уларнинг содиқ дўстлари Абу Бакир (р.а.)га ишора қилинмоқда. Чунки уларнинг садоқат, вафо бобида тенгсиз эканликлари барчага маълум.

Адабиётшуносликда саёҳатга чиққан дўсту биродарларнинг тақдири, умрларининг замоний ва маконий қаторлари ижтимоий масофада конкретлашиб ва узоқлашиб, ўзига хос равишда уйғунлашиши ҳақида маълумотлар учрайди¹⁹⁰. Ана шу ҳолат Хилватийнинг “Сайрул жибол” асарида ҳам юз беради. Яъни асарда номи зикр қилинган ҳамсафарлар тоғ сайридан қайтиб келиб, сайид Бурхонхўжа билан мулоқот қилишади ва шоир уларга ўзи ёзган “Сайрул жибол” асарини ўқиб беради.

“Сайрул жибол”нинг тошбосма нусхасида Нодимга бағишланган 19 бандли “тўрам” радифли қасида-муҳаммас (61-64-бетлар), баҳор айёми ва унинг фазилатлари ҳақида 53 байтли “сабз шуд” радифли “баҳория” қасидаси (65-69-бетлар), Тожихўжа эшон илтимоси билан ёзилган 68 байтли қасида (69-74-бетлар), сўнгра шоирнинг дўсти ҳожи Жунайдуллахоннинг кўп йиллар Мадина шаҳрида яшаб, она-юрти Наманган шаҳрига қайтиши муносабати билан ёзилган 15 байтли қасида (75-76-бетлар), Миён Муҳаммад Юнусхоннинг биродари Миён Қудратуллохон ва Мавлавийхон афандилар ҳижрий 1327 (милодий 1909) йил Қўқондан келганларида уларга атаб ёзилган 9 байтли қасида (77-78-бетлар)лар илова қилинган. Бу қасидаларнинг барчаси форс тилида ёзилган. Сўнгра Хилватийнинг 34 байтли ўзбек тилидаги “ҳаёт” радифли ғазали берилган (78-80-бетлар). Китоб форс тилидаги насрий хотима билан яқунланади (80-84-бетлар).

Ибрат ҳаётлик даврида ўз шеърларини жамлаб, девон тартиб

¹⁹⁰ Бу ҳақда қarang: Бахтин. Вопросы литературы и эстетики. – Москва: Художественная литература, 1975. – С. 392.

зуллисонан шoir. Унинг Тўрақўргонда 1905 йил ўз ҳисобидан қурдирган ҳаммоми таърифига доир 16 байтдан иборат “Тарихи ҳаммом”¹⁹⁶ газали форс тилида ёзилган. Ҳазалда мазкур ҳаммом қуйидагича таърифланади:

*Тўрақўргон замин ин таъмир,
Ғашт¹⁹⁷ чун Мисру Руму Жобалқо...*

(Тўрақўргон заминида қурилган бу бино таърифи Мисру Рум ва Жобалқогача етди)

*Онқи ояд дарун гарм обе,
Ғусл ояд ба хонаи танҳо.*

(У ерда чўмилиш учун алоҳида хона, иссиқ сув мавжуд)

*Бизу қурунос муғтасили¹⁹⁸,
Ҳар яқи ро намуданд жудо...*

(Ҳар бир аёлу эркак учун алоҳида чўмилиш хонаси ажратилган)

Ҳаммомнинг ўзига хос қулайликларини таърифу тавсиф этган шoir сўнги байтда бу бинонинг қурилиш тарихини қуйидагича баён этган:

*Боз бoман барое тарихаш,
Ғуфт маъмур¹⁹⁹ қозию доно.²⁰⁰*

(Яна ул қозию доно менга ушбу иморат тарихи маъмур, яъни обод бўлсин деди)

Ҳазалдаги “маъмур” сўзи абжад ҳисоби билан ҳижрий 1327 (милодий 1905) йилга тўғри келади. Шеърятда муҳим тарихий воқеалар санасини абжад ҳисоби билан ифодаловчи бундай шеърлар ва бу санъат ҳам тарих деб юритилади. Демак, ҳаммом милодий 1905 йилда қурилган. Тўрақўргонда ягона бўлган бу иншоот Европа типида қурилган эди. Уни тиклашда мусулмончилик қонун-қондаларига амал қилинган бўлса-да, ушбу ҳаммомни халқмаиший турмушга сингдира олмайди. Натижада мутаассиблар унга “ҳаром” деб фатво берадилар ва халқни ундан фойдаланмасликка даъват қиладилар. Ибрат турли бидъатларга ружуъ қўйган бу эскилик тарафдорлари фикрига ҳар қанча қарши борса ҳам, уларни енга олмайди, чунки бу даврда дин арбобларининг ўта мутаассиблашишига йўл қўйиб, ихтиёрларидаги масжид ва мадрасаларни кўпайтириш орқали уларнинг таъсир

¹⁹⁶ Туркистон вилоятининг газети, 1905, 13 июнь. — № 23.

¹⁹⁷ ғашт— айланиш, сайр қилиш

¹⁹⁸ муғтасили — гусл қилинадиган жой

¹⁹⁹ маъмур — обод

²⁰⁰ Туркистон вилоятининг газети, 1905. — № 23.

доираси кенгайишига имкон яратилган эди. Шунинг учун шоир 1908 йил ҳаммом ўрнида литография, яъни чопхона ташкил қилади ва уни “Матбааи Исҳоқия” номи билан ишга туширади.

Ибрат газал, мухаммас ва маснавий жанрларида чуқур фалсафий, ибратли фикрларни мантиқий теранликда ва гузал бадиий шаклда ифодалаган. Шунинг баробарида, шоирнинг бу жанрлардаги назмий асарларида илм-фан ютуқлари, ижтимоий ҳаётдаги янгиликлар ўзига хос тарзда акс этган. “Тарихи чопхона”, “Маданият ҳақида маснавий”, “Туркистон аҳлига хитоб”, “Газет хусусида”, “Табрик Намангондин”, “Тарихи манзумаи вагон Ибратдин ёдгор” каби шеърлари бунинг исботидир. Жумладан, шоирнинг “Табрик Намангондин” шеъри “Садойи Фаргона” газетаси нашр этилиши муносабати билан ёзилган. Шеърда мазкур газета “хидмати милат” йўлидаги аҳамиятли воқеа бўлгани, илму ахлоқ ҳам фунун ривожига хизмат қилиши таъкидланади. Шу жиҳатдан, уни ижтимоий-маърифий газал дейиш мумкин:

Эшитилди “Садойи Фаргона”

Келмаган эрди то ушбу она...

Халқимиз ўз-ўзига овора,

Хоҳ ўз даври ва ё бегона.

Хидмати миллат этмади ҳеч ким,

Чиқмади мамлакатда бир дона²⁰¹.

Шоир газетанинг тутуми қандай бўлиши зарурлиги ҳақидаги тавсияларини ҳам беради. Унингча, газета миллатимиз тилида далирона – жасорат билан сўзлаши, афсонадан тийилиб, “миллатимизи тараққийга таргиб” этмоги керак:

Миллатимиз тили жароиддур,

Сўзлар энди булар далирона.

Миллатимизи тараққийга таргиб

Айласун сўзни қилмай афсона²⁰².

Ибрат “Маданият ҳақида маснавий” шеърида маданий ва бадавий тушунчалар орасидаги зидликка урғу бериш орқали миллат тараққиёти ҳақида қайғуради. Шоир қарашича, маданийлар – ўзига шох, бадавийлар эса – гадо; бири – роҳатда, иккинчиси – машаққатда; бири – саодатлик, бошқаси – ҳалокатлик; бирида – раҳмат, ўзгасида – заҳмат. Ижодкор ўша кезде дунёдаги маданиятда тараққий этган ўн икки шаҳар номини санайди:

²⁰¹ Садойи Фаргона, 1914 йил. – № 6.

²⁰² Садойи Фаргона, 1914 йил. – № 6.

*Миср, Истарбул, Фарии, Берлин,
Лундун ва Мадрид, Вашулгитун.
Вена, Петергрод ҳам Тукиё,
Маданиятда бўлгувчилар бу.
Бирисини оти эрур Румо,
Маданиятни ери эрур Дониё.
Маданийликда феълу афъоли,
Роҳат ичра эмиш аҳволи²⁰³.*

Шоир уларнинг маданий даражасини ўша давр учун таракқиётнинг сўнги ютуқлари саналган темир йўллари, ҳаво поездлари, телефон, электр, симсиз тилигромлари, жарроҳу муҳандису тарроҳлари, ҳамма дардга тайёр ҳакимлари, ҳамма илмни эгаллаган мударрислари билан белгилайди. Миллатимизнинг ана шу даражага эришмоғи ҳақидаги орзуларини маснавийда таъсирчан ифодалайди.

Наманган адабий ҳаракатчилиги намояндалари орасида тарих-шеърлар битиш анъанаси Ибрат, Хилватий ва Доғий ижодида кузатилади. Улар қўллаган тарих-шеърлар ёзилишсабабига кўра қуйидаги турларга бўлинади: 1) кишиларнинг таваллуд санаси билан боғлиқ тарихлар; 2) кишиларнинг вафоти билан боғлиқ тарихлар; 3) китобларни нашр этиш билан боғлиқ тарихлар; 4) бино-иншоотларни қурилиши билан боғлиқ тарихлар; 5) табиат ҳодисаларининг юз бериши билан боғлиқ тарихлар. Масалан, Ибрат ва Хилватийларнинг 1910 йилда битган марсиялари орқали Нодимнинг вафоти йили аниқланган. Ибратнинг 1910 йил 26 август “Туркистон вилоятининг газети”да эълон қилган ушбу марсиясида:

*Хостам нуктаи тарих аз он,
Гуфт: – Эй котиби девони русум.*

Хез аз рӯи беҳў бинавис:

Вой Эшон Бобоҳон марҳум –

абжад ҳисоби бўйича ҳарфларни рақамларга айлантирганда, “Вой Эшон Бобоҳон марҳум” мисрасидан 1330 сони ҳосил бўлади. Ундан шеърдаги ишоратга кўра “б” (2)ни олиб ташланса, 1328 сони қолади. Хилватий ҳам ўз марсиясида Нодим вафот этган йилни “ҳазору сеҳсаду бисту ҳашт²⁰⁴” (1328) деб ёзади. Бу жумла эса абжад ҳисобида милодий 1910 йилни билдиради. Доғий ижодида

²⁰³ Ибрат. Ажзий, Суфизода. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 1999. – Б. 65.

²⁰⁴ Халилбеков А. Нодим ҳаёти ва ижоди. – Наманган: Наманган, 1994. – Б. 10.

эса “Ҳазрати Мажзубнинг макбаралари таъмири тарихи”, “Тарихи зилзилаи Намангон”, “Тарихи вафоти жаноби пири равшанзамир ҳазрати Яҳёхон тӯра таййибаллоҳу маркадаҳу” каби тарих-шеърлар мавжуд. Масалан, “Тарихи зилзилаи Намангон” ғазали зилзила тафсилотларига бағишланган:

*Буд нисби шаб шаби одинаи моҳи сафар,
Сиздаҳ буду ҳам аз даҳ ду зиёда сунбула.*

*Ғар ҳами нурсанд тарихи Намангон, Доғиё,
По шикан аз зарбу зӯ: вайрон “би зурри зилзила”²⁰⁵.*

Ушбу ғазалдаги “бу зурри зилзила” бирикмасидан абжод ҳисобида 1348 йил келиб чиқади. Бу милодий 1927 йилга тўғри келади.

Доғий зуллисонан шoir бўлиб, унинг адабий мероси икки қўлёзма китобида жамланган. Улардан ҳамд ва наът, муножот ғазаллар, илоҳий ишқ ва ахлоқий-таълимий мавзудаги ғазаллар, мустазод, мураббаъ, мухаммас, мувашшаҳ, ҳажвий шеърлар, марсия, қасида, номалар, рубоий, тарих, туюқ жанридаги шеърлар ўрин олган.

Араб, форс тилларини мукаммал билган Доғий тинимсиз мутолаа натижасида Ҳофиз, Жомий, Навоий, Фузулий, Нодира, Муқимий, Убайдий, Ғиёсий, Зебо, Рожий каби шoirлар ғазалига мухаммас боғлайди. Унинг ишқий мавзуда ёзган қуйидаги мухаммасида маъшуқа гўзаллиги таърифу тавсиф этилган:

*Мусалсал кокилингни ҳинд шоҳи узра лашкар дер,
Чу тушмиши соясин шаҳлар бошига тожи афсар дер,
Қаю тун шуълаи ҳуснингни кўрса нури ахтар дер,
Юзингни кўрса ошиқ, эй пари, чун моҳи анвар дер,
Кўзинг – оҳу, тишинг – гавҳар, лабинг ёқути аҳмар дер(101-бет).*

Ташбиҳ санъатидан ўринли фойдаланган шoir маъшуқа сочларини ҳинд лашкарига, юзини моҳи анварга, кўзини оҳуга, тишини гавҳарга, лабини эса ёқути аҳмарга қиёслаб, анъанавий поэтик тимсол яратган. Асарларини аруз вазнида ёзган шoir, асосан, арузнинг рамал ва ҳазаж баҳрларида ижод этган. Юқоридаги байтлар (парадигмаси: V --- // V --- // V --- // V --- -) арузнинг мафойилун рукни такрориданҳосил қилинган бўлиб,

²⁰⁵Қаранг: Доғий. Диллим ихор айлайин дерман. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2006. – Б. 177. Изох: наъбатдаги байтларда ушбу манбаинг саҳифаси келтирилади.

*Нозик қўлига олмай ўтар хомау дафтар,
Ибрат кўзимиз кўру ҳақиқат қулоғи кар,
Сўз тўғриси шул, бизда бор на авра, на астар,
Қувди мани жоҳиллар ўшандоқ Ватанимдин,
Лекин қува олмас суҳанимни даҳанимдин*²¹³.

XX аср бошлари Наманган адабий ҳаракатчилиги намояндалари Нодим, Ҳайрат, Хилватий, Ибрат, Суфизода, Доғий, Суҳайлий каби шоирларимиз фаолияти, адабий мероси ўзбек адабиёти ривожига алоҳида аҳамият касб этади. Асосан, арузнинг рамал ва ҳазаж баҳрларида ижод қилган шоирларимиз асарларида ишқ мавзуси етакчилик қилиши, илоҳий ишқ, тасаввуф ғоялари кучлилиги сабаб, мустақиллигимизгача ушбу шоирлар ижодини мукаммал ўрганиш имкони бўлмаган. Чунки улар мадраса илми билан чекланиб қолмай, буюк Шарқ олимлари асарларини мустақил мутолаа қилишган, араб, форс тилларини чуқур ўрганишган. Асарларида икки тиллилик (зуллисонан) анъанаси давом этган. Уларнинг ахлоқий қарашларидаги фидойилик, миллатпарварлик, курашчанлик каби хислатлари ижод намуналарида ҳам уйғунлик касб этган.

Иккинчи боб бўйича хулосалар:

XX аср бошлари Наманган адабий ҳаракатчилиги намояндалари асарларини мавзуий жиҳатдан қуйидагича гуруҳлаштириш мумкин: ишқий, ахлоқий-таълимий, ижтимоий-сиёсий ва ҳажвий асарлар. Тадқиқотлар Нодим ва Ҳайрат, Хилватий ижодида ишқий мазмун, Хилватий, Доғий ва Суҳайлий назмий меросида ахлоқий-таълимий, Ибрат ва Суфизода шеърлятида ижтимоий-сиёсий ва ҳажвий мавзу етакчилик қилиши ҳақидаги тўхтамга олиб келади.

Хилватий лирикасида замондошларига нисбатан диний-маърифий мавзунинг бадиий талқини устуворлик қилса, Ибрат шеърляти ижтимоий ҳаёт воқелигига муносабат билдирилган асарларнинг кўплиги, назми афоризмларга бой экани билан алоҳида ажралиб туради.

Наманган шоирлари асосан ғазал, қасида, мустаҳзод, мураббаъ, мухаммас, мусаддас, мусамман, рубоий ҳамда туюқ каби лирик жанрларда ижод қилган. Таҳлиллардан аён бўлишича, улар

²¹³ Орифий Х. Мухаммадшариф Суфизода. – Наманган. – 2007. – Б. 81.

ижодида ғазал жанри доминантлик қилади. Улар ижодида ғазалнинг ошиқона, риндона, ахлоқий-таълимий, ижтимоий-сиёсий каби турлари учрайди.

Шоирлар ижодида кичик шеърий жанрлардан рубой нисбатан кам учрайди. Мавжуд рубойларнинг айримлари мазкур жанр талабига кўра ҳазаж баҳрида эмас, ҳафиф баҳрида ёзилиши ҳолати кузатилди. Бу ҳолни анъанавий жанрга ўзгача ёндашув ҳосиласи сифатида баҳолаш мумкин. Туюк жанри фақат Доғий ва Сухайлий шеърлятида учрайди.

Шоирлар лирик меросида Алишер Навоий, Ғузулий, Машраб, Нодира, Увайсий каби салафлари ҳамда Муқимий, Ғурқат ва Завқий синғари замондошлари ғазалларига тахмис боғлаш анъанаси кучли бўлгани кузатилади.

III БОБ. XX АСР БОШЛАРИ НАМАНГАН АДАБИЙ ХАРАКАТЧИЛИГИДА АНЪАНА ВА ЯНГИЛАНИШ

3.1. Наманган адабий ҳаракатчилиги намояндалари ижодида мумтоз адабиёт анъаналари

Давр адабий ҳаётининг ранг-баранг жанрларга бойлиги Наманган адабий ҳаракатчилиги намояндалари ижодида ҳам кузатилади. Нодим, Ҳайрат, Хилватий, Ибрат, Сўфизода, Доғий ҳамда Сухайлий каби шоирлар ижодида мумтоз адабиёт анъаналари ҳамда янги давр адабиётига хос тамойиллар асосида яратилган ижод намуналари ўзига хос бадий қимматга эга. XX аср бошларида қалам тебратган ушбу шоирлар қайси жанрда ижод қилишмасин, албатта, мумтоз адабиёт анъаналарига суянишган. Муҳаббат, одамийлик, эзгулик, халқчиллик каби барҳаёт мавзуларда ижод қилишган. Улар ижодидаги анъанавийлик “вертикал” ҳамда “горизонтал”²¹⁴ аспектда амалга ошгани маълум. “Вертикал” аспектда юз берган анъанавийлик мумтоз адабиёт вакиллари Ҳофиз Шерозий, Навоий, Жомий, Фузулий, Бедил, Машраб, Амирий, Нодира, Увайсий каби шоир ва шоирларимизнинг улар ижодига бўлган таъсирида намоён бўлди. Уларнинг балоғат, фасоҳат, аруз ва қофиядаги ижод сирларидан илҳомланиб, газалларига назира боғлашди, тахмислар битишди. Улар ижодидаги анъанавийлик фақат вазн, қофия ва радиф қўллашда эмас, балки поэтик гоёни ифодалашдаги анъанавий тимсоллар воситасида ҳам кўзга ташланади. Шунингдек, замондош шоирларнинг ўзаро ижодий ҳамкорлиги, улар ўртасидаги анъана ва ўзига хослик “горизонтал” муносабатда амалга ошганини англатади.

Мумтоз адабиёт вакиллари ижодидан баҳра олиш, уларга ҳамоҳанг руҳда асар ёзиш ёзувчининг санъаткорлик маҳоратини оширади. Зеро, “Навоий ижодини ўрганиш давомида, салафлар ижоди билан муштарак кўринган жиҳатларини ёритишга ҳаракат китобхонларнинг Шарқ адабиёти ҳақидаги билимларини кенгайтиришга кўмаклашди”²¹⁵. Бундай жараён Нодим ижодида ҳам кўзга ташланади. Шоир буюк хамсанавислар ижодидан илҳомланиб, ўзи ҳам ўзбек тилида “Лайли ва Мажнун” дostonини ёзади. “Навоий дoston хотимасида *“Йиғлай-йиғлай тугаттим*

²¹⁴ Бу ҳақда қаранг: Баллер Э.А., Исмоилов Ф.Ю. Ворислик нима? – Тошкент: Ўзбекистон, 1978 – Б. 21.

²¹⁵ Муҳиддинов М. Адабий анъана ва ижодий ўзига хослик. – Тошкент: Уқитувчи, 1990. – Б. 4.

охир”, – деганидек, шоир ҳам асарни “Оқди кўзидин Нодимнинг ёши”, – дея яқунлайди²¹⁶. Лайли ва Мажнуннинг фожиали тақдири қаламга олинган ушбу асар мураббаъ жанрида ёзилган. Бу ҳолат шоирнинг дostonчилик анъанасига янгича ёндашувини англатади. Дoston мураббаъ жанрида яратилгани боис ундаги халқона оҳанг киши қалбига ўзгача рух бағишлайди:

Лайли дедиким: “Кўзингни очгил,

Лайли эрурман, бир манга боқгил”.

Мажнун дедиким: “Ёлгон демагил,

Лайли бу ерга келмайдуру асло”²¹⁷.

Мураббаъ камрукли, содда, ўйноки ва халқона оҳангга эгаллиги учун ХХ аср бошларида ишқий мавзуда қалам тебратган кўплаб шоирлар унга мурожаат этишган²¹⁸. Жумладан, Ибрат, Ҳамза, Камий, Догий, Сухайлий каби шоирлар ижодида бу жанр намуналари учрайди. Мусамматлар таркибидаги мураббаъ жанри дастлаб халқ оғзаки ижодида, шунингдек, “Девони луғотит турк”да тўртликлар шаклида учраши маълум. А.Шчербак ҳам тўртликлар қадимги туркий шеърятда фаол ишлатилгани, унинг *аааб* қофияланишли тури кенг тарқалганини эътироф этади²¹⁹.

Нодимнинг “Лайли ва Мажнун” достони услуби соддалиги жиҳатидан туркман шоири Нурмуҳаммад Андалибнинг “Лайли ва Мажнун” достонига яқин туради. Аммо Андалиб достонида наср ва назм аралаш келиши ҳамда воқеалар тафсилотида газал, мураббаъ, мухаммас каби шеърлардан фойдаланиш шоир ижодининг бошқа хамсанавислардан фарқ қилишини англатади. Фузулий қаламига мансуб “Лайли ва Мажнун” достони ҳам ўзига хос тасвир услубига эга. У китобий поэмачилик намунаси бўлиб, хамсанависликдаги “Лайли ва Мажнун” дostonларининг лиризм билан бойитилган оригинал намунасидир²²⁰. Нодим адабиётда ишқий дoston ёзиш анъанаси изидан борди, аммо композиция, вазн ва қофия жиҳатидан ўзига хос услубни танлади. Буни шоирнинг мумтоз назмий анъанани янгилагани – новаторлиги сифатида баҳолаш мумкин. Мумтоз адабиёт анъаналари асосида яратилган асарлар

²¹⁶ Ҳалилбеков А. Наманган адабий муҳити. – Тошкент: Рухнамо, 1998. – Б. 119.

²¹⁷ Курсатилган манба. – Б. 120.

²¹⁸ Каранг: Афоқова Н. Ўзбек жадид адабиётини шеърини шакллари таракқиёти таъминчилари: Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 2005. – Б. 196.

²¹⁹ Каранг: Шчербак А. Соотношение аллитерации и рифмы в тюркском стихосложении // Народы Азии и Африки. – 1961. – № 2. – С. 152.

²²⁰ Orzibekov R. O'zbek adabiyoti tarixi. – Toshkent: O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi Adabiyot nashriyoti jamg'armasi, 2006. – Б. 131.

таркибида худди шундай шаклий янгиланиш мавжудлиги, *мувашишаҳ* ва *марсияларда* ҳам учрайди. Жумладан, Хилватий, Догий, Сухайлий мувашишаҳларидаги шакл ва услуб янгиланиши замондош шоирларга нисбатан *тавиш* санъатидан унумли фойдаланилганини англатади.

Нодимга издош сифатида Ҳайрат, Хилватий, Ибрат, Догий ҳамда Сухайлий каби шоирлар Қўқон ва Наманган шаҳарларида ўтказиладиган адабий йиғинларда фаол иштирок этишган. Нодим Наманганда ўтказиладиган шеърий анжуманларга раҳбарлик қилади. У даврда Наманганга Қўқондан Муқимий, Завкий каби шоирлар ташриф буюриб, шеърий кечалар ташкил қилинар эди. Ўтказиладиган адабий мушоаралар мадрасаларда, Нодимнинг ҳовлисида, шунингдек, Ибратнинг “Исҳоқия боғи”да ҳам ташкил қилинган. Ўтказилган бундай мушоаралар ҳақидаги адабиётларда Муқимий Фурқатнинг чет эллардан юборган мактубидан нусха кўчириб, Нодимга жўнатгани, шоир эса уларни шеърхонлик кечаларида ўқиб бергани баён қилинган²²¹. Нодим бошчилигида ўтказиладиган бундай кечаларда Низомхон, Абдулла Тароқ каби созанда ва хонандалар ҳамда самарқандлик Ҳожи Абдулазиз Абдурасул ўғли, тошкентлик Мулла Тўйчи Тошмухаммад ўғли, Шобарот, Шожалил, хўжандлик Содирхон каби машҳур ҳофиз ва бастакорлар иштирок этишган²²². Муқимий, Фурқат, Завкийлар мансуб адабий доира билан яқиндан ошно бўлган Нодим Муқимий билан бир умрга дўстлашади. Улар шеърий номалар ёзиб, бир-бирларининг шеърларига мухаммас боғлашади. Масалан, Нодимнинг қуйидаги тахмисида Муқимий ғазалининг вазн ва қофияси сақланган ҳолда поэтик фикр ривожлантирилган:

*Фитнаю шўру шарарлар бўлди, Нодим, ошкор,
Азми Батҳо қил, қўй энди коми айши бу диёр,
Хонумон таркин қилиб йўлларда йиғлаб зор-зор,
Неча дерманки, Муқимий гурбат айлай ихтиёр,
Яхшилардан дил узуб гайрат қилолмай догман*²²³.

XX аср бошлари Наманган адабий ҳаракатчилиги намояндалари пешвоси Нодим бошчилигида бўлиб ўтадиган адабий кечалар, Қўқон адабий муҳити намояндалари билан бўлиб турган адабий алоқалар бу давр ижодкорларининг қалами мумтоз адабиёт

²²¹ Қаранг: Халлибеков А. Нодим ҳаёти ва ижоди. – Наманган, 1994. – Б.16.

²²² Қаранг: Кўрсатилган мазба. – Б. 11.

²²³ Нодим. Топилган шеърлар. – Тошкент: Ўзбекистондашр, 1964. – Б.71.

анъаналарига ҳос тамойиллар билан чархланганини кўрсатади. Масалан, бу даврда ҳам шакл, ҳам мазмунга асосланувчи *тавшиҳ* санъатидан унумли фойдаланиш кузатилади. Бунга ўрганилаётган шоирлар ижодидаги мавжуд *мувашишаҳлар* мисол бўлади.

Бу давр ижодкорларн, жумладан, Нодим, Хилватий ва Ибратлар шоир Муқимий билан яқин муносабатда бўлишган. Муқимий Наманганга ташриф буюрганда, Хилватий ҳар гал унинг иштирокидаги адабий йиғинларда қатнашади. Бу учрашувлар натижасида Хилватийнинг Тўйчихон ҳақидаги мувашишаҳига Муқимий муҳаммас боғлаган. Кейинчалик Муқимий у йигитнинг тавсифини Нодимдан эшитиб, “Эшитиб” радибли мувашишаҳ ёзади. Бу мувашишаҳ Хилватий кўлёмаларида сақланиб қолган²²⁴. Муқимийнинг бу мувашишаҳига ўз навбатида Хилватий ҳам қуйидаги муҳаммасини ёзади:

*Хилватий бўлдум гуломи сарнигори сиймбар,
Ким, жамоли бандасидур зухроу шамсу қамар,
Меҳрида собит бўлубман қозидек шому саҳар,
Не ажаб тиксам Муқимий Хилватийдек каффалар,
Йўлларингда мидҳати фазлу камолинг эшитиб (142-бет).*

Мулла Тўйчи – ҳофиз Тошмуҳаммад ўғли (1868-1943) машҳур хонанда, ўзбек ашулачилик санъатининг йирик вакили²²⁵. Намангандаги адабий учрашувларда меҳмон бўлган ушбу хонандага атаб Наманган адабий ҳаракатчилиги намояндалари кўплаб мувашишаҳ битишган. Хилватий ижодида Мулла Тўйчихонга атаб ёзилган мувашишаҳлар сони ўн битта бўлиб, шоир уларнинг барчасида мувашишаҳ ёзиш анъанасига риоя этган. Масалан, қуйидаги мувашишаҳ байтларининг биринчи мисраларидан Тўйчихон исми ҳосил бўлади:

*Табассум қилдингу бағрим жароҳат қилди мужгонинг,
Бало захробини мамзужси шарбат қилди мужгонинг.*

*Висолинг базмида тийри нигоҳингдин шахид эттинг,
Биҳамдшлаҳки, шоҳона зиёфат қилди мужгонинг.*

*Ёмон лабташнаи оби бақои тиг эди жоним,
Манга лутф этти бу сувни, каромат қилди мужгонинг.*

²²⁴ Қараи: Хилватий. Девон. – Тошкент: Фаи, 2001. – Б. 30. Илоҳ: Бундан кейинги мисоллар шу девондан олинди ва саҳифаси байт охирида кўрсатилади.

²²⁵ Халилбеков А. Нодим ҳаёти ва ижоди. – Наманган: Наманган, 1994. – Б. 81.

*Чиқиб ширатсародин, ишқ элига бир нигоҳ эттинг,
Ҳалок ўлди ҳама бир йўл, қиёмат қилди мужгонинг... (188-
бет).*

Фурқатнинг ҳам Тўйчихонга атаб ёзган мувашшаҳи бор:

*Терму тоби бодадин рухсори ахмар устида,
Қатра-қатра ёки шабнамлар гули тар устида*²²⁶.

Ушбу ғазал байтларининг биринчи мисралари бошидаги харфларни бир-бирига қўшсак, араб ёзувидаги “Тўйчихон” исми хосил бўлади.

Хилватий ижодида мумтоз адабиёт анъаналари асосида ёзилган 105 та мувашшаҳ бор. Хилватий билан, айниқса, Қўқон адабий мухити намояндаларидан Ҳожи Муҳйи орасида биродарлик ва дўстлик алоқаси яхши бўлган. 1895 йили Муҳйи Наманганга келиб, шаҳарнинг бош оқсоқоли Мирза Раҳим кўрбоши ва бошқалар уйда бир неча кун меҳмонда бўлади. Бу меҳмондорчиликда Лангарий, Нодим, Хилватий ва шаҳарнинг бошқа кўзга кўринган кишилари иштирок этишган. Муҳйи Қўқонга қайтгач, наманганликлар номига атаб «Экан» радифли қасида ёзиб уларга юборган. Қасидада Наманган аҳлининг диёнати, ахлоқ-одоби, меҳмондўстлигини мадҳ этган шоир у ердаги олиму фузалолар, адибу шоирлар номини бирма-бир тилга олади:

*Эй Наманган аҳли, сизга дўстлик даркор экан,
Чунки сизларда русуму одамият бор экан (278-бет).*

Наманган олиму фозиллари илтимоси билан Хилватий бу қасидага 166 байтдан иборат “Экан” радифли жавоб ёзган. Жавоб Муҳйи қасидасининг қофия ва вазнини сақлаган ҳолда, Яратганга ҳамд, пайғамбарга наът билан бошланади:

*Ҳамд ангоким, лутфи айби бандага саттор экан,
Маъсият аҳлига маҳшар даштида гаффор экан.*

*Хок то тўққуз фалак оёти ваҳдонийяти,
Зарра то хуршид нури зотидин осор экан (279-бет).*

Муҳйи ва Хилватий Мирзо Раҳим кўрбоши номига қасида битишган. Муҳйи Мирзо Раҳим Додхоҳ номига 14 байтдан иборат “Додхоҳ” радифли қасида ёзган:

*Эй Наманган кишварига боадолат Додхоҳ,
Айласун сизни ҳамиша Ҳақ, саломат, Додхоҳ (288-бет).*

²²⁶Ҳожиахмедов А. Муътоз малоҳият сирлари. – Тошкент: Шарк. 1999. – Б. 62.

Хилватий Мирзо Раҳим қўрбоши илтимоси билан унга ҳам маснавий усулида 124 байтдан иборат қасида ёзади. Мирзо Раҳим Додхоҳ Хилватийдан унга бағишланган иккинчи қасидага ҳам жавоб ёзишни илтимос қилади. Шоир бу қасидага маснавий усулида 55 байтли жавоб ёзган:

*Сипойиш бо Худойи ҳайо маъбуд,
Ки бизларни адамдин қилди мавжуд.*

*Сипо йил ангаким, қилди суҳан санж,
Суҳанга табъимизни айлади ганж (298-бет).*

Мирзо Раҳим Додхоҳ қасидани бир чопон билан Қўқонга Мухйига юборади. Қасидадан хурсанд бўлган Мухйи дуо тарикасида унга бағишлаб ўзининг 16 байтдан иборат “Ўлсун” радифли қасидасини 1899 йил 21 октябрь куни Мирзо Раҳим қўрбошига юборади. Хилватий ушбу қасидани ҳам ўз қўлёзмасига киритади.

Фурқат Аъзамхон деган Қўқоннинг нуфузли кишиси номига “Ман ҳам” радифли мувашшаҳ ёзган. Мувашшаҳ Хилватийнинг иккинчи қўлёзма китобида берилган:

*Асиру зулфи ўлсанг, кокулунгга мубтало ман ҳам,
Хароби холим эрсанг, холингга бағри адо ман ҳам (28-бет).*

Қўқонлик яна бир фозил киши Абдужалилхон билан Аъзамхон яқин дўст бўлишган. Аъзамхон Наманганда яшаётган Хилватийдан Абдужалилхонга атаб мувашшаҳ ёзишини илтимос қилган ва Хилватий Фурқатга назира қилиб Абдужалилхон номига “Ман ҳам” радифли мувашшаҳ ёзган. Ушбу шоирларнинг бир-бири ғазалига мухаммас боғлаши улар ўртасидаги мустаҳкам адабий алоқанинг яққол намунасидир.

Суҳайлий ҳам тавших санъатидан маҳорат билан фойдаланган. Шоирнинг “Баҳромжон” исмига ёзилган мувашшаҳи бу фикрни тасдиқлайди:

*Бўлса шояд кечалар қилган дуойим мустажоб,
Айласанг лутфинг насимидин умидим баҳраёб.*

*Ҳарна қилсанг, йўқ иложим, ихтиёрим сендадир,
Мен гадоман дарғаҳингда, сен шаҳи олийжаноб.*

*Раҳм этиб, номехрибоним, сўрмадинг ҳолинг на деб,
Бокки бир бу ранги рўйимга, эрур ҳолим хароб.
Ошнолик шевасин тутгил, вафо расмин юрит,
Ишқ қонунида қилгил марҳамат, кўргиз савоб.*

*Мосиво бўлдим, тушиб савдойи ишқинг бошим
Бир сени деб ўзгадин кечдим, қилиб жисмим туроб*²²⁷.

Ушбу ғазал саккиз байт бўлиб, унинг аввалги беш байти ва қолган уч байтидаги **ж, о, н** ҳарфлари орқали “**Баҳромжон**” исми ҳосил бўлади.

Наманган шоирларининг мувашшаҳларида Қўқон адабий муҳитининг Фуркат, Муқимий, Муҳйи, Закий каби шоирлари анъаналари муносиб давом этгани кузатилади. Таъкидлаш жоизки, мувашшаҳлар назмий анъанани давом эттириши жиҳатидангина эмас, ижодкорнинг адабий давраси, яқин кишилари билан муносабати, бошқача айтганда, таржимаи ҳолига доир қимматли маълумотларни аниқлаш мумкинлигига кўра ҳам аҳамиятлидир.

XVIII асрнинг охири XIX асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этган шоир Махмурнинг ҳам саёҳатнома ёзганлиги маълум. Ўзбек адабиётида алоҳида поэтик шаклда тартиб топган, кейинчалик адабий анъана тусига кирган бу жанрнинг асосчиси Муқимийдир. Муқимийданкейин, худди шу услубда Завқий, Фуркат, Тажаллий ва шоирга замондош бошқа ижодкорларнинг “Саёҳатнома”лари яратилди. Хилватий “Сайрул жибол” асарини ўзидан олдинги шоирлар анъаналарини ижодий давом эттирган ҳолда яратди. Асар куйидаги ички тузилишга эга: Кириш (саёҳатга чиқиш эҳтиёжи, сабаблари насрий усулда баён этилган); йўл хотиралари баёни (йўл хотиралари батафсил баён этилган); хотима (саёҳатдан муайян хулосалар чиқарилган). Аммо ушбу асар Муқимийнинг “Саёҳатнома”сидан ўзига хос композицион қурилиши жиҳатидан фарқ қилади. Асар 16 боб бўлиб, ҳар қайси бобга форсча сарлавҳалар қўйилган²²⁸. У 557 байт (1114 мисра)дан иборат. Асар композицион тузилишига кўра кириш, 3 асосий қисм ва хотимадан ташкил топган. Асарда насрий усулда ёзилган кириш мавжуд. Асарнинг 1-қисмида маснавий усулида ёзилган ҳамд ва наът, 18 байтли муқаддима ҳамда 2-қисмида саёҳат таассуротлари, 3-

²²⁷ Сухайлий. Ёдгорим. – Тошкент: Fikr-Media, 2009. – Б. 89. Изох: навбатдаги байтларда ушбу манбанинг саҳифаси келтирилди.

²²⁸ Хилватий. Сайрул жибол. – Тошкент: Фаъ, 2009. – 88 б.

қисмида эса Хилватийнинг Саййид Бурхонхўжа эшон ибни Аминхўжа эшон билан учрашгани ва шоирнинг ушбу асарни Мавлавийхон эшон ҳузурда ўқиб бериши воқеалари баён этилган. Асар сўнгида форс тилида насрий хотима ҳам ёзилган.

Хилватий “Сайрул жибол” асарида Шарқ адабиётидаги мавжуд анъаналарга риоя қилган, яъни асар маснавий усулида, арузнинг рамали мусаддаси маҳзуф (фоилотун, фоилотун, фоилун) вазнида битилган. Асар тил, услуб, оҳанг ва тасвирий воситалар қўллаш жиҳатидан ўзига хослиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Асар Аллоҳга ҳамду санолар айтиш, Унинг Зотини улуғлаш, юзлаб сифатларини бадиий бўёқларда тасвирлаши билан ҳам бошқа “Саёҳатнома”лардан ажралиб туради. Шоир “Сайрул жибол” асарида олам ва одамни яратган Алоҳнинг буюклигини қуйидаги байтларда изҳор этган:

*Ҳамд ангаким, боғу роғу Қўҳсор,
Қудрати волосин айлар ошкор.*

*Тоглар узра набототу гиёҳ,
Зоти беҳамтосигадулар гувоҳ.*

*Фаршдин то арш оёти эрур,
Мазҳари сунъи камолоти эрур.*

*Ҳар қаю шайда эрур абсорлар,
Фаҳм қилгайлар баса асрорлар*²²⁹.

Дунёнинг яратилишини диний нуқтаи назардан тушунган шоир Аллоҳнинг қудрати олдида лол қолмоқда. Сўфиёна қарашлар, тажалли назариясига асосланиб фикр юритаётган чоғ ҳар бир нарса замирида: гулу майсада, буду нобудда Ҳақ жилвасини, гўзаллигини кўриб таҳсин ўқимоқда. Куръони Каримнинг “Фотиҳа” сурасидаги “Ҳамду сано бутун оламлар хожаси, меҳрибон ва раҳмли, жазо кунининг эгаси – подшоҳи бўлмиш Оллоҳ учундир”²³⁰, деган оятни эсласак, шоир ҳамдларида айтилган фикрларнинг нечоғли ўринли эканини англаймиз.

Шоир ижодидаги ҳамд ғазаллар, “Сайрул жибол”, “Чароги мактаб”, “Мавлуди Шариф” рисоалари Ҳақни танишга, илоҳий

²²⁹ Хилватий. Сайрул жибол. – Тошкент: Фан, 2009. – Б. 16.

²³⁰ Куръони Карим. Ўзбекча изоҳли таржима / Таржима ва изоҳлар муаллифи: Алоуддин Мансур. – Тошкент: Чўлпон, 1992. – Б. 5

муҳаббат сари интилишга йўл очиб беради. Зеро, Ҳаққа етишиб, комил инсон бўлиш, оламни тушуниш ҳар бир инсоннинг орзусидир.

Шоирнинг мумтоз адабиёт анъаналари асосида яратилган пайғамбарлар ҳаёти билан боғлиқ воқеа-ҳодисаларни акс эттирувчи ижод намуналари мавжуд. Жумладан, Аҳмад Яссавий, Сулаймон Бақирғоний, Рабғузий, Навоий, Машраб, Суфи Оллоёр каби кўплаб шоирлар мурожаат қилган ушбу мавзу Хилватий ижодида ўзига хос ўрин тутди. “Қил тамаъ” радибли ғазалнинг ҳар бир байтида пайғамбарларнинг ибратли ишларига ишора этилганини гувоҳи бўламиз:

Ғам ема ризқинг учун қодир Худодин қил тамаъ,

Тавбаи мақбулни Одам Атодин қил тамаъ (134-бет).

Бу ғазалнинг биринчи байти бўлиб, шоир: “Бу фоний дунёда ризқинг учун ғам ема, ризқингни Аллоҳдан сўра”, - деб Аллоҳ таолонинг ҳар нарсага қодирлигини ва тавба қилишни Одам Атодан ўрганиш кераклигини уқтирмакда. Чунки Одам Ато ва Момо Ҳавонинг гуноҳлари беҳисоб тавбалари эвазига Аллоҳ томонидан кечирилган. Бу билан Одам Ато билан боғлиқ ривоят эсга олинмокда.

Ғазалнинг сўнги байтлари пайғамбар Муҳаммад Мустафо (с.а.в) ҳақларида бўлиб, шоир талмеҳ санъати воситасида ўз фикрини қуйидагича баён этади:

Ё раб, умматлар гуноҳин мағфират қил, деб тилаб,

Осийларнинг қадрини ул Мустафодин қил тамаъ.

Сони искайн изҳумо фил гор қурбайн билгаш,

Сидқ элига сарвари соҳиб вафодин қил тамаъ (135-бет).

Ё Раббим, умматларим гуноҳини ўзинг кечир, – деб сўраган ва ўзига бўйсунмаган гуноҳкор умматларининг ҳам дилини огритмаган, уларнинг ҳам қадрини билган Муҳаммад Мустафодан вафони тамаъ қил, деб шоир пайғамбарнинг ўзига хос сифатларига ишора этиб, талмеҳ санъати орқали фикрини баён қилмокда. Иккинчи байтда ғордаги икки бир-бирига яқин киши, яъни пайғамбаримиз Муҳаммад(с.а.в) ҳамда уларнинг содиқ дўстлари Абу Бақир (р.а.) ҳақида фикр юритиб, уларнинг садоқат, вафо бобида тенгсиз эканликларига ишора қилади. Хилватийнинг бу ғазали бошидан охиригача талмеҳ санъати асосига қурилган. Ҳар бир байтда пайғамбарларнинг сифатлари ва ибратли ишларига доир маълумотларга ишора қилинган.

Хилватий Аҳмад Яссавий, Сўфи Аллоёр, Сулаймон Боқирғоний, Ҳожи Муҳйилар каби диний асарлар ёзиб, ёшларни мусулмончиликнинг тартиб-қоидалари билан таништиради. “Чароғи мактаб”, “Мавлуди шариф” каби асарлари борлиги учун ҳам мустақиллик давригача унинг ижоди ўрганилмади. Хилватийнинг “Мавлуди шариф”²³¹ асарида Муҳаммад (с.а.в) нинг меърожлари баёни учрайди. Бу асар Хилватийнинг пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) меърожлари билан боғлиқ Шарқ адабиётида яратилган “Меърожнома”лардан хабардор эканини билдиради. Жумладан, у Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Рабғузий, Алишер Навоий, Машраб, Имом Барзанжий, Сўфи Оллоёр²³² каби шоирларнинг Муҳаммад (с.а.в) мавлудлари ҳақидаги асарларидан таъсирланган. Шоир улардан илҳомланиб, анъанавий мазмунга ўзгача тасвир услубини қўшади. Унда Муҳаммад (с.а.в) нуридан бу олам яратилгани, яъни нури муборак, дастлаб, тўрт қисмга бўлингани, биринчисидан қалам, иккинчисидан лавҳ, учинчисидан арши азим ва ниҳоят, тўртинчи қисмини яна тўрт қисмга бўлиб, биринчисидан осмон, иккинчисидан ер ҳамда учинчисидан жаннат ва дўзах яратилади. Нури муборакнинг тўртинчи қисми яна тўрт қисмга ажратилиб, биринчисидан мўмин аҳли кўзларига нур, иккинчисидан дилларига нур, учинчисидан эса кароматлар ва ниҳоят тўртинчи қисмидан пайғамбар Муҳаммад (с.а.в) нури мавжуд қилингани баён этилади. Воқеаларни бу тарзда схемали тасвирлаш шоирнинг халқ оғзаки ижоди ҳамда Қуръон оятларидан яхши хабардор эканини англатади. Хилватийнинг “Мавлуди шариф” асарида 189 байтли “Меърожи ан-набий саллаллоҳу алайҳи васаллам” номли бобнинг берилиши асар композицияси бошқа “Меърожнома”ларга нисбатан анча мукамал сюжетга эгалигидан далолат беради. Айрим ўринларда асар сюжети билан боғлиқ воқеалар баёнида фарқли жиҳатлар мавжуд. Масалан, ранглар тасвири билан боғлиқ эпизодларда меърож жараёнида юз берган воқеалар турлича ҳикоя қилинади. Хилватий “Меърожнома”сида кўкка парвоз қилиш йўлида оққан маржон-маржон терлардан, яъни Муҳаммад (с.а.в) терларидан оқ гул, Буроқ исмли тулпорларидан оққан тердан кўк гул, Жаброил (с.а.в) терларидан яшил майса ва кизил гул униб чиққани айтилган. Бошқа адабиётларда, жумладан,

²³¹ Хилватий Мавлуди шариф. – Наманган: Наманган, 2000. – Б. 51-61.

²³² Қаранг: Имом Барзанжий. Мавлуди шариф. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2014. – 104 б.; Меърожнома. – Тошкент: Ёзувчи, 1955. – 96 б.

Сулаймон Боқирғоний ижодида эса меърож билан боғлиқ воқеаларда сарик, яшил, кизил, оқ рангли тўн ҳақида сўз боради:

*Тўрт тўн келди расула: сориг, яшил, қизил, оқ,
Сориг, қизилни қўйди, яшил, оқни олдиё,
Пайгамбарлар тўнидир, яхши қилдинг теодиё.
Расул айди, эй амин, ажсабдурур бу мушқул,
Согдин-сўлдин келгон ун, на ундур ул теодиё*²³³.

Рабғузийнинг “Қисасул анбиёи туркий” асарида эса меърож ҳақидаги тасвирлардан бирида оқ, яшил, қора, сарик ранглар билан боғлиқ воқеа учрайди: “Андин ўтуб борур эрдим, бир фаришта тўрт тўн келтирди. Бири оқ, бири яшил, бири қора, бири сарик экан. Оқ бирла яшилни хоҳладим. Биродарим: оқ тўн шарият, яшил тўн муъминлар, қораси кофирлар, сариғи жухудлар тўни эрди, ани олмоғонингиз хўб бўлди,— дедилар”²³⁴. Бу ранглар изоҳи билан боғлиқ тасвирлар бошқа меърожномаalarda учрамайди.

XX аср бошларида яшаб ижод этган шоиралар Нисо ва Хоний адабий меросида ҳам Муҳаммад (с.а.в) ҳақидаги қиссаларнинг шеърий шакллари учрайди²³⁵. Уларда воқеалар мусаддас жанрида тасвирланган, Хилватий эса маснавий усулида Муҳаммад (с.а.в) ҳаётлари ҳақидаги воқеаларни нисбатан мукамал эпик тасвирда баён этган.

Мумтоз адабиёт намояндалари ижодига хос хусусиятлардан яна бири асарларни ҳамд ва наът билан бошланишидир. Хилватий ижодида бу ҳодисага кўп дуч келамиз, чунки барча асарлари Яратганга ҳамд билан бошланган. Хилватийнинг илоҳий муҳаббат билан йўғрилган ҳамд мавзусидаги байтларини тасаввуф фалсафасига боғлаб ўрганиш шоир қалбидаги ҳис-туйғуларни аниқроқ тушунишимизга ёрдам беради:

*Шерику ажз йўқ зотингда, ваҳдат бирла қудрат бор,
Фано йўқтур, бақо бор, йўқ ила борингга салламно.*

*Бири лутфинг баҳоридур, бири қаҳринг шароридур,
Ясалгон ҳикматингдан жаннату норингга салламно.*

Жаҳон миръотида акси камолотинг қилур жилва,

²³³ Меърожнома. – Тошкент: Ёзувчи, 1955. – Б. 13.

²³⁴ Меърожнома. – Тошкент: Ёзувчи, 1955. – Б. 67.

²³⁵ Қаранг: Эшпнова С. XX аср бошларидаги Қўқон шоирлари (Нисо ва Хоний): Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2006. – Б. 97.

Мазохирларда бўлгон зоҳир анворингга салламно... (114-бет)

Шоир Хилватий юқоридаги байтда ошиқ тилидан Маҳбубининг бетакрор сифатларини санаб, Унга таҳсин ўқимокда. Олам ва унинг ашёларида, унинг ҳар бир заррасида Хусни Мутлақ жамоли акс этганини ҳис қилган ошиқ тазод санъати воситасида Аллоҳнинг қудрати олдида инсоннинг нақадар ожизлигини баён қилмоқда. *Фано, бақо; бор, йўқ; лутф, қаҳр; жаннат, нор* каби бир-бирига зид тушунчаларни қўллаб, Аллоҳнинг буюклигини таъкидламоқда.

Адабиётшунослик илмида диний-тасаввуфий йўналишдаги асарларни шарҳлаш ёки таржима қилиш анъанаси мавжуд. XX аср бошларида диний асарларни ўқишга бўлган эҳтиёж кўп бўлгани сабабли Ибрат ҳам бу мавзуга мурожаат қилади. Ислом дини арконлари ҳақида маълумот берувчи Лутфуллоҳ Насафий Кайдоний (ваф. 1349)нинг “Фикҳи Кайдоний” асарини Ибрат “Фикҳи Кайдоний назми”²³⁶ номи билан араб тилидан туркий тилга таржима қилган. Ушбу асар 240 байт, 29 саҳифадан иборат бўлиб, мумтоз адабиёт анъаналарига мувофиқ арузнинг хафифи мусаддаси маҳбуни мақтуъ (-V- - // V-V- // - - // фоилотун мафоилун фаълун) вазнида ёзилган. Асар муқаддимасида Аллоҳ таолонинг қудрати васф этилган:

Ўн саккиз минг жаҳони холиқдур,

Жумла кавнайн барча содиқдур (12-бет).

Маснавий йўлида битилган беш байтдан сўнг Муҳаммад (с.а.в.) хусусида сўз кетади. Пайғамбаримиз Муҳаммад(с.а.в)га Жаброил (а.с.) воситасида Қуръони карим нозил қилингани ва бу ҳужжат инсониятни маърифатга бошловчи бир манба экани айтилади:

Шукри лиллоҳки, уммати Аҳмад

Айлади, бизга берди бу ҳужжат (13-бет).

Сўнгра шоир асар ҳақида сўз юритади:

Фикҳ назмина айлади иқдом,

Шоят ўлгай бу бандага бир ном... (16-бет).

Ёки:

Икки юз қирқ банд байт этдим,

Фикҳ сайдини назма қайд этдим... (16-бет).

Асарнинг асосий қисми ҳамду наътдан бошланади, сўнгра

²³⁶ Қаранг: Ибрат И. Фикҳи Кайдоний назми. – Тошкент: Movagullpahr, 2012. – 96 б. Изоҳ: наватдаги байтлар шу манбадан олинади ва саҳифаси келтирилади.

бирор асарнинг таржимаси эмас, балки ўзининг ижод маҳсулидир. Асар 210 байтдан иборат бўлиб, арузнинг ҳазажи мусаммани солим (V- - - // V- - - // V- - - // V- - - // мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун) вазнида ёзилган. Хилватийнинг “Чароғи мактаб” асарида байтлар мазмунига мувофиқ араб ва форс тилларида ёзилган 54 та насрий сарлавҳа мавжуд. Бу асарда Аллоҳнинг сифатлари, Куръонда зикр этилган 25 пайғамбар, пайғамбарларга берилган мўжизалар; авлиёлар каромати; Муҳаммад алайҳиссалом сифатлари; меърож воқеаси; инсон феъл-атвори қандай бўлиши; ҳаром ризқ ва шубҳали ризқ; қиёмат ҳисобкитоблари; жаннат неъматлари; осийларга дўзах азоблари; қиёмат аломатлари; ислом ва иймон, намоз фарзлари, ислом шартлари, рўза рукнлари, ҳаж фарзлари ҳақида қисқа-қисқа шеърий усулда фикр билдирилган.

XX аср бошларида яратилган бу икки асар ўқувчиларни мусулмончилиكنинг бошланғич таълимоти ва ахлоқ-одоб йўл-йўриқлари билан таништиришда ҳамда мадраса илму толибларига фикр илмини қиёсан таҳлил этиб ўрганишларида муҳим аҳамият касб этади.

Мумтоз адабиёт жанрларида ижод қилган ушбу шоирларимизнинг ижодий салоҳияти ҳақида сўз борганда, уларнинг нималарни тасвирлаши билан бир қаторда, қандай тасвир усулларидан фойдаланиши ҳам эътиборга лойиқдир. Мумтоз адабиётимизнинг таниқли намояндалари изидан борган Сўфизода байтлар таркибида қатор шеърий санъатлар қўллаб, бетакроп тасвир усули яратади. Масалан, қуйидаги мисраларда шоир ҳам мазмун, ҳам шаклга асосланган мусалсал (ташобех ул-атроф) санъатидан моҳирона фойдаланган:

*Ғубору дарду алам сийналарни қилди фигор,
Фигор қилгуси, албатта, заҳри зангу ғубор.*

*Чу дор остида қолдим, тараҳҳум айла, нигор,
Нигор қилса ғазаб, лозим ўлмасунму чу дор.*

*Шоири шўълаи шавқингда лайл бўлди наҳор,
Наҳор васлинг учун ҳажри шом топди шиор (66-бет).*

эттирувчи ва жадидчилик ҳаракати билан боғлиқлигини таъкидлаб: “Ибратнинг тарих ёзишга иштиёқи аср бошларидан бошланган бўлиб, дастлабки тадқиқоти “Жанд шаҳри хусусинда” деб номланган²⁴²”лигини эътироф этади.

А. Жалолов ва Ҳ. Ўзганбоевларнинг “Ўзбек маърифатпарварлик адабиётининг тараққиётида вақтли матбуотнинг ўрни”²⁴³ рисоласи ҳамда “Туркистон вилоятининг газети”га тузилган библиографик кўрсаткич²⁴⁴да “Туркистон вилоятининг газети” саҳифаларида шоирнинг айрим ўзбек ва форс тилидаги шеърлари ҳам нашр этилгани ҳақидаги маълумотлар акс этган.

Ибратнинг Амир Темур даврида барпо этилган иморатларни таъмирлашга бағишланган “Редакцияга хат” сарлавҳали мақоласида айтилишича, “Туркистон Археология хаваскорлари” жамияти томонидан рўзноманинг 1907 йил 91-сонидан бошлаб бир неча сонидан Амир Темур даврида барпо қилинган биноларни, яъни “Аҳмад Яссавий” мақбарасини таъмирлаш ишлари қай тарзда амалга оширилиши мумкинлиги ҳақида қайта-қайта мулоҳаза сўралади. Шоирнинг кузатувиغا кўра, унга ҳеч қандай жавоб бўлмайди. Бундан таъсирланган Ибрат таҳририятга жавоб хати йўллайди. Мақолада иморатларни таъмирлаш ҳақида унинг фикр-мулоҳазаси ўрин олган. Шоир нафақат диний-маърифий, тарихий, илмий, бадиий асарлари орқали, балки матбуотда чоп этган мақолалари билан ҳам замондошлари қалбига илм-маърифат, маданият уруғини сепа олган. У мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ва маънавий соҳалари ривож топишида илмли кишилар муҳимлигини англаган ҳолда барча соҳалардаги қолоқликни ёритишга, тараққиётга тўсқинлик қилаётган қусурларни фож этишга, ҳатто мустамлакачилик даврида ўз жонини хатарга қўйиб, замона шиддатига тескари бўлган камчиликларни бартараф этишга уринди. Ҳаётда юз бераётган ҳар қандай ўзгариш ва ривожланиш Ибрат публицистикаси учун асосий мавзу бўла олган. Мақолаларида таълим-тарбия, маориф, фан ва маданият, техника соҳасидаги янгиликлар акс этган. Авлодларни илм-маърифатли,

²⁴² Воҳидова К. Исроҳон Жушайдуллоҳхўжа ўгли Ибрат ва унинг тарихий-илмий мероси: Тар. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2002. – Б. 32.

²⁴³ Жалолов А., Ўзганбоев Ҳ. Ўзбек маърифатпарварлик адабиётининг тараққиётида вақтли матбуотнинг ўрни. – Тошкент: Фан, 1993. – Б. 25.

²⁴⁴ Туркистон вилоятининг газетига тузилган библиографик кўрсаткич / Тузувчи: Файзуллаев Р. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2008. – 107 б.

комил инсон бўлишга чорлаб ёзган ушбу мақолаларида қаламга олинган мавзулар ранг-баранглиги шоирнинг ижтимоий-сиёсий дунёқараши кенглигидан далолат беради.

Инсонларнинг жамиятдаги фаоллиги ошгани сабабли XX аср бошларида замон воқелиги тасвири етакчи ўринга чиқди. Ибратнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари акс этган шеърлари даврий матбуотда эълон қилинган. Жумладан, “Воқеаи зилзилаи Андижон” номли ўн уч бандли мусаддасида зилзила туфайли кўп талофот кўрган андижонликларга ҳамдардлик билдирилади. Шоир зилзила тафсилотлари ҳақида Аллоҳнинг ҳукми билан рамазон ойининг ўн бешинчи куни Андижонда кучли зилзила юз бергани, бу вақт соат тунги икки ярим бўлиб, жумла аҳоли рўзадорлиги ҳақида баён этади:

*Бўлди ажсаб зилзила маҳшарнамун,
Пиру жавон бўлди дили тўла хун,
Тушмасун ҳеч кимни бошига у кун,
Элни солиб кулфата бу даҳри дун,
Кетти бино боши таҳи по ўлуб,
Таърих анго зилзила ғабро ўлуб...²⁴⁵*

Мусаддасда жамиятдаги адолатсизлик, фитна ва игволарнинг хаддан ошиб кетиши, ҳалоллик ва бараканинг йўқолгани боис зилзила юз бергани ҳақида аҳоли орасида тарқалган турли-туман миш-мишлар ҳам қаламга олинган. Унда зилзила туфайли мадраса-масжидлар вайрон бўлгани, уларни тиклаш учун кўп маблағ кетиши ва юз берган зарарни қоплаш учун келтириляётган ёрдам ҳақида ҳам маълумотлар учрайди. Шеър сўнгида шоир “Улул албобларга маълум ва макшуф ўлгойким, зилзилаи ғабро ўлуб Ибратийдин. Бино бошиким ҳарф “Б” дур. Исқот қилинса, бир минг уч юз йигирма ҳосил бўлса керак”, – деб, *тарих* санъатидан фойдаланиб, зилзила ҳижрий 1320 йил, милодий 1902 йил содир бўлганини баён этади. Ушбу мусаддасда “бу тун”, “бутун” сўзлари оркали шоир тажнис санъатидан моҳирлик билан фойдаланади. Исҳоқхон Ибратнинг тарих санъати акс этган асарлари адабиётшуносликда бир неча тарихий маълумотлар санасини аниқлашда аҳамиятлидир. Адабиётшуносликда тошкентлик шоир Каримбек Камийнинг ҳам ҳудди шу зилзилага атаб ёзган “Андижон зилзиласи хусусида” шеъри борлиги ҳақида маълумот учрайди²⁴⁶.

²⁴⁵ Туркистон вилоятининг газети, 1903, 8 март. – № 9.

²⁴⁶ Тўлабасо О. Каримбек Камийнинг ҳаёт ва ижод йўли: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2010. – Б. 93.

тайёрланган ушбу асардаги маълумотлар қадимий китоблардан олинган бўлиб, унда инсоннинг қиёфасига қараб, феъл-атворини аниқлаш мумкин бўлган ҳолатлар қаламга олинган), Ибратнинг “Жомеъ ул хутут”, Мулла Усмоннинг “Ажойиб жомеъул фазойил” (“Ажойиб фазилатлар тўплами” 74 саҳифадан иборат бўлиб, ҳижрий 1331, милодий 1913 йилда Ҳ.Мақаев томонидан нашрга тараққиёти ва турли янгиликлар ёритилган) каби асарлар шулар жумласидандир. Татар қушиқчиси Комил ал Мутеъиннинг Наманганга ташрифи муносабати билан у куйлаган қушиқлар мажмуаси жамланади ва 37 саҳифадан иборат ушбу мажмуа ҳам 1915 йилда Намангандаги “Матбааи Исоҳқия”да чоп этилади. Ушбу матбаанинг илм-маърифат тарқатиш мақсадида ташкил қилинганлигини яна шундан ҳам билишимиз мумкинки, Ибрат матбаа муҳрига нур таратаётган қуёшнинг тасвирини ишлаб, қуёш ичига “илм” сўзини ёзган. Бу билан шоир илмни нур сочаётган қуёшга ўхшатади. Бу рамзий тасвир мазкур матбаада чоп этилган барча китоблар муқовасининг юқори қисмида мавжуд Ибрат ўзининг ўн уч байтли “Тарихи чопхона” ғазалида ушбу босмаҳонани очишдан мақсад оламга илм нуруни таратиш эканлигини айтади. Нодир қўлёмалар жаҳон юзини қуриб, авлодларга маънавий мерос бўлиб қолишини чин дилдан хоҳлаган шоир ёшларни илм-маърифат эгаллаб, эзгу ном қолдиришга чорлайди:

*Мақсад бу ишдан эрди оламга илм касри,
Ҳам қўймоққа асарлар ёдовари жаҳона.*

*Биздин кейингилар қўб илму ҳунар топарлар,
Ҳайфоки, анда биз йўқ, йўқ эътимодхона.*

*Оламдан ушбу она сонсиз кишилар ўтди,
Мингдин бири қўюбдур оламга бир нишона²⁵⁶.*

Ибрат моддий жиҳатдан у қадар бой инсон бўлмаса-да, лекин маънавий бойликни барча нарсадан устун қўювчи маърифатпарвар шоир эди. Бу ёруғ оламда қўп бойлик тўплаб, лекин ҳеч кимга яхшилик қила олмаган, эзгу ишлар билан ўз умрини бойита олмаган кимсаларга ачиниш ҳисси уни доимо ҳушёрликка чақирган:

²⁵⁶ Ибрат. Ажзий. Сўфизода. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 1999. – Б. 60.

*Мен катта бой эмасдим ким айламас биное,
Дахлим етишмас эрди рўзгори чою ноно.*

*Сад хайфким, ганилар сарфини билмадилар,
Еб-ичдилар семуруб, сизмай туруб чопона.*

*Ўз асримизда ўтди бир неча агниёлар,
Қолдирмайин нишона ер остин этти хона.*

*Бул сенга катта ибрат, ҳушёр бўлки кетди,
Эмди сенга келурму кетган у ота-она²⁵⁷?*

Ибрат “Тарихи чопхона” шеърида матбаанинг ташкил қилиниши, унинг тараққиёти ва келгуси мақсадлари ҳақида ҳам баён этади. Бу даврда матбаа Туркистон миқёсида катта аҳамият касб этган. Ушбу босмахона ҳам ўлкада энг кўзга кўринган илм-маърифат тарқатувчи масканлардан бири эди. Наманган адабий ҳаракатчилиги намояндалари XX аср бошларидаги ижтимоий-сиёсий вазиятни чуқур англаган ҳолда ижод қилишди. Асарларида маърифатли, зиё тарқатувчи инсон образи шаклланди. Бу борада Ибратнинг педагогик фаолияти XX аср бошлари Наманган адабий ҳаракатчилиги намояндалари орасида ўзига хос ўрин тутди. Туркистондаги XIX аср охирларида ташкил топган дастлабки жадид мактаблари ҳақида сўнги тадқиқотларда, жумладан, А.Худойкулов Самарқанддаги 1893 йилда очилган савдогар Хусайнов мактабини кўрсатса²⁵⁸, Г.Солижонова 1898 йилда Андижонда очилган Салоҳиддин домла мактабини тилга олади²⁵⁹. Илмий изланишлар натижасидаги маълумотларга кўра, Туркистондаги биринчи жадид мактаби Ибрат томонидан 1886 йилда очилган деб, эътироф этилади²⁶⁰. Америкалик жадидшунос олим А.Холиднинг “Мусулмон маданий ислохотларининг сиёсатчилари. Ўрта Осиёда жадидизм” номли асарида ҳам 1886 йил Туркистонда очилган 1-жадид мактабининг асосчиси этиб Ибрат

²⁵⁷ Кўрсатилган манба. – Б.60.

²⁵⁸ Қаранг: Худойкулов А.М. Просветительская деятельность джадидов Туркестана (конец XIX-нач. XX вв.): Автореф. дис. канд. ист. наук. – Ташкент, 1995. – С. 28.

²⁵⁹ Қаранг: Солижонова Г.Ф. Учебно-просветительские очаги в Туркестане, их общественное значение / конец XIX-XX вв.: Автореф. ... дисс. канд. ист. наук. Ташкент, 1998. – С. 38.

²⁶⁰ Бу ҳақда қаранг: Дольмов У. Исҳоқхон Ибрат. – Тошкент: Шарқ, 1994. – Б. 11; Воҳидова К. Исҳоқхон Жунайдуллохўжа ўғли Ибрат ва унинг тарихий-илмий мероси: Тар. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2002. – Б. 29.

ўртанишига тўғри келди. Айникса, Нодим, Ибрат, Суфизодалар ижодида бу ҳодисани учратиш мумкин. Суфизода келажак авлод тарбиясида онанинг ўрни муҳимлиги, қиз болалар ҳам мактабларда илм олишга ҳақли эканини қаламга олиб, ўз кечинмаларини қуйидагича баён этади. Шоир аёлларни жамиятда фаол бўлишга ундайди ва илм олиш улар учун энг яхши зийнат, деб ҳисоблайди:

*Мунча ёмон шўрлади пешоналар,
Қизларимиз жорияйи хоналар.
Сиз эдингиз жонлара жононалар,
Қадрингизни билмади дебоналар.
Қумри билан булбули бедоналар
Яхши ўқур, сиз ҳам ўқинг, оналар²⁶⁸.*

Шоир ушбу мусаддаснинг ҳар сўнгги бандида ўз фикрини таъкидлаш маъносида “Кумри билан булбули бедоналар, Яхши ўқур, сиз ҳам ўқинг, оналар” жумласини такрорлаш орқали асосий мақсадини баён этади. Мусаддас арузнинг рамали мусаддаси махзуф вазнида ёзилган. Ундаги “пешоналар”, “хоналар”, “жононалар”, “дебоналар”, “бедоналар” ва “оналар” каби сўзлар қофия этиб танланган. Шоирмусаддасда хуружли мутлак қофиядан фойдаланган. Чунки қофиядош сўзлардаги “р” товуши хуруж ҳисобланади.

XX. аср бошлари Наманган адабий ҳаракатчилиги намояндалари ижодида мумтоз адабиёт анъаналари асосида яратилган ҳамд ва наът ғазаллар мавжуд. Масалан, Доғийнинг қуйидаги ҳамд ғазали 8 байт бўлиб, ғазалнинг дастлабки 7 байтида Яратганнинг сифати субутияси саналади:

*Аввал ба номи ҳазрати Худованди Таоло,
Бўлди анинг қудратидин пайдо ҳамма ашё.*

*Улдур Аҳаду Самаду яна бир васфи лам ялид,
Бўлмас баробари анинг дар авжи кибриё²⁶⁹.*

Сўнгги байтда эса шоир Аллоҳнинг сифатларини санаб охирига етиб бўлмаслигига, яъни Унинг тенгсизлигига ишора этади :

*Етмасдур анга ҳеч ақл очмакда на забон,
Не ҳад сенга демак бари васфини Доғиё²⁷⁰.*

²⁶⁸ Ибрат. Ажзий. Суфизода. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 1999. – Б. 218.

²⁶⁹ Доғий. Дилим ихор айлайин дерман. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2006. – Б. 10.

²⁷⁰ Кўрсатилган манба. – Б. 10.

Аmmo янги давр адабиётига хос тамойиллар асосида ҳамд ғазалларнинг байтлари таркибида ўзгариш юз беради. Аслида мумтоз адабиётда ҳамд ғазаллар 7, 9 байтли бўлган. Янги давр адабиётига хос тамойиллар асосида бундай ҳамд ғазаллар 20, 30, 33 байт бўлиши ҳам кузатилади. Ҳамд ғазаллардаги шаклий ва мазмуний ўзгаришлар ҳақида Н.Афокованинг бу давр адабиётига доир олиб борган тадқиқотида ҳам айтиб ўтилган: “Ҳамд ғазаллар миллатни забун аҳволдан, умуман инсоният қалбида уя қурган ёвузликлардан қутқозиш учун оллоҳга муножот тусини олган”²⁷¹.

Аллоҳнинг марҳамати билан миллатни турли офатлардан, қирғинбарот урушлардан сақлаш; инсоният қалбига меҳр-оқибат туйғуларини сингдириш мақсадида муножот шаклида битилган ҳамд ғазаллар шаклий ўзгаришга учраган. Суҳайлийнинг қуйидаги ҳамд-муножот ғазали 16 байтдан иборат:

*Эй улуғ зотингни йўқдур аввалига ибтидо,
На заволу охирига, на тасаввур интиҳо*

*Эй аҳадсан воҳиду бўлмас сенга қуфван аҳад,
Бирлигинга “Қул ҳуваллоҳу аҳад” дур бир гуво.*

*Эй муназзаҳ мислу монанду шарикун жуфтдин.
Поксан, танҳоу танҳоликда йўқ ҳамто сенга*²⁷².

Шоирнинг ушбу ҳамд-муножот ғазалидаги дастлабки 10 байт Аллоҳ қудрати мадҳига багишланади, лекин кейинги бир байтда шоир пайғамбар Муҳаммад (с.а.в) тарихидан сўз очади. Бундан мақсад Муҳаммад (с.а.в) умматларидан эканлигига шукрона келтириш бўлган:

*Бу саодат менга бас: қилдинг Муҳаммад уммати,
Ул шафоат мазҳариким шофеи явмул-жазо.*

Шоир қолган 4 байтда эса Яратгандан қилган гуноҳларини афв этишни сўрайди:

*Борми ҳеч мендинки нуқсонун риёсиз бир амал,
Афвдур Сендин карам, мендин эрур журму хато.*

Кўриш мумкинки, XX аср бошлари Наманган адабий ҳаракатчилиги намояндалари ижодида ҳамд ғазаллар ҳам шаклан, ҳам мазмунан ўзгаришга учраган. Жанр хусусиятига кўра байтлар

²⁷¹ Афокова Н. Ўзбек ҳадид адабиётини шеърини шакллари тарққийети тамойиллари: Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 2005. – Б. 188.

²⁷² Суҳайлий. Елгорим. – Тошкент: Fikr-Media, 2009. – Б. 9.

*Сендан на молу, на от қолсин,
Табли маломат бошингда чолсин,
Дунё матоин ҳар сифла олсин,
Манзур эмасдур мардоналарга*²⁷⁴.

Доғийушбу 14 бандли мураббаъ қофиясини танлашда шакл ва гоёвий мазмун мутаносиблигини сақлаб қолишга эришади. Мураббадаги “майхоналарга”, “бегоналарга”, “фарзоналарга”, “девоналарга”, “мардоналарга”, “паймоналарга”, “кошоналарга”, “домоналарга”, “афсоналарга”, “дурдоналарга”, “парвоналарга”, “мастоналарга”, “пешоналарга”, “жононаларга”, “вайроналарга”, “шоҳоналарга” ва “бу доналарга” каби қофиядош сўзларни тўғри танлаш шоирнинг ўзига хос поэтик услуб эгаси эканини англатади. Мазмундаги мутаносиблик, қофиядош сўзларнинг оҳангдошлиги, товушлар таркибидаги бир хиллик шеърдаги оҳанг тугаллигини таъминлаган. Сўзлардаги “н” ҳарфи “равий” ҳисобланиб, ундан олдин келувчи “о” ҳарфи “таъсис”, равийдан сўнг келувчи “а” ҳарфи “мажро”, “л” ҳарфи “васл”, “а” ҳарфи “нафоз”, “р” ҳарфи “хуруж”, “з” ҳарфи “мазид”, “а” ҳарф эса “нафоз” деб юритилади. Қофиянинг мутлақ қофия туридан фойдаланган ҳолда халқона оҳангни ҳосил қилиш шоир кўзлаган мақсадига эришувида муҳим бир восита бўлган. Бу ҳолат шеърнинг таъсир кучини ошириш билан бирга лирик қаҳрамоннинг ҳистуйгуларини ёрқин ифодалашга хизмат қилган.

Учинчи боб бўйича хулосалар:

XX аср бошлари Наманган адабий ҳаракатчилиги намояндалари буюк салафлари анъаналарини муносиб давом эттиришган. Улар ижодидаги анъанавийлик “вертикал” ҳамда “горизонтал”аспектда амалга ошган. “Вертикал” аспектдаги анъанавийлик мумтоз адабиёт вакиллари Ҳофиз Шерозий, Навоий, Жомий, Фузулий, Абдулқодир Бедил, Машраб, Амирий, Нодири, Увайсий каби салафлар анъанасига таянилганида намоён бўлди. Замондош шоирларнинг ўзаро ижодий ҳамкорлиги, улар ўртасидаги анъана ва ўзига хослик “горизонтал” муносабатга мисол бўла олади.

Нодим буюк хамсанавислар ижодидан илҳомланиб, ўзи ҳам ўзбек тилида “Лайли ва Мажнун” достонини ёзади. Лайли ва

²⁷⁴ Доғий. Дилим ихор айлайин дерман. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2006. – Б. 92.

Мажнуннинг фожиали тақдири қаламга олинган ушбу асар мураббаъ жанрида ёзилган. Бу ҳолат шоирнинг дostonчилик анъанасига янгича ёндашувини билдиради.

Хилватий ва Сўфизода шеърятда мумтоз бадиий санъатнинг ноёб тури ташобеҳ ул-атрофнинг ўзгача бир кўриниши мавжудлиги, улар ижоди янги поэтик шакллар билан бойиб борганини англатади.

XX аср бошлари жамият ҳаётидаги ўзгаришлар, тараккий этган давлатларга уюштирилган турли сафарлар, илм-фанни юксалтиришга қўйилган қадамлар туфайли ўрганилаётган шоирлар ижодида ҳаётдаги ҳар бир янги ҳодисага фаол муносабат билдирилди, жамиятдаги норасоликлар танқид қилинди, ижтимоий-маърифий мавзуда шеърлар ёзиш анъанаси кучайди. Бундай янги ланиш тамойиллари, айниқса, Нодим, Ибрат ва Сўфизода ижодида етакчилик қилади. Улар ижодида ишқ қамрови кенгайди. Миллат ишқи, маърифат ишқи билан ўртанган ушбу шоирлар ижодида ахлоқий-таълимий, ижтимоий-сиёсий мавзудаги шеърлар салмоғи ошди. Улар ижодида Ватан ва миллат дарди бадиий талқин этилди.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

ЎЗР ФА ШИ фондида сақланаётган қўлёзма ва тошбосма манбалар, шунингдек, айрим тазкира ва баёзлар, “Туркистон вилоятининг газети” саҳифаларидан аниқланган янги маълумотлар Наманган адабий ҳаракатчилиги намояндалари адабий меросини тўлдириш ҳамда илмий биографиясини бойитишга хизмат қилади. Жумладан, Ҳайратнинг тадқиқот давомида аниқланган яна бир қўлёзмаси шоир назмий асарларининг мавзу ва жанрлар кўлами шу пайтгача маълум бўлганидан анча бой ва ранг-баранг эканини англатади. Хилватийнинг “Сайрул жибол” (557 байт), “Қасидаи илм” (96 байт), “Чароғи мактаб” (210 байт) асарлари матни қўлёзма манбалар асосида жорий имлода нашр этилиб, унинг ижодий фаолияти серқирра экани аниқланди. Ибратнинг “Воқеаи зилзилаи Андижон” (13 бандли мусаддас), “Тарихи ҳаммом” (16 байтли ғазал) асарлари аниқланиб, шоирнинг XX аср бошларидаги ҳар бир ўзгаришга – у хоҳ салбий, хоҳ ижобий бўлсин – муносабат билдиргани илмий баҳоланди. Бунинг натижасида Наманган адабий ҳаракатчилиги намояндалари меросидан шу пайтгача илм аҳлига маълум бўлмаган ғазал, мусаддас, маснавий жанрларига оид жами 1836 мисра шеър аниқланиб, илмий муомалага олиб кирилди. Манбаларнинг қиёсий таҳлили асосида Нодим, Хилватий, Ибрат ва Сўфизодаларнинг таваллудсаналарига оид илмий мунозараларга муносабат билдирилди, уларга ойдинлик киритилди.

Нодим, Ҳайрат, Ибрат ҳамда Сухайлий каби шоирлар, асосан, ўзбек тилида ижод қилган. Уларнинг айрим форсча шеърлари ҳам бўлиб, ҳанузгача жорий имлода чоп этилган эмас. Хилватий (192 мисра), Сўфизода (176 мисра) ва Доғийнинг (644 мисра) ғазал, мухаммас, мусаддас, қасида, рубоий ва туюқ жанрларига оид форсий шеърлари мустақиллик йилларида нашр қилинган. Хилватийнинг 2001 йилда чоп этилган девони фақат ўзбек тилидаги шеърларидан таркиб топган. Аммо шоирнинг 3000 мисрага яқин форсча лирик мероси шу пайтгача қўлёзма ҳолида қолиб келмокда. Уларни нашр эттириш галдаги вазифалардандир.

XX аср бошлари Наманган адабий ҳаракатчилиги намояндалари ижодида тасаввуфона гоёлар, диний тимсоллар талқини мавжудлиги сабаб, мустақилликка эришилгунга қадар улар адабий меросини мукаммал ўрганиш имкони бўлмаган. Мадраса таълимини олган, араб, форс тилини чуқур ўрганган, диний ҳамда

ёнма-ён кечгани улар ижодининг серқирра эканини англатади.

Ўрганилаётган шоирлар аруз вазнида, яъни арузнинг ҳазаж ва рамал баҳрида ижод қилган. Хилватий, Доғий, Суҳайлийлар ижодида дўсту биродарларига атаб ёзган 100 дан ортиқ мувашшаҳлари мавжуд. Ушбу ижод намунаси уларнинг бошқа адабий муҳит вакилларига нисбатан тавших санъатидан унумли фойдаланганини англатади.

Саёҳатнома типдаги “Ҳажнома”, “Сафарнома” (Нодим), “Саёҳатнома” (Ҳайрат), “Сайрул жибол” (Хилватий) каби асарларда табиат тасвири, маҳаллий халқ шароити, сафардаги ҳамроҳлар дунёқараши ифодаланган. Ушбу сафарномалар баъзи шаҳарлар тарихи, кириб келаётган фан-техника янгиликларига бўлган муносабат ҳамда ўша замондаги маданий-маърифий ҳаёт, адабий-эстетик тафаккурдаги янгиланиш жараёнини ифодалай олиши жиҳатидан қимматлидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Методологик манбалар

1. Каримов И.А. Адабиётга эътибор, маънавиятга, келажакка эътибор. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – 40 б.
2. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ / Миллий тикланиш. – Тошкент, 1998, 18 август.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 176 б.
4. Mirziyoyev Sh.M. Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalqimiz bilan birga quramiz. – Toshkent: O'zbekiston, 2017. – 485 б.

II. Қўлёзма ва тошбосма манбалар

5. Баёзи Нодим. ЎЗР ФА ШИ. Қўлёзма. Инв. № 4179.
6. Баёзи Нодим. ЎЗР ФА ШИ. Ҳамид Сулаймонов номли қўлёзмалар фонди. Инв. № 314.
7. Иброт И. Мажмуаи ашъор. ЎЗР ФА ШИ. Қўлёзма. Инв. № 7652.
8. Иброт И. Тарихи маданият. ЎЗР ФА ШИ. Қўлёзма. Инв. № 10117.
9. Иброт И. Тарихи Фарғона. ЎЗР ФА ШИ. Қўлёзма. Инв. № 11616.
10. Иброт И. Турли марсия, иборат ва фикриёт масалалари. ЎЗР ФА ШИ. Қўлёзма. Инв. № 11620.
11. Иброт И. Фикҳи Кайдоний назмий. – Қозон: Ҳусаинов, 1908 йил, ЎЗР ФА ШИ. Қўлёзма. Инв. № 20099; Инв. № 12690; Инв. № 16315. 1/69–IV.
12. Иброт И. Илми Иброт. – Тўрақўрғон: Матбааи Исоқия. ЎЗР ФА ШИ. Инв. № 9987.
13. Иброт И. Жомиъ ул-хутут. – Наманган: Матбааи Исоқия. ЎЗР ФА ШИ. Қўлёзма. № 621.
14. Иброт И. Луғати ситтати алсина. – Тошкент: Ильин типографияси, 1901.
15. Иброт И. Мезон уз-замон. ЎЗР ФА ШИ. Инв. № 11618.
16. Иброт И. Санъати Иброт, қалами Мирражаб Бандий. – Тўрақўрғон: Матбааи Исоқия, 1908 йил.
17. Мулло Йўлдош Хилватий Кафавий ан-Намангоний. Чароғи мактаб. – Тошкент: О.А. Порцев босмаҳонаси, 1325 ҳижрий. – 27 б.

18. Мулла Йўлдош Хилватий. Мавлуди шариф / Хаттот: Абдулқодир Шоший. – Тошкент: Ғулом Ҳасан Орифхонов босмаҳонаси, 1913. – 73 б.

19. Нодим. Ҳажнома, Сафарнома. ЎЗР ФА ШИ. Қўлёзма. Инв. № 4178.

20. Хилватий. Девон. ЎЗР ФА ШИ. Қўлёзма. Инв. № 1870.

21. Хилватий. Сайрул жибол. – Тошкент: Ғулом Ҳасан Орифхонов босмаҳонаси, 1910. – 84 б.

22. Ҳайрат. Девон II. – 232 ғарак / Наманган шаҳрида яшовчи матншунос Аҳмад Убайдуллоҳ шахсий кутубхонасида сақланади.

III. Адабий манбалар

23. Асрлар нидоси. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1982. – 544 б.

24. Доғий. Дилим изҳор айлаин дерман. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2006. – 214 б.

25. Ибрат И. Фикҳи Кайдоний назми. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2012. – 96 б.

26. Ибрат И. Фарғона тарихи / Мерос. – Тошкент: Камалак, 1991. – Б. 266-327.

27. Ибрат И. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 2005. – 200 б.

28. Ибрат И. Ҳикматли сўзлар. – Тошкент: Наврўз, 2019. – 28 б.

29. Нодим. Танланган шеърлар. – Тошкент: Ўздавнашр, 1964. – 88 б.

30. Орифий Ҳ. Муҳаммадшариф Сўфизода. – Наманган: Наманган, 2007. – 112 б.

31. Сўфизода. Тароналар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1968. – 68 б.

32. Сухайлий. Ёдгорим. – Тошкент: Fikr-Media, 2009. – 192 б.

33. Хилватий. Мавлуди шариф. – Наманган: Наманган, 2000. – 76 б.

34. Хилватий. Сайрул жибол. – Тошкент: Фан, 2009. – 88 б.

35. Хилватий. Мавлуди шариф. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2017. – 256 б.

36. Хилватий. Девон. – Тошкент: Фан, 2001. – 524 б.

37. Хилватий. Мавлуди шариф. – Наманган: Наманган, 2003. – 79 б.

56. Исоҳов Ё. Навоий поэтикаси. – Тошкент: Фан, 1983. – 250 б.
57. Йўлдошев И., Уматов Р. Ибрат изларидан. – Наманган: Наманган, 2014. – 40 б.
58. Каримов Н. Муҳаммадшариф Сўфизода. – Тошкент: Muharrir, 2012. – 132 б.
59. Каримов Н. XX аср адабиёти манзаралари. – Тошкент: O'zbekiston, 2008. – 536 б.
60. Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Movarounnahr, 2009. – 448 б.
61. Маҳмуд Л. Мулло Йўлдош Хилватий. – Наманган: Наманган, 2017. – 236 б.
62. Маҳмуд Л. Исоҳқон Ибрат яратган бог. – Наманган: Наманган, 2018. – 256 б.
63. Меърожнома. – Тошкент: Ёзувчи, 1955. – 96 б.
64. Mirzayev S. XX asr o'zbek adabiyoti. – Toshkent: Yangi asr avlodi, 2005. – 420 b.
65. Муқимий. Икки томлик асарлар тўплами. – Тошкент: Бадий адабиёт, 1960. – 200 б.
66. Муҳиддинов М. Адабий анъана ва ижодий ўзига хослик. – Тошкент: Ўқитувчи, 1990. – 85 б.
67. Назаров Б., Расулов А., Аҳмедова Ш., Қахрамонов Қ. Ўзбек адабиёти танқиди тарихи. – Тошкент: Tafakkur qanoti, 2012. – 396 б.
68. Носиров. О. Ўзбек адабиётида ғазал. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1972. – 194 б.
69. Носиров. О ва бошқ. Ўзбек классик шеърляти жанрлари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979. – 183 б.
70. Orzibekov R. O'zbek adabiyoti tarixi. – Toshkent: O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamg'armasi nashriyoti, 2006. – 272 b.
71. Раҳмонов Н. Ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: Sano-standart, 2017. – 256 б.
72. Самадов Ю. Мавлоно Ибрат ворислари. – Наманган, 1999. – 40 б.
73. Солиҳов М.Б. Сўфизодава унинг ижоди. – Тошкент: Ўздавнашр, 1934. – 42 б.
74. Тожибоева М. Жадид адабиёти ва мумтоз анъаналар. – Тошкент: Mumtoz so'z, 2011. – 142 б.
75. Tojiboyeva M. Milliy uyg'omish davri o'zbek adabiyoti. 2-nashri. – Toshkent: Mumtoz so'z, 2017. – 208 б.

Москва: восточной литературы, 1963. – 378 с.

92. Сажжодий Ж.С. Фарҳанги мусталиҳоти мутасаввифа ва шуаро.– Техрон, 1332 ҳ. – 814 с.

93. Шчербак А. Соотношение аллитерации и рифмы в тюркском стихосложении // Народы Азии и Африки. – 1961. – № 2. – Б. 152.

VI. Бадий адабиётлар

94. Аҳмад Ясавий ҳикматлари. – Тошкент: Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. – Б. 256.

95. Барзанжий. Мавлиди шариф.– Тошкент: Тошкент ислом университети, 2014. – 100 б.

VII. Диссертация ва авторефератлар

96. Асадов М.Х. Ўзбек мумтоз шеъриятида риндона маъно ва лирик қахрамон характери: Филол. фан. номз. ...(PhD) дисс. – Тошкент, 2017.– 138 б.

97. Афоқова Н. Ўзбек жаҳид адабиётида шеърӣ шакллар тараққиёти тамойиллари: Филол. фан. док-ри ...дисс. – Тошкент, 2005. – 281 б.

98. Болтабоев Ҳ. XX аср бошлари ўзбек адабиётшунослиги ва Фитратнинг илмий мероси: Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 1996. – 368 б.

99. Воҳидова К. Исҳоқхон Жунайдуллоххўжа ўғли Ибрат ва унинг тарихий-илмий мероси: Тар. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2008. – 186 б.

100. Джалилова Х.М. Саёҳатнома жанрининг маънавий-маърифий хусуси-ятлари (XVIII аср Ғарбий Европа маърифатчилик адабиёти ва миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти мисолида): Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2008. – 160 б.

101. Долимов У. Жизнь и творчество узбекского поэта-просветителя Ибрата: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент: 1971.– С. 28.

102. Долимов У. Ўзбекмаърифатпарвар шоири Ибратнинг ҳаёти ва ижоди: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1971. – 250.

103. Каримов Н. XX аср ўзбек адабиёти тараққиётининг ўзига хос хусусиятлари ва миллий истиқлол мафкураси: Филол. фан. д-ри ...дисс. автореф. – Тошкент, 1993. – 49 б.

Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1990. – № 2. – Б. 18-22.

135. Шайхзода М. Сўфизода ва унинг ижоди ҳақида // Машғала. – Тошкент, 1935. – № 1. – Б. 29.

136. Қосимов Б. Замондошлар, маслакдошлар / Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1979. – № 5. – Б. 223-230.

IX. Мавзуга оид вақтли матбуот материаллари

137. Алворт Э. Жади́длар ҳақида яширилган ҳикоялар // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 1992, 12 сентябрь.
Khalid A. The politics of muslim culturab reform. Jadidism in Central. Berkeley. 1998.

138. Долимов У. Маърифатпарвар шоир / Наманган ҳақиқати. – Наманган, 1968, 19 июнь.

139. Ибрат И. Воқеаи зилзилаи Андижон / Туркистон вилоятининг газети, 1903, 8 март. – № 9.

140. Ибрат И. Тарихи ҳаммом / Туркистон вилоятининг газети, 1905, 13 июнь. – № 23.

141. Иброҳимов М. Турақургонлик матбаачи / Ҳосил учун. – Наманган, 1960, 8 декабрь.

142. Камий К. Андижон зилзиласи хусусида / Туркистон вилояти газети, 1903, 31 январь.

143. Муродов М. Мавлоно Муқимий замондоши / Тошкент оқшоми. – Тошкент, 1967, 7 октябрь.

144. Муқимий. Ғазал / Туркистон вилоятининг газети, 1903, 22 апрель. – № 15.

145. Муҳйи. Мухаммас / Туркистон вилоятининг газети, 1903, 22 январь. – № 3.

146. Низомов Б. Наманганда Ибрат босмаҳонаси / Давр. – Наманган, 2017, 10 март. – № 11.

147. Олим. Шеър / Туркистон вилоятининг газети, 1902, 16 декабрь. – № 49.

148. Остонакул Муҳаммад. Маснавий / Туркистон вилоятининг газети, 1903, 22 февраль. – № 17.

149. Олимий Л. Унутилган шоир / Фарғона. – Фарғона, 1925, 30 март.

150. Раҳимхўжа Эшон. Мухаммас / Туркистон вилоятининг газети, 1903, 14 февраль. – № 6.

151. Саид Абдумажид Шавкий. Шеър / Туркистон вилоятининг газети, 1903, 30 июнь. – № 25.

152. Фозил Юнусхон ўғли. Шеър / Туркистон вилоятининг газети, 1903, 21 май. — № 20.

153. Хўжахон қози. Шеър / Туркистон вилоятининг газети, 1903, 7 май. — № 18.

154. Шўхий. Шеър / Туркистон вилоятининг газети, 1903, 9 июнь. — № 22.

Илмий нашр

ОЗОДАХОН БОЛТАБОЕВА

XX АСР БОШЛАРИ НАМАНГАН АДАБИЙ ҲАРАКАТЧИЛИГИ

Монография

Мухаррир: Гулчеҳра ЗОКИРОВА
Дизайнер: Абдулазиз ТОШПЎЛАТОВ
Мусахҳих: Мадина МАМАЖОНОВА

Теришга берилди 21.01.2022 йилда.
Босишга рухсат этилди 07.02.2022 йилда.
Бичими 64x42 1/16. Офсет қоғози
Times New Roman гарнитураси. Ҳажми 8 босма табок
Адади 1000 нусха.

“ARJUMAND MEDIA” NASHRIYOTI
Namangan shahri, Navoiy ko‘chasi, 36.
Tasdiqnoma raqami 1743
2020-yil 30-sentabrda berilgan.

Мурожаат uchun telefon: +99899 002-94-39

“Toshbuloq oqshom” bosmaxonasida chop etildi.
Manzil: Namangan shahri, I.Karimov ko‘chasi, 10-uy.



Болтабоева Озодахон Юлдашалиевна

Болтабоева Озодахон Юлдашалиевна 1977 йил 12 март куни Наманган вилояти Уйчи туманининг Жийдакапа кишлоғида туғилган.

1994-1999 йилларда Наманган давлат университетининг ўзбек филологияси факультетини тамомлаган.

2006 йилдан Наманган давлат университети ўзбек тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси, 2016-2018 – йилларда ўзбек тили ва адабиёти кафедраси таянч докторанти, 2019 йилдан бошлаб Наманган давлат университети ўзбек тили ва адабиёти кафедраси катта ўқитувчиси сифатида фаолият олиб борган.

Болтабоева Озодахон Юлдашалиевна 2019 йилда 10.00.02 – Ўзбек адабиёти ихтисослиги бўйича “XX аср бошларида Наманганда адабий ҳаракатчилик: намояндалари, анъаналари, янгиланиши” мавзuidaги докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган. 2019 йил 31 августда филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олган. Ҳозирги вақтда Наманган давлат университетининг ўзбек адабиётшунослиги кафедраси катта ўқитувчиси сифатида филология факультети талабаларига “Матншунослик”, “Ўзбек адабиёти тарихи”, “Наманган адабий муҳити” каби фанлардан таълим бериб келмоқда.

Болтабоева Озодахон Юлдашалиевнанинг 50 дан ортиқ илмий мақолалари республика ва чет эл журналларида чоп этилган. Шунингдек, Хилватийнинг “Сайр-ул жибол”, “Қасидаи илм” ҳамда “Чароғи мактаб” асарларининг сўзбоши, луғат ва изоҳлар билан таъминланган матни нашр этилишида иштирок этган. 2021 йилда “Исҳоҳон тўра Ибрат ҳаёти ва адабий фаолияти” номли китоби нашрдан чиққан.